

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР УСЛУБИЁТИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими  
ўқув методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш  
томонидан “Касбий таълим(Иқтисодиёт)” таълим йўналиши талабалари  
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган**

**ТОШКЕНТ - 2007**

Шодмонова Ш, Хошимова М, Файзуллаева Н.Тошкент.2007.

Тарбиявий ишлар услубияти.Ўқув қўлланмаси.- Т.: ТДИУ, 2007.-175 б.

Мазкур ўқув қўлланма бўлажак педагогларни тарбиявий ишлар услубиётига оид билимлар билан кўроллантириш, тарбиявий ишларни ташкил этиш маҳоратини шакллантириш масаласига бағишланган. Қўлланма тукқиз бобдан иборат бўлиб, унда асосий эътибор тарбиявий ишлар услубиётининг тамойиллари, вазифалари, тарбия усуллари ва шахс ривожланишининг асосий қонунларини таҳлил этишга, ахлоқий, эстетик, экологик ва меҳнат тарбиясининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишга ҳамда педагогик технологиялардан фойдаланишга қаратилган. Қўлланмада Ўзбекистонлик педагог олимларининг кейинги йилларда тарбия соҳасида олиб бораётган педагогик илмий-тадқиқот ишларининг натижалари ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма Тошкент. Иқтисодиёт университети илмий кенгаш қарори асосида чоп этилди.

Такризчилар:

И.ф.д., проф. Хўжаев Н – Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети.

П.ф.н. проф. Хошимов К. Тошкент Давлат Педагогика университети.

## Мундарижа

### Кириш

.....	5
<b><i>I БОБ.Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг назарий асослари.....</i></b>	<b>8</b>
1.1. Тарбиявий ишлар услубиёти фанига кириш. Фаннинг мақсади, вазифаси, асосий тушунча ва тамойиллари. ....	8
1.2.Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг мазмуни, моҳияти ва шахс тарбиясидаги роли. ....	13
1.3.Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг долзарб муаммолари ва уни бартараф этиш йўллари. ....	15
1.4.Тарбиявий жараёнда ғоявий-сиёсий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш	19
1.5.Гуруҳ раҳбари ишини режалаштириш. ....	24
1.6.Тарбиявий иш режаларига киритиладиган тахминий ишлар.....	34
<b><i>II БОБ.Гуруҳ раҳбари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.....</i></b>	<b>39</b>
2.1.Гуруҳ раҳбарининг шахс ва жамоани ўрганиши, тарбиявий ишларни ташкиллаштириш. ....	39
2.2.. Гуруҳ раҳбарининг шахс ва жамоани ўрганиши ва тарбиявий ишлар жараёнини ривожлантириш йўллари. ....	44
2.3. Гуруҳ раҳбарининг вазифалари ва шахсий сифатлари.....	51
2.4.Гуруҳ раҳбарининг фаолияти. ....	55
2.5.Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишларни ривожлантиришга йўналтирилган фаолияти. ....	58
2.6.Мустақиллик шароитида тарбиявий ишлар жараёнига ва гуруҳ раҳбари фаолиятига қўйилган талаблар.....	63
<b><i>III Боб. Гуруҳ раҳбарининг шахс ва жамоани ўрганиши ва тарбиявий ишларни ташкиллаштириши усуллари.....</i></b>	<b>68</b>
3.1..Гуруҳ жамоасини ташкил этиш ва тарбиялашга қўйилган талаблар.	68
3.2. Гуруҳ жамоасини ўрганиш ва уни дастурини ишлаб чиқиш.....	75
3.3..Гуруҳ жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш ишини режалаштири	77
3.4.Гуруҳ жамоаси билан ишлаш ва унга раҳбарлик қилиш.....	81
<b><i>IV Боб..Гуруҳ раҳбарининг оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида олиб борадиган педагогик фаолияти.....</i></b>	<b>86</b>
4.1. Тарбиявий ишларни амалга оширишда "Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлиги" Концепциясининг ўрни ва аҳамияти.....	86
4.2.. Гуруҳ раҳбарининг оила ва жамоа билан олиб борган фаолияти. ....	89
4.3. Ота-оналар билан ишлашнинг шакл ва методлари.....	91
4.4. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва ўқув юртининг ҳамкорлигини амалга ошириш тамойиллари ва босқичлари.....	97
<b><i>V Боб. Талабаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда гуруҳ раҳбарининг роли.....</i></b>	<b>102</b>
5.1.Меҳнат тарбиясининг мазмуни. ....	102
5.2.Меҳнат тарбиясини сингдиришда гуруҳ раҳбарининг тутган ўрни.	104
5.3. Талабаларнинг ўқув меҳнатини ташкил этиш усуллари.....	105

<b><i>ҮІ.БОБ. Дарсдан ташқари вақтдаги тарбиявий ишларни ташкил этиш шакллари..</i></b> .....	<b>114</b>
6.1. Дарсдан ташқари вақтдаги тарбиявий ишлар мазмуни ва унга қўйиладиган талаблар. ....	111
6.2. Дарсдан ташқари вақтдаги тарбиявий ишлар шакллари.	113
6.3. Тарбияланувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши.....	117
6.4. Дарсдан ташқари вақтларда таълим-тарбия муассасаларида байрамларни, оммавий тадбирларни намунали ўтказиш усуллари.....	124
<b><i>ҮІІ.БОБ. “Тарбиявий ишлар услубиёти” фанини ўқитишда янги педагогик технология усулларидан фойдаланиш.</i></b> .....	<b>132</b>
7.1. “Тарбиявий ишлар услубиёти” фанини ўқитишда янги педагогик технологияларнинг ўрни.....	132
7.2. Дарс жараёнида тренинглари ташкил қилиш ва унинг таркибий қисмлари. ....	136
7.3. Тренинглари ўтказишда гуруҳлар билан ишлаш ва уларга раҳбарлик қилиш. ....	139
7.4. Гуруҳ таркибини алмашувчан характерини ҳисобга олиш.....	142
7.5. Социометрия услуби билан гуруҳни ўрганиш.....	146
<b><i>ҮІІІ БОБ.Тарбиявий ишлар юзасидан ишлаб чиқилган методик тавсиялар</i></b> .....	<b>149</b>
8.1. Ўқув-тарбиявий ишларини амалга оширишнинг ташкилий шакллари ва ўтказиш методикаси. ....	149
8.2. Гуруҳ мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш .....	155
8.3. Умумий қоидалар. ....	157
8.4. Гуруҳ тўғрисида маълумот .....	159
<b><i>ІХ.БОБ. МАЪНАВИЯТ ДАРСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР</i></b> .....	<b>164</b>
9.1.«ЧЕКМАСДАН ЎЗИНГНИ ТИЙ, ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР» дастури асосида .....	164
<b><i>Фойдаланилган адабиётлар</i></b> .....	<b>172</b>

## КИРИШ

Баркамол шахсни тарбиялаш барча даврларда муҳим ижтимоий талаблардан бири бўлиб келган, аммо бугунги сифат ўзгаришлар рўй бераётган бир даврда бу масаланинг долзарблиги янада кучайиб талаб ортиб бормоқда.

Республикаимиз мустақилликка эришгач таълим-тарбия жараёни қайта кўриб чиқилиб уни ривожлантириш учун бир қанча янги асослар юзага келди. Жумладан “Таълим тўғрисидаги” Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг яратилиши таълимни тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини берди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг бир қанча нутқ ва рисолаларида истиқболга эришишнинг йўллари, тамойилларини аниқ ва равшан кўрсатиб берган. И.А.Каримовнинг «Истиқлол ва маънавият», «Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», «Баркамол авлод орзуси» каби асарларида жамиятнинг маънавий жиҳатдан янгиланиши ва ривожланишининг асосий негизлари баён этилган.

Ўтиш даврининг энг асосий хусусиятларидан бири бу - жамиятнинг маънавий жиҳатдан янада юқори поғонага кўтарилишидир. Чунки ўтиш даври биринчи галда жамиятдан маънавий ўсишни талаб этади. Маънавий ўсиш ўз навбатида фан-техника, маданият, санъат ҳамда иқтисодий ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавий фазилатларни тарбиялаш масаласи ўта долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантириш назарда тутилган. Бундай натижага эришиш учун таълим–тарбия жараёнининг уйғунлигини таъминлаш, тарбия жараёнининг қонуниятларини чуқур ўрганиш ва бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган баркамол ёш авлодни тарбиялаш

усулларини таққ қилиш лозим. Баркамол авлод тарбияси кўп жихатдан бугунги кунда тахсил олаётган бўлажак педагогларнинг тарбиявий ишларни ташкил этиш маҳоратига боғлиқдир. Шунинг учун бўлажак педагогларни тарбиявий иш услубиётига доир бўлган билимлар билан мунтазам равишда таништириб боришимиз, бу борада малака ва кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Бундай вазифани бажариш учун албатта ўқув қўлланма ва дарсликларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бугунги кунда тарбиявий ишлар услубиётига бағишланган ўқув қўлланмалар мавжуд . Булардан бири Л.В .Рувинскийнинг «Тарбиявий иш методикаси» (1991 й) деб номланувчи қўлланмадир. Ушбу қўлланма собиқ Совет дварида нашр этилганлигидан ана шу давр хусусиятларини ва дунёқарашини ўзида акс эттиради. Бугунги кунда бизнинг дунёқарашимиз, эҳтиёжларимиз ва талабларимиз бутунлай ўзгарган. Бундан ташқари ушбу қўлланмада ахлоқий, эстетик, экологик тарбия масалалари деярли таҳлил этилмаган. Бу борада эришилган охириги ютуқлар ўз аксини топмаган.

Кейинги йилларда Россияда педагогика оид кўплаб чоп этилган адабиётлар мавжуд масалан: И.П.Подласыйнинг «Педагогика» номли дарслиги (2006), С.Л.Вигман «Педагогика в вопросах и ответах» номли ўқув қўлланмаси (2006), П.И.Пидкасистый таҳрири остида чоп этилган «Педагогика» дарслиги (2006). Айтиш жойизки бу дарслик ва ўқув қўлланмалар янги педагогик билимларга бой, аммо уларда ўзбек халқ педагогикасининг хусусиятлари ҳисобга олинмаган ва энг муҳими бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган педагогик илмий-тадқиқот ишлари акс эттирилмаган. Бугунги кунда Ўзбекистонда педагогикага оид ўқув қўлланмалар кўплаб чоп этилмоқда, аммо уларда асосий эътибор тарбия назариясига қаратилган бўлиб, тарбиявий ишлар услубиёти масаласига кам эътибор берилган.

Биз юқоридаги фикрлардан ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 28-сентябрдаги 288-сонли «Узлуксиз таълим тизимини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида» ги

хамда 2001 йил 20 февралдаги 43-сонли «Дарсликлар яратишни жадаллаштириш тўғрисида»ги буйруқларидан келиб чиққан ҳолда «Тарбиявий ишлар услубиёти» фанидан ўқув қўлланамани ишлаб чиқдик. Мазкур ўқув қўлланмада бугунги кунда тарбия борасида юзага келаётган муаммолар атрофлича таҳлил этилган ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ҳар бир шахс олдига қўяётган янги талаблари асосида тарбиявий ишларни ташкил этиш масаласи кўрилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда тарбия борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари ёритилган.

«Тарбиявий ишлар услубиёти» курси олдида икки вазифа туради: биринчиси, бўлажак педагогларни тарбиявий ишлар услубиётига оид билимлар билан таништириш ва ана шу билимларни маҳорат билан қўллаш малакасини шакллантиришдир; иккинчиси бўлажак педагогларни тарбиявий ишларни ташкил этиш масаласи бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга тайёрлаш. Чунки тарбия узлуксиз ривожланиб, ўзгариб боровчи жараёндир. Тарбия жараёни ҳар бир тарбиявий вазиятга ижодкорона ёндошувни талаб этади. Мазкур қўлланма ана шу вазифаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

## *1 БОБ.Тарбиявий ишлар услубиёти фанига кириш.*

### **1.1.Тарбиявий ишлар услубиёти фанига кириш.Фаннинг мақсади, вазифаси, асосий тушунча ва тамойиллари.**

Ҳозирги кунда ёшларни баркамол инсон, ўз Ватанининг илғор кишиси сифатида тарбиялаш энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки айнан ёшлар давлатимизнинг келажагидир.

Янги асрга қадам қўяр эканмиз мамлакатимизда чуқур, кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислохатлар амалга оширилмоқда. Жамият маънавий юкасалиши ва янгиланиши сари юз тутгун бир пайтда Ўзбекистон Республкаси Президентининг 1999 йил 3–сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашининг қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги Фармони замиридаги ғоялар, улардан келиб чиқадиган асосий мақсадлар маънавиятнинг устуворлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон улканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушиниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.<sup>1</sup>

Маънавияти юксак шахслар юртни танитади. Шахсни эса унинг маънавий қиёфаси танитади. Маънавият – тарбиядан бошланади. Таълим– тарбиясиз маънавиятнинг бўлмаслиги барчага аён ҳақиқатдир.

---

<sup>1</sup> Рахимжонов Н. “Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли” Т., 2005 (Б.М.И.)



Миллий педагогика асосчиларидан бири Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидир!” деган сўзлари фикримизга далил бўлади.

Республикамиз ҳукумати томонидан мустақилликнинг илк йиллариданок, жисмонан соғлом, маънан етук шахс яратишга эътибор берилди бошланди. Бу борадаги ишларни аниқ, мақсадли амалга ошириш учун давлат аҳамиятига молик дастурлар, режалар ишлаб чиқилди.<sup>1</sup>

Мазкур “Тарбиявий ишлар услубиёти” фанининг ўқитилиши ҳам айнан ушбу қарорга асосан педагогикага ихтисослашган мутахассислар учун ишлаб чиқилган. Бунда услубиёт тарбия назариясининг умумий қоидаларига асосланиши, лекин уларни такрорламаслиги, бу қоидаларни рўёбга чиқариш усулларининг воситалари, йўллари ва шаклларида иборат бўлиши лозим.

Тарбиявий иш услубиётини ўрганиш талабаларни тарбиялашнинг умумий масалаларини мустақил, ижодий ва дадил ҳал қилишга тайёрлаши лозим.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолатга келтириши учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор шахсга қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг бош мақсади – ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий-тарихий анъаналарга, урф–одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали, ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.

Тарбиявий ишлар туслубиёти фанининг асосий вазифаси эса – шахснинг ақлий эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир.

---

<sup>1</sup> З. Қурбаниязова “Тарбиявий ишлар жараёнида тарбияланувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари” номзодлик диссертацияси. Т., 2002.

Бунинг учун: ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз – ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндошув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

Талабаларда маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб–бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларни шакллантириш;

Ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиб кўриш;

Инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир–бирини тушинадиган, меҳрибон, шафқатли, ирқий камситишларга йўл қўймаслик) муомала одоби каби тарбия воситалари кенг қўлланиши лозим.

Тарбия – тарбияланувчи шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир шахс, ўсмир ва ёш йигит – қизнинг бетакрор ва ўзига хослигини эътиборга олиш;

Амалда тарбиявий жараён яхлит ва узлуксиз ишига ва турли ёшдаги тарбияланувчиларни камраб олишига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Ўсмир йигит ва қизлар нафақат бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар.

Тарбиявий ишлар услубиёти “Педагогика” фанининг бир қисми бўлиб, фан сифатида ажралиб чиқди ва ўзининг назарий, услубий, амалий асосларини яратди. Натижада тарбиявий ишларнинг тармоқлари вужудга келди. Тарбиявий ишлар услубиёти фани бир неча қисмга бўлиб ўрганилади. Булар қуйдагилардир: “Одобнома фанини ўқитиш” методикаси, “Жамоани ташкил қилиш” методикаси, “Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишларни ташкил этиш” методикаси ҳамда “Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ҳамкорлигини амалга ошириш” методикаси ва ҳақозолар.

Тарбиявий ишлар услубиёти “Педагогика” фанининг бир қисми бўлиб, фан сифатида қаралади ва ўзининг назарий, услубий, амалий асосларини

яратди. Натижада тарбиявий ишларнинг тармоқлари вужудга келди.

Демак бу фанни ўқитишдан мақсад келажакда талабаларимизга таълим муассасаларида таълим – тарбияга давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича ёндошишни, ишни сифат, мазмун жиҳатдан тўғри ташкил этишни ўргатишдан иборатдир.

Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг бош мақсади – ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий – тарихий анъаналарга, урф – одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали, ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.

Педагогик техника – бу шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали уларга ўз фикрлари ва қалбини етказиш имконини беради. Талабалар билан бевосита муомала қилишда педагогнинг худди ана шу малакалари (ёки уларнинг йўқлиги) унинг хулқ атвориди намоён бўлади.

Педагогик маҳорат бу фаҳм – фаросат ва билимларнинг, чинакам илмий, тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган нуфузли раҳбарликнинг, талабалар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган талаба шахсига моҳирлик билан авайлаб ёндошиши, донолик ва ижодий даллилик, илмий таҳлил, хаёл ва фантазияга бўлган қобилият мажмуасидир.

Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари педагог раҳбарлигидаги машғулотлар (педагогик техникани ўрганиш) ва мустақил ишлаш (касбий жиҳатдан ўз – ўзини тарбиялаш) дир. Педагогик техника малакаларининг индивидуал – шахсий тусда эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз – ўзини тарбиялаш, яъни талабанинг ўзида моҳир педагог шахсий фазилятларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли ота – боболаримизнинг ахлоқ – одоб ҳақидаги ҳикматли ҳикоялари, нақл – ривоятлари ёшларнинг маънавий қадриятларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни биз одобнома фанининг ўқитилиши мисолида кўришимиз мумкин. Тарбиявий ишларни ташкил қилишда эса ҳар бир педагог ахлоқ одоб ҳақидаги билимларга эга бўлиши керак.

Тарбиявий ишлар услубиёти фанини ўқитишда жамоани ташкил қилиш методикасига катта эътибор берилади, чунки шахсни жамоада тарбиялаш билангина жамиятни юксалтириш мумкин. Бу вазифаларни эса биз одатда гуруҳ раҳбарларининг зиммасига юклаймиз. Гуруҳ раҳбарлари ўз навбатида гуруҳдаги талабаларнинг бевосита таълим – тарбия жараёни, яъни дарслар давомида ҳамда дарсдан кейинги фаолиятини назорат қилишга маъсулдирлар.

Кейинги йилларда давлатимизда қабул қилинаётган таълим ва тарбия тўғрисидаги қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли ишлай оладиган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда оила, маҳалла ва ўқув масканларининг нуфузини янада юқори поғонага кўтаришни тақозо этади.

Шу мақсадда тарбиявий ишларни ташкил этиш ва уни тўғри йўлга қўйиш мақсадида биз сизлар билан ўқиш давомида ушбу услублардан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этамиз ва ҳар бир йўналишга алоҳида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳуқуқ – тартибот органлари, ижодий уюшмалар, давлат ва нодавлат жамғармалар, кўмиталар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тарбия- маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир. Бугунги кунда тарбия методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1.Сўз орқали ифодалаш методи.

2.Кўрғазмалилик методи.

3.Амалий, намуна усули.

4. Рағбатлантириш ва жазолаш .

Биринчи гуруҳ - сўз орқали фикрни баён этиш, маслаҳат бериш, йўналтириш, суҳбат, ҳикоя, маъруза.

Иккинчи гуруҳ - кинофильмлар, тасвирий санъат, бадиий санъат ва адабиёт.

Учинчи гуруҳ - тарбия маълумотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш, ўртак кўрсатиш, намуна ва ибратдан фойдаланиш.

Тўртинчи гуруҳ - талабаларни яхши бажарилган иш учун рағбатлантириш. Рағбатлантириш маънавий ва моддий кўринишларда бўлиши мумкин. Жазолаш методи ҳам кам ишлатилишига қарамасдан ўзининг маълум таъсир кучига эга. Жазолашга - танбеҳ бериш, қаттиқ огоҳлантириш, уялтириш кабилар киради.

## ***1.2.Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг долзарб муаммолари ва уни амалга ошириш йўллари.***

Ҳозирги кунда ёшларни баркамол инсон, ўз Ватанининг илғор кишиси сифатида тарбиялаш энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки айнан ёшлар давлатимизнинг келажагидир.

Янги асрга қадам қўяр эканмиз, мамлакатимизда чуқур, кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Жамият маънавий юкасалиши ва янгилалиши сари юз тутгун бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3–сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашининг қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги Фармони замиридаги ғоялар, улардан келиб чиқадиган асосий мақсадлар маънавиятнинг устуворлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият

шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон улканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

Республикамиз ҳукумати томонидан мустақилликнинг илк йиллариданок, жисмонан соғлом, маънан етук шахс яратишга эътибор берилди бошланди. Бу борадаги ишларни аниқ, мақсадли амалга ошириш учун давлат аҳамиятига молик дастурлар, режалар ишлаб чиқилди.

Мазкур “Тарбиявий ишлар услубиёти” фанининг ўқитилиши ҳам айнан ушбу қарорга асосан педагогикага ихтисослашган мутахассислар учун ишлаб чиқилган. Бунда услубиёт тарбия назариясининг умумий қоидаларига асосланиши, лекин уларни такрорламаслиги, бу қоидаларни рўёбга чиқариш усуллариининг воситалари, йўллари ва шакллариининг иборат бўлиши лозим.

Тарбиявий иш услубиётини ўрганиш талабаларни тарбиялашнинг умумий масалаларини мустақил, ижодий ва дадил ҳал қилишга тайёрлаши лозим.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолатга келтириши учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор шахс шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақазо этади.

Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг бош мақсади – ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий – тарихий анъаналарга, урф – одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали, ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.

Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг асосий вазифаси эса – шахснинг ақлий эркин фикрловчи, ахлоқан баркамол ва жисмоний жиҳатдан ривожланган шахсни шакллантириш ҳамда унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир.

Бунинг учун: ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз – ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндошув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

Талабаларда маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб–бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларни шакллантириш;

Ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиб кўриш;

Инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир – бирини тушинадиган, меҳрибон, шафқатли, ирқий камситишларга йўл қўймаслик) муомала одоби каби тарбия воситалари кенг қўлланиши лозим.

Тарбия – тарбияланувчи шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир шахс, ўсмир ва ёш йигит – қизнинг бетақроп ва ўзига хослигини эътиборга олиш;

Амалда тарбиявий жараён яхлит ва узлуксиз ишига ва турли ёшдаги тарбияланувчиларни қамраб олишига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Ўсмир йигит ва қизлар нафақат бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар.

### ***1.3. Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти.***

Ҳар қандай фаолиятда сифат ва самарадорликка еришиш ҳозирги кунимизнинг муҳим талаби ҳисобланади. Ўқув юртидаги асосий фаолият ўқишдир. Шунинг учун тарбия ўқиш фаолияти билан қанча кўп боғланса,

унинг мазмунида тарбиявий томон қанча кучли бўлса, тарбия билан таълим бирлиги барча чоралар билан хал қилинса, у холда мувоффақиятга эришиш шунча осонлашади.

Аммо тарбиявий таъсир таълим билан чекланмайди. Унинг мазмуни дарсдан ташқарида талабалар фаолиятини уюштириш, турли туман тарбиявий тадбирларни ташкил этиш орқали тўлатилади ва хал қилинади. Мана шу тарбия жараёнининг самарасини ошириш нималарга боғлиқ?

Тарбиянинг самарадорлигини ошириш долзарб ва мураккаб муаммодир. Самарадорлик деганда эса хар қандай фаолиятда энг кам куч сарфлаш ва моддий жихатидан кам харажат қилган холда, қисқа вақт ичида кўзланган мақсадга тўла эришиш тушинилади. Гарчи буни тарбияга тадбиқ этадиган бўлсак, унда қулайлик томони хам хисобга олинади. Лекин унинг амалда хал қилиниши маълум шарт-шароитга боғлиқ бўлади. Булар, аввало тажрибада қатъий тизимнинг бўлишини тақозо этади. Тажрибадаги тизимчилик истаган педагогик тадбирнинг мунтазам уюштирилиши деб тушунилади. Баъзи ўқув юртларида қобилятли, ижодий изланувчан гуруҳ раҳбарлари томонидан тарбиявий ишларнинг махсулдор натижа берадиган тизими вужудга келди. Аммо айрим гуруҳ раҳбарларининг тажрибасида умумий тизимнинг фақат баъзи таркибий қисмларигина бор, холос. Бошқаларида эса тизим ўрнига турли тадбирларнинг тартибсиз тўпламига дуч келамиз. Ана шундай холда тарбиявий имконият билан натижа ўртасида узвийлик йўқолади. Бу холнинг вужудга келмаслиги учун гуруҳ раҳбари фаолиятида тарбиявий ишларнинг тизими бўлиши шарт.

Тарбиявий ишлар тизими ўз белгиларига эга бўлиб, гуруҳ раҳбари шуларни эсда тутиши ва қуйидагиларга риоя қилиши керак:

1. Тарбиявий иш тарбиянинг умумий мақсадига бўйсунуши ва айна пайтда аниқ вазифага боғланиш керак;
2. Тарбиянинг мазмуни, методи, усули, ташкилий шакл ва бошқариш жараёнининг яхлит хамда бир бутунлигини таъмин этиши керак. Булар



ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб улардан бирининг ўзгариши бутун тизимнинг ўзгаришига олиб келади;

3. Тарбиядаги динамиклик-истаган тизим ўз ўтмишига, ҳозирги даражасига ва келажак истиқболларига эга бўлиши керак;

4. Тарбиянинг бошқарилиши—тарбиявий иш тизими тарбиячидан қилинган ишнинг натижасин ўрганиб боришни, ўз ишини таҳлил қилиш услубини эгаллаб боришни тақозо қилади;

5. Тарбия ишлари атроф—муҳит билан давр руҳи билан боғланиб бориши керак.

Тарбиявий ишлар тизими ўз мазмунига эга. Буни тарбияни умумий мазмуни ва гуруҳнинг имкониятига мос келадиган ҳажми белгилайди. Лекин тарбиявий ишлар тизими қотиб қолмаган мазмуни ва шаклан мунтазам янгиланиб туриши ва бу тарбия жамоанинг эҳтиёжи сифатида вужудга келиши лозим.

Тарбиявий ишнинг самарадорлигига тарбияга мажмуавий муносабат талаби ҳам таъсир этади. Тизим ва мажмуавий муносабат ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улардан бири йўқ жойда иккинчиси ҳам бўлмайди. Тарбияга мажмуавий муносабат тарбиянинг асосий моҳияти бўлган ҳар томонлама гармоник ривожланган шахсни етиштириш мақсадидан келиб чиқади.

Мажмуавий муносабат тарбиявий ишларни бирлаштиришини, педагогик таъсир воситаларни таҳлил қилиш йўли билан гуруҳ раҳбари меҳнатида юксак самарага эришишни таъминлайди. Бунда ҳам бир иш мавзу билан боғланиб, бутун жамоанинг иштироки шу асосида таъминланади. Гуруҳ раҳбари ишидаги мажмуавий муносабат умум мактаб тарбиявий ишлари занжири билан боғланиши туфайлигина вужудга келади.

Академик литседей, коллеждаги тарбиявий иш даври бир қатор ўқув юрти тадбирлари атрофига бирлашади ва унинг амалга оширилишида биринчи курсдан учинчи курсгача бўлган ҳамма талабалар, гуруҳ

рахбарлири, ота-оналар, барча ўқитувчилар, «Камолот» ташкилоти ва оталиқ корхона вакиллари қатнашади.

Масалан: «жонажон ўқув юртим менинг» мавзусидаги умумий тадбирни олайлик. Хар бир гуруҳда шу мавзу билан боғлиқ ўлкашунослик ишлари занжирли ташкил этади; доривор ўсимликларни йиғиш ўлка табиатини билагонларнинг беллашувини ўтказиш, кўргазма учун табиий маълумотлар йиғиш, куз гулдастаси танловини уютириш сайёхлар мусобақисини (гулхан ёқиш, палатки ўрнатиш, тез ёрдам бериш, кўмаклашиш ва бошқалар) ташкил этиш, расссомлар, фотосуръатчилар танловини ўтказиш ва она Ватан мавзусида иншо ёзиш, саёхатга чиқиш (кичикларга катталарга боғлиқ) ҳамда бошқа ишлар уюштирилади. «Табиат фантазияси» кўргазмасини ташкил этиш билан ишга яқун яасалади.

Дастурнинг бу қадар хилма-хиллиги гуруҳ талабларининг мустақиллигини оширади, уларнинг спорт, саёхликка ҳамда меҳнатга оид малака ва кўникмаларнинг синовдан ўтказади, ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқлайди. Бундай тадбирларга «Қўшиқ бизга хамрохдир» мавзусида қўшиқлар фестивали ўтказиш; таътил кунларида «Биз дунёнинг эгаларимиз» мавзусида йиғилишлар, соф виждонли кишилар, «уруш оловига қарши курашганлар сафига» мавзусида ёш антифашистлар хафталиги, билимлар ва ижодиёт кўриги, фан ва техника хафталиги; «Менинг меҳнатим республика меҳнатига қўшилади» мавзусида меҳнат хафталиги ва ўн кунликлари ташкил қилиш мумкин. Бу хилдаги ишлар ўз мазмуни билан ўқувчиларда юксак фуқаролик фазилатларини шакллантиради, ғоявий-сиёсий меҳнат ҳамда ахлоқий тарбия уйғунлиги таъминлайди ва ана шулар тарбиядаги намунавий муносабатни ифодалайди.

Гуруҳ раҳбари тарбия ишлари тизимидан ҳам мажмуавий муносабат ха вазиятни яратиш мақсадида фойдаланиш керак. Чунки тарбияда

вазифалар яратадиган тарбияни ундан ўз мақсади учун жуда кенг ва унумли фойдалана олади ҳам.

#### ***1.4.Тарбиявий жараёнда ғоявий- сиёсий ва ахлоқий тарбияни ташкил этиш.***

Ғоявий ахлоқий тарбиянинг асосий мақсади ғоявий ахлоқий жихатидан етук ва фаол ёшларни тайёрлашдир. Энг муҳим вазифалардан эса, бу талабаларни ахлоқ талабларига мувофиқ такомиллаштиришга томон йўналтиришдир. Хар бир талаба ўзини-ўзи тарбиялашнинг мақсадини аниқлаб олишга ёрдамлашмоқ керак. Бунинг учун хар бир ўқувчининг эҳтиёж ва қизиқиш даражасини ўрганиш уларга ўз эҳтиёжларини жамият манфаатларига, хал этилаётган ижтимоий вазифаларга бўйсинтиришга, ўз жамоаси шароитида вужудга келаётган эҳтиёжларни кўра олишга ва нихоят уларнинг хал қилишнинг аниқ шарт-шароити ва ҳақиқий имкониятларни топа олишга ўргатиш гуруҳ раҳбарининг бурчидир. Ғоявий ахлоқий тарбия вазифаларини амалга ошириш, ўқувчиларни ғоявийлик, байналмилаллик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш; шахснинг фаол пазитциясини таркиб топтириш; ахборотлар оқимида ўзига тўғри йўналиш оола билишга ўргатиш; миллий ғоя учун кураш жараёнида ўзининг фаол фаолияти билан иштирок этишга тайёргарлик; меҳнат фаолиятида ғоявий-ахлоқий жихатдан тарбиялашнинг ахамияти тобора ортиб бормоқда. Талабаларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий жихатдан тарбиялаш, уларда дунёқарашни шакллантириш асосан дарсда хал қилинади, лекин бу иш гуруҳ раҳбари фаолиятида алоҳида ўрин тутиш керак. Лекин бу муҳим масалани хал этишда гуруҳ раҳбари куйидаги вазифаларни мажмуали хал қилиш керак:

1.Талабаларни маълум бир даражадаги сиёсий билимлар, дунёқарашга доир ғоя ва тушунчалар билан қуроллантириш;

2. Талабаларда фуқаролик хисларини хосил қилиш, яъни ўзининг мамлакатдаги, халқи ҳаётидаги воқеаларга алоқадор эканлигини англашига эришиш, ватанпарварлик, байналмилаллик сифатларини тарбиялаш;

3. Талабаларни ижтимоий-сиёсий амалиётга, ижтимоий фойдали ишларга меҳнат фаолиятига фаол жалб қилиш йўли билан уларда ижтимоий-сиёсий тажрибани барпо этиш.

Гуруҳ раҳбари талабаларнинг дарсда эгаллаган ғоявий-сиёсий билимларни дарсдан ташқаридаги турли тарбиявий ишлар воситасида кенгайтирилди. Бу ишлар вақт ўлчовининг чегараланмаганлиги, эмотсионал таъсир имкониятининг кенглиги шахсий эҳтиёжга мувофиқлиги туфайли талабалар томонидан дарсдагидан кўра бошқачароқ қабул қилинади. Бу нарса яъни миллий ғоялар ҳар бир кишининг ҳулқ-атворида, ҳар бир жамоа ва ҳар бир ташкилотнинг фаолиятидаги ишлар билан узвий боғлаб олиб борилиши лозим. Ана шунга амал қилган гуруҳ раҳбари ҳар бир талабани ва бутун гуруҳ жамоасини фаол ижтимоий ишларга жалб қилади, уларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятда қатнашиш эҳтиёжини уйғотади, бу эса ғоявий-сиёсий тарбиянинг натижасидир.

Талабаларнинг ўзлари газета ва журналлардан мақолалар тўплами гуруҳ бурчагида кўргамалар тайёрлаши, махсус газеталар чиқариши, ахборотларни ўзлари мустақил ўтказишлари фойдалдир. Юқори курсларда бу ишларнинг мазмуни, шакли ва методлари янада мураккаблашади, манбалар ҳажми кўпаяди ва улар халқаро воқеаларга доир маърузалар талабалар анжуманлари, жамоатчилик муҳокамалари, мунозаралар шаклида ўтади.

Сиёсий ахборотлар талабаларда сиёсий билимларга чуқур қизиқиш уйғотиш, газета ўқиш, ички ва ташқи воқеаларга доир радио эшиттиришларни ва телекўрсатувларни тинглаш ва куриш эҳтиёжини тарбиялаш керак. Гуруҳ раҳбари болаларнинг турли хил воқеалар ҳақидаги ўзаро мулоҳазалардаги нотўғри фикрларни тузатиши, ижтимоий

хаётнинг муҳим воқеаларини илмий асосда шарҳлаб бериши ғоят муҳимдир.

Айни вақтда гуруҳ раҳбари талабаларнинг ахлоқий шаклланиши, маънавий дунёсининг таркиб топиши учун ҳам ғамхўрлик қилади. Халқимиз моддий фаровонлигининг, маданий даражасининг, маънавий дунёсининг ўсиб бориши, мамлакатимиз маънавий ҳаётида энг илғор ва энг инсонпарвар ижтимоий муносабатлар тизимининг қарор топганлиги гуруҳ раҳбари амалга оширадиган ахлоқ тарбиясининг мувоффақиятини таъминлаш учун гаровдир.

Талабаларнинг ахлоқий шаклланиши фаолият жараёнида рўй беради. Фаолиятни ташкил этиш билан гуруҳ раҳбари ҳар бир талаба шахсини ғоявий–ахлоқий жиҳатдан таркиб топишни таъминлайди. Талабаларни фаолиятнинг маълум бир турига жалб қилиш аниқ мақсадга қаратилиши керак.

Талабаларни ахлоқ назариясига доир билимлар билан қуроллантириш ва уларни ижтимоий ҳаёт воқеаларидан ахлоқий томонларни ажрата олишга, ахлоқ меъёрларига мувофиқ баҳолашга ўргатиш билан гуруҳ раҳбари йигит-қизларнинг ўз хулқини ахлоқ меъёр ва қоидалари нуқтаи назаридан идора қила олишларига эришади.

Ёшлар билан ўтказиладиган одоб ва ахлоққа оид суҳбатлар улаар иштирок этадиган ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат, турли хил ижод ишлари «Камолот» ташкилоти фаолияти билан узвий боғлиқ тарзда борсагина, ижобий натижа беради.

Ахлоққа оид суҳбатлар самарадорлигини таъминловчи муҳим шартлардан бири талабаларнинг онги билан хулқи ўртасидаги бирликни таъминлаш ҳисобланади. Ахлоқий билим беришдан мақад, ташқи таъсирни онгли ҳаракат билан боғловчи ички истакка айлантиришни таъминлашдир. Бунда у ўзига маълум бўлган ахлоқ меъёрига риоя қилган ҳолда тўғри ҳаракат қилиш йўлини танлаб олишга ўрганади. Масалан, гуруҳ раҳбари ўз суҳбатини шундай бошлайди. «Автобусда кетаётган бир

неча ёшлар қўлларидаги радиоплейрни баланд қўйиб, аллақайси гуруҳ ижросидаги сершовкин куй тинглаб борардилар. Кекса айол улардан овозни пасайтиришни илтимос қилиб қолди. Бунга жавобан «Эшитгингиз келмаса қулоғингизни беркитиб олинг» деди ёшлардан бири. Иккинчиси эса вазиятни юмшатиш учунми, ёки ноқулай ахволдан чиқиш учунми хар холда «Холажон, сиз замонавий куйларни ёмон кўраркансиз-да»-- деди, учинчиси эса, «Сиз биргинасиз, биз эса кўпчиликмиз. Кўпчиликни истагини хурмат қилиш керак бувижон!»-- деб қўшиб қўйди. Гуруҳ раҳбари талабалар билан вужудга келган ушбу вазиятни муҳокама қилиб, ўз фикрларини билдиришни таклиф қилади.

Ахлоқий билим беришда гуруҳ раҳбари билан оилавий ҳамжихатлик ғоят муҳим омилдир. Шунинг учун ёшлар билан бир қаторда ота-оналар ўртасида ҳам ахлоқий тарбияга доир билимлар тарқатиш керак. Ахлоққа оид суҳбатларни бир ойда бир марта ўтказган маъқул. Хар бир суҳбатга 7-10 кун тайёрланилади. Суҳбат вақти 40-45 минутдан ошмаслиги керак. Навбатдаги суҳбатга таййорлик даврида гуруҳ раҳбари ҳамда ёшлар турли хил фаолиятда иштирок этадилар. Мавзу танлашда гуруҳ раҳбари мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида рўй бераётган воқеаларга, ўқув материалнинг мазмунига, талабаларнинг ахлоқ меъёрига доир билимлари даражасига асосланади.

Ахлоқий онгни шакллантиришда гуруҳ раҳбари суҳбатлар билан бир қаторда тушунтириш, маъруза, намуна-ибрат кабилардан ҳам кенг фойдаланилади. Ана шу жараёнда у талабанинг ахлоқий мулоҳазасини ўстиришга ўзининг ва бошқаларнинг хулқини ахлоқ меъёрлари асосида баҳолай олишга қаратилган ишларга, уларни жалб қилишга алоҳида эътибор бериш лозим. Одатда талабалар ўртоқларининг, атрофдаги кишиларнинг хулқидаги ижобий, салбий томонларни баҳолай олганлари холда ўз хулқидаги томонларга у қадар эътибор беришмайди ва уларда ўз хулқини баҳолаш анча кеч кўрина бошлайди. Мана шунинг учун гуруҳ раҳбари талабаларни ўз хулқини баҳолаш анча кеч кўрина бошлайди.

Мана шунинг учун гуруҳ раҳбари талабаларни ўз хулқини ахлоқ меъёри ва талаблари асосида қуйи курслардан бошлабоқ баҳолашга ўргата бошлаши мақсадга мувофиқдир.

Гуруҳ раҳбари ахлоқ тарбиясини амалга оширишда ҳар бир талабанинг хулқига, характер хислатларига алоҳида эътибор бериб бориши керак. Гуруҳда педагогик қаровсиз қолган, тарбияси қийин болаларга ҳам учрайди. Агар бу хил болаларнинг хулқи ўз вақтида тузатилмаса, у жамиятдаги ахлоқ меъёрларига хилоф йўналиш касб этиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам гуруҳ раҳбари бу хил ёшнинг хулқидаги салбий йўналишни қанча тез аниқласа, уни тузатишга қанчалик тез ва фаол аралашса, шунча яхши иш қилган бўлади.

Гуруҳ раҳбарининг ахлоқий тарбияни амалга ошириши методик асосга эга бўлсагина самара беради. Бунинг моҳияти гуруҳ раҳбарининг талабаларни ахлоқий ривожлантиришга қай даражада таъсир қила олишидир, яъни талабанинг ёши, гуруҳи, шахсий хусусияти ҳисобга олиниши керак.

Ахлоқий мавзулар юзасидан мунозаралар ўтказиш талабаларда ахлоқий эътиқод, қараш ва нуқтаи назарни шакллантиришнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Мунозара вақтида гуруҳ раҳбари бетараф туриши фойдалидир. Мунозара охирида гуруҳ раҳбари яқун чиқаради. Мунозара учун ёшларни тўлқилантираётган масалалар мавзу бўлади, масалан: «Ҳаётда ўз ўрнини топишнинг маъносини қандай англайсиз?», «Яшашнинг маъноси ва ҳаётдан мақсад», «Инсон қачон бахтли бўла олади?», «Замонавий бўлишнинг маъноси нимада?».

Гуруҳ раҳбари ҳар бир мавзунинг мазмунига кирадиган масалаларни аниқлашда талабаларга ёрдам беради.

Масалан: «Ҳаётда ўз ўрнини топишнинг маъносини қандай англайсиз?» мавзуси учун асос қилиб қуйидаги масалаларни олиш мумкин: «Ҳаётда ўз ўрнини топиш» иборасини қандай тушинасиз?

Қандай орзуни эскирган дейиш мумкин?

Бахт ва хаётдан лаззатланиш, улар ўртасида фарқ борми?

Шахсий эркинликни қандай тушунасиз?

Сизнинг ғоянгиз каби масалаларни тавсия қилиш мумкин.

«Яшашнинг маъноси ва хаётдаги мақсад» мавзусига.

1. Хаётнинг «маъноси» ва «мақсади» бир хил тушунчами?

2. Хаётимиз қўйган кадамимизга қанчалик ва қай жихатдан боғлиқ бўлиш мумкин?

3. «Қандай яшаш керак», «Нима учун яшаш керак», бу масалаларнинг ҳар бирини қандай англаш керак?

4. «Яшашнинг маъноси» ва «Бахт» тушунчалари ўртасида ўзаро ўхшашлик борми? Бўлса нимада, каби масалалар асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Мунозара учун тавсия этилаётган бу мавзулар ёшларнинг фикрини банд қиладиган асосий мавзулар бўлиб, улардан қайси бирини танлаш, қандай уюштириш гуруҳ ўқувчиларнинг эҳтиёжига, жамоадаги кайфият ва қизиқишга боғлиқ. Бу мавзулар мазмунига кирадиган масалалар ҳаммаси ахлоқ, маънавий хаёт билан боғлиқ бўлган бўлиб, улар юзасидан юритиладиган бахслар ёрдамида талабалар ахлоқий билимга жамиятдаги одамлар муносабати билан боғлиқ меъйор ва қоидаларга оид тушунчаларга эга бўладилар, аста-секин уларда ишонч ва қарашлар таркиб топа боради.

Гуруҳ раҳбари фаолиятининг мазмунига кирадиган ахлоқ тарбияси фақат юқоридагилар билангина хал бўла қолмайди. Ахлоқий тарбияни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, асосий эътибор талабларда ахлоқий онг, ахлоқий хис, тушунча, мулоҳаза кабиларга мувофиқ ахлоқий малака ва одатларни шакллантиришга қаратилиши керак.

### ***1.5. Гуруҳ раҳбари ишини режалаштириш.***

Тарбия жараёни ва унинг натижаси ишнинг қай даражада ташкил этилганлиги ва ундан келадиган самарага боғлиқ. Гуруҳ раҳбари тарбия ишини гуруҳ миқёсида хал этишда истиқболни тасаввур эта олса,



келажакни кўра билиш махоратига эга бўлсагина у мувофақият билан ишлай олади.

Ҳозирги кунда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш даврнинг муҳим талаби бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам, гуруҳ раҳбари ишини илмий асосда ташкил этишда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак: ўз ишида тарбиянинг умумий мақсадини ҳисобга олган ҳолда шу кун учун муҳим бўлган аниқ мақсадни белгилаш; болалар жамоасининг хусусиятидан келиб чиқадиган вазифаларни тушунтириш; тарбиянинг умумий қонуниятлари ва принципларини, талабаларга таъсир этишнинг шакли, методи, воситаларини яхши билиш; болалар гуруҳини идора қилиш қоидалари ва жамоани ривожлантириш қонунларини билиш кабилар.

Тарбияда ижод қилмай ишлаш мумкин эмас. Агар гуруҳ раҳбари ўз ишидаги ҳар бир қадамнинг педагогик маъносини яхши билса, у талабалар қалбининг муҳандисига айланади, акс ҳолда эса оддий бир хунарманд бўлиб, қолади ҳолос.

Сўнгги йилларда талабаларнинг эҳтиёжи ва талабалар доираси беқиёс даражада ўсиб, ўзгаради. Фан-техника янгиликлари, илмий оммабоп китоблар, ёшларнинг техник ва бадиий журналлари, кино ва талабаларни бой манбаалар билан таништирмоқда. Агар гуруҳ раҳбарининг гуруҳдаги ишлари талабаларнинг ана шу ахборотлардан келиб чиқаётган эҳтиёжлари даражасига лойиқ бўлмас экан, унда ишлашда кўчирмачилик, шаклбозлик вужудга келади ва гуруҳ раҳбари ташкил этаётган иш талабалардан ўсишдан орқада қолганлиги учун унга қизиқиш сусаяди. Шунинг учун гуруҳ раҳбари ўз ишини режалаштиришда, талабаларнинг ривожланиш даражасини, эҳтиёжларини, жамоа тараққиёти босқичлари, камолот ташкилоти фаоллигини ва имкониятларини ҳисобга олиши керак.

Бунинг учун гуруҳ раҳбарининг режаси:

Биринчидан, ўз мазмунига кўра ғоявий-сиёсий, ижтимоий фойдали йўналишга қаратилган бўлиши, яъни жамиятнинг ва бошқаларнинг фойдасига қаратилган ишларга алоҳида эътибор бериш;

Иккинчидан, тарбиянинг йўналишини, талабаларга таъсир этиш воситаларини мақсадга мувофиқ танлаш, яъни режа мўлжалланаётган ишлар нимага ва кимга қаратилганлигини аниқлаш;

Учинчидан, режадаги ишлар аниқ - умумий мақсадга бўйсунтирилган, бажарувчилари, вақти, иш шакли кўрсатилган бўлиши;

Тўртинчидан, режадаги ишлар талабалар кучига ва ёшига мос келиши;

Бешинчидан, талабалар қизиқишига асосланиши ва эҳтиёжларидан келиб чиқиши;

Олтинчидан, мўлжалдаги ишларни бажаришда бутун жамоанинг ва яқка шахсларнинг иштирокини ҳисобга олиш;

Еттинчидан, бажарилиши лозим бўлган барча ишлар олдиндан ҳаммага маълум қилиниши каби талабларга жавоб бериши лозим.

Тажрибада гуруҳ раҳбарининг ич хил режаси ўзини оқлади, булар истиқболли режалар (узоқ муддатли мўлжаллаб тузилади ва у айна пайтда гуруҳ, ундаги ҳар бир шахсни тарбиялашнинг умумий дастури ҳам бўлиб хизмат қилади), тақвим режа(одатда бир ой учун тузилиб, шу ойнинг ҳар бир куни учун мўлжалланадиган аниқ ишларни ўзида акс эттиради), алоҳида тарбиявий тадбир учун тузиладиган режа конспект (баъзан у тарбиявий тадбирнинг сценарийси деб ҳам юритилади).

Режа қандай бўлишдан қатъий назар тарбиявий фаолият мазмунини, гуруҳ талабалари жамоасининг ривожланиш истиқболини акс эттириш керак.

Энг яхши гуруҳ раҳбарларнинг илғор тажрибаси асосида ўзида қуйидаги бўлимларни акс эттирувчи тахминий режа чизмасини тавсия қиламиз:

1. Гуруҳ раҳбарининг гуруҳ билан олиб борадиган ишларнинг асосий йўналишлари бўлими. Бу бўлим: «Гуруҳни ташкил этиш», «Ғоявий ахлоқий табия», «Меҳнат тарбияси ва касб танлашга йўллаш», «Оила ва жамоатчилик билан ҳамкорлик» каби мосламаларни ўз ичига олади.

Энди шу масалаларнинг ҳар бирининг мазмунини кўриб чиқайлик. Гуруҳни ташкил этиш-бунда талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш ўргонлари ишига педагогик раҳбарликнинг таъминланиши кўзда тутилади. Шу мақсадда гуруҳ мажлисларининг кун тартиби, уларни тайёрлаш ва

ўтказиш ишлари, фаоллар билан ишлаш кўзда тутилади. Шу мақсадда гуруҳ мажлисларининг кун тартиби, уларни тайёрлаш ва ўтказиш ишлари, фаоллар билан ишлаш кўзда тутилади.

Мехнат тарбияси ва касб танлашга йўллашда талабалар учун ўқиш ва ўқув ишини оқилона ташкил этиш, шунингдек ўзига-ўзи хизмат, ижтимоий фойдали меҳнат, техник ихтирочилик, касб танлаш ишларини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар кўрсатилади.

Кечалар, эрталиклар, китобхонлар анжумани, сухбатлар ўтказиш, кўрилган кинофилм ва спектаклни муҳокама қилиш, хаваскорлар тўғараги кўшиқ ва бадий ўқиш танлови, расмлар кўриги, музей ва кўргазмаларга бориш, «Талабалар ва ёшлар мусиқаси» хафталиги, кино, театрларга бориш—буларнинг ҳаммаси эстетик тарбия масаласининг мазмунини ташкил этади.

2. Педагогик жамоа билан алоқа бўлимида гуруҳда дарс бераётган ўқитувчиларни гуруҳ тарбиявий ишларига жалб қилиш йўллари талабалар учун кўшимча машғулотлар, фан ва ижодий тўғараклар, мунозаралар, илмий анжуманлар, қизиқарли учрашувлар, фан хафталиклари билан боғлиқ ишлар ёритилади.

Оила ва жамоатчилик билан ишлаш бўлимида эса оила ва ўқув юртининг талабаларга кўядиган ахлоқий талабларни ишлаб чиқишга қаратилган тадбирлар кўрсатилади, ота-оналар ва жамоатчиликнинг гуруҳ хаётини ва фаолиятини ташкил этишда қандай ёрдамлар беришлари белгилаб чиқилади, ота-оналар мажлислари ва ота-оналар учун ташкил этиладиган сухбат, маъруза анжуманларнинг мавзулари, кимнинг оиласига бориши ва бошқа бир қатор ишлар аниқлаштирилади. Айниқса, бу ўринда жамоатчилик билан ҳамкорлик, чунончи, ишлаб чиқариш корхоналарида, турар жойларнинг оила ва ўқув юртига ёрдам берувчи комиссиялари билан алоқалар, уларни гуруҳ хаётига жалб қилиш йўллари ва шаклини белгилашда алоҳида эътибор бериш лозим.

Режалаштиришда хар бир бўлимда кўплаб тадбирларни кўрсатиш шарт эмас. Чунки хар бир тадбир хаамиша бир неча тарбиявий вазифани хал қилади. Ишнинг муваффақиятини тадбирларнинг миқдори эмас балки талабаларга тарбиявий таъсир этишнинг даражаси сифати ва тизимини белгилашни хаётий тажрибалар хам кўрсатмоқда.

Режа бир ойлик, чораклик, ярим йиллик қилиб тузилиши мумкин.

Гуруҳ раҳбари учун эса қайси бир қулай бўлса, у шунисини қўллаши фойдалидир. Гуруҳ раҳбари режаси бир нусхада қилиб директор тасдиғидаг ўтгач унинг (гуруҳ раҳбарининг)ўзида сақланади.

Режа харакат дастури бўлиб, амалга оширилишини таъминлаш учун тақвим режа тузилади. Тақвим бир чоракка, кўпинча бир ойга мўлжалланади. Унинг аниқ бўлиши ва режаларнинг амалга оширилишини таъминланиши учун гуруҳ раҳбари шу муддат ичида ўқув юрти миқёсида ўтиши мумкин бўлган анъанавий ишларни тўла хисобга олиш керак. Масалан, сентябрьда ўқув йилининг бошланиши билан боғлиқ «Билимлар куни, сўнгги кўнғироқ куни», «Талаба ёшлар куни», «Ўқитувчилар куни» анъанавий ишлардир. Шунингдек, ўқув юртида хар ойнинг охирги жума куни «Маънавият ва маърифат куни» деб эълон қилинган ва у анъанага айланган. Шу куни гуруҳлар ўртасида суҳбатлар, беллашувлар, кўшиқ— шеърят кечалари, учрашувлар ва бошқалар ўтказилади. Бунда алохида хафта ёки ўн кунликлар маълум бир сохага бағишланади, чунончи саънат хафтаси, техник ижод ва фан хафталиги, мехнат хафталиги, спорт ўн кунлиги ва хаказолар. Хафта кунларини хам психологик имкониятга қараб банд қилиш яхши ва фойдали бўлади, масалан, душанба анча қийин ўтади, шу кунга ёрқин, эмотсионал таъсири кучли ишларни(байрам учрашувлари, танлов натижаларини чиқариш ва бошқалар), шанба анча ланж ўтади, чунки хафта охирлаб қолганлиги туфайли толиқиш кучаяди, шу боисдан ха бунга тетиклик, қувноқлик бахш этадиган ишларни якшанбага эса хордиқ чиқариб, куч тўплашга таъсир этадиган ишларни мўлжаллаш фойдали бўлади. Тақвим режага мавсум хам таъсир этади: илиқ куз, қуёшли бахор

кунлари очик хавода ўйин, меҳнат билан боғлиқ ишларни ташкил этиш; ёмғирли ва аёзли кунларда оғзаки иш шаклларида кўпроқ фойдаланиш(улар бино ичида ўтади) мақсадга мувофиқдир.

Тўғарак ишлари, йиғин ва мажлислар, суҳбат ва маърузалар мунозара ва сиёсий ўқиш–ахборот каби иш шаклларида хафтанинг ўрта кунларида фойдаланиш айти муддаодир. Тақвим режада анъана бўлиб қолган ишларга кенг ўрин берилади. Одатда эса уларнинг хамиша бир хилда ўтавериши холларига ду келамиз. Бу тадбирлар шу даражада оммалашиб кетганки, улар кўпинча болаларда хафсалассизлик кайфиятини уйғотади ва қизиқишларни совилади. Масалан, «Мустақиллик куни» байрам қилиниши, «Билимлар куни» ўтказилиши буларнинг барчаси тантанали, бадий ва оммавий қисмдан ташкил топади. Аммо бу ишларни уюштириш шакли бир хиллиги туфайли ҳам унинг таъсири кам бўлиб қолади ва кўзланган мақсадга эришилмайди. Шунинг учун гуруҳ раҳбари, айтилик, армия куни учун ўтадиган ишларни хар йили янги мазмунда уюштирса ва йилдан, йилга ўзгартириб борса, у холда талабаларнинг фаоллиги ортади, улардан ташаббус кўрсатиш, манфаатдорлик ўсади. Масалан, айтилик, биринчи йили «Ватан химоячилар куни»га атаб байрам кечаси, иккинчи йили «Мотамсаро она» хайкалига гулчамбар қўйиш, кейинги йили отиш, мўлжалга олиш, тўсикни енгиш бўйича мусобақа уюштириш режага киритилса ва ўтказилса бу мазмуний жихатидан ранг-баранг бўлади. Бу ишларга таййоргарлик даврида армиямиз тарихига оид бадий ва оммабоп кинофилмларни томоша қилиш ва муҳокама этиш, мўйқалам ихлосмандлари танловини эълон қилиш кабилар ҳам режадан ўрин олиш керак. Агар хар йилии ана шу ишлардан бири танланиб тақвим режага киритилса, натижа яхши бўлади.

Гуруҳ раҳбарининг режасидаги гуруҳнинг фаолиятига оид ишлар бир неча параллел гуруҳ қатнашувида кучларнинг бирлаштириб ўтказилиши вақтни ва кучни тэжайди. Гуруҳ раҳбари танлайдиган гуруҳ фаолияти маълум бир аниқ мақсадга бўйсиндирилса, самарали бўлади.

Масалан, «Камолот» ташкилотининг ташкил топиши гуруҳ раҳбарининг янги аъзоларининг етакчилик, ташкилотчилик имкониятини таъминлашга, умумжамоа ташкилотида ёшларнинг бирор ишни бажариш ва бошқаларга эришишни уюштиришга ҳамда уларни гуруҳнинг анъаналарини яратишга ғамхўрлик қилиш маҳоратига боғлиқ. Режада ана шу мақсадга хизмат этадиган аниқ иш шакллари акс эттирилиши зарур.

Гуруҳ раҳбарининг тақвим режаси қуйидаги чизмада бўлиши мумкин. Биз келтирган бу иш тахминийдир. Аммо ҳар бир гуруҳ раҳбарига ўз гуруҳ шароити ва имкониятига қараб ишини режалаштириш ва таҳлил қилишда у намуна бўла олади.

Гуруҳ раҳбари ўзи учун бир ҳафтага мўлжаллаб режа тузиб олса яхши бўлади. Бунга кундалик иш мазмуни, бажарувчилар кўрсатилади, ҳафталик режа қисқа вақтга мўлжалланганлиги учун ҳам у гуруҳ ҳаётида, ўқув юртида, ижтимоий ҳаётда рўй берадиган воқеа ва ходисаларга тасодифий вужудга келган эҳтиёж ва заруриятларга мувофиқ ишларни белгилаш ва тегишли ўзгартиришлар киритиш учун қулайлик туғдиради

***Бу режани қуйидаги чизмада тузиш мумкин.***

1-жадвал

<b>Хафта кунининг йўналиши ва санаси</b>	<b>Тадбир ва уни бажарувчилар</b>	<b>Тадбирнинг тахлили ва педагогик хулоса.</b>

Бу ерда ҳафта кунинг йўналишлари деганда ҳафтанинг ҳар бир кунини маълум фаолиятга ажратиш кўзда тутилади. Масалан, душанбани сиёсий маориф учун; сешанбани матбуот, саноат саройлари иши учун, чоршанбани механик куни, йиғилишлар учун пайшанбани саънат байрамлари ва тадбирлари, назорат ишлари ўтказиш учун, жумани тўғарақлар ва турлимашғулотлар учун, шанбани гуруҳ соати, ота-оналар йиғилишлари, саёҳат, учрашув, беллашувлар ўтказиш учун, якшанбани эса

дам олиш куни, қувноқлар старт, спорт мусобақалари ўтказиш билан боғлиқ фаолиятга ажратиш анча мақсадга мувофиқ бўлади. Булардан баъзилари гуруҳда, баъзилари ўқув юрти миқёсида ўтади.

Гуруҳ раҳбари ўз талабалари билан ўтказиладиган ҳар бир тадбири учун алоҳида режа тузиш ҳам тавсия этилади. Қатъий дастур ва дарсликлари бўлган ҳар бир минутлик дарс ўзининг барча бўлимлари ва минутларигача ҳисобга олиниб дастурлаштирилади-ю, лекин негадир тарбиявий ишлар тажрибасида маълум мавзудаги тарбиявий соат, бахслар, мажлис, сиёсий ахборот кабилар кўпинча ҳеч қандай дастурсиз, режасиз ўтказилади ва бундай ҳолларни ҳар қадамда ичратишимиз мумкин. Аслида эса тарбиявий тадбирнинг режасини ишлаб чиқиш дарс режасидан ҳам кўра мураккаброқдир. Бу ҳилдаги режа учун қўйиладиган талаблар олдиндан батафсил аниқланиб, унинг режа учун қўйиладиган талаблар олдиндан батафсил аниқланиб, унинг мазмуни ўйлаб чиқилсагина самарадор тарбиявий томони юқори бўлади.

Бу режа ва конспектда қуйидаги бўлимлар бўлиши ва ҳар бир бўлимлар юзасидан тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилиши керак.

1. Ишнинг шакли ва мазмуни.
2. Тарбиявий мақсад, шу ишда ҳал қилинадиган вазифа.
3. Ўтказиш вақти-куни, соати.
4. Танлаб олинган тадбир шакли ўтадиган жойи.
5. Тадбирнинг дастури.
6. Тайёргарлик даврида қилинадиган ишларнинг тури, йўналиши.
7. Керак бўладиган жихозларни, безакларни тайёрлаш.
8. Гуруҳ раҳбарининг ушбу ишдаги иштироки ва мавқеи.
9. Ишнинг натижасини таҳлил қилиб, камчиликларни белгилаш.

2-жадвал

Ўқув ҳафтаси	Тарбиявий ишнинг асосий мазмуни	Кундалик ишлар	Иш натижаси ва кузатишлар таҳлили
1-21 март	Шанбаликда қатнашиш ва чорак яқунларига багишланган мажлисда иштирок этиш	6.Ш.ўз-ўзига хизмат этишни текшириш 7.Ш. сиёсий ахборотлар билан учрашув. 9.Ш сиёсий ахборотда қатнашиш. 10.Ш гуруҳ йиғилида қатнашиш 11.Ш гуруҳ билан ҳақида маслаҳатлашиш.	Ахборот суст, сиёсий ахборотчилар фактларни шарҳлашга қийналишди.  Мажлис фаол ва жонли ўтди, фаолларда маъсулият ҳисси ортиб борапти.

Республикаимиз истиқлолга эришгандан сўнг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда, мустақиллик шарофати туфайли жуда катта ижобий ўзгаришлар вужудга келди.

Жумладан:

-сиёсий мустақиллик туфайли ички ва ташқи сиёсатдан Республикаимиз ўз кадриятлари асосида жахоннинг кўпгина мамлакатлари билан боғланди, нуфузли ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлди, дипломатик алоқалар ўрнатилди;

-иқтисодий мустақиллик туфайли табиий захираларга бой гиоסיёсий нуқтаи назардан анча қулай ҳудудда жойлашган юртимиз хўжаликни юритиш ҳуқуқи қўлга киритилди ва халқимиз фаровонлиги йўлида улардан фойдаланишга шарт-шароитлар яратилди;

-маънавий мустақиллик туфайли халқимизнинг истиқлолга, озодликка ўз давлатига эга бўлишига, адолатли жамият қуришга бўлган азалий орзу-умидлари рўйобга чиқди. Мустақиллик туфайли биз бугунги кунда барқарор бозор иқтисодиётига, ички ва ташқи сиёсатга, демократияга асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга киришдик.

Бугунги кунда миллий мафқурани тўғри ва аниқ англаб етиш хаётий эҳтиёж даражасига кўтарилди. Чунки XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида қудратли давлатлар ва баъзи бир сиёсий марказлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатнинг аҳолисини онгини ўзига қарам қилишга қаратилган «Илғор»ғояларни илғари сурадилар, аҳоли орасида тарқатдилар. Баъзи бир кимсалар, яъни минглаб истиқлол мафқурасини тушиниб етмаганлар, шошқалоқлик қилиб уларнинг хийла – найранг билан ишлатган тўрига тушиб қоладилар. Хозирги пайтда содир бўлаётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, йовуз ишлар аввало мафқуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам олий ва ўрта махсус ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилаётган турли таълим йўналишлари мазмунида, шу жумладан, география таълими мазмунига миллий истиқлол



мафкурасининг асосини, унинг хусусиятларини сингдириш хозирги куннинг энг долзарб масаласи деб қараш лозим. Мустақиллик туфайли республикамиз хозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида иккита тарихий вазифани хал этмоқда:

Биринчидан, кучли давлатчилик барпо этилаётир, республикамиз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жihatдан мустақилликни мустахкамлайди;

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётир.

Миллий истиқлол мафкураси халқимиз азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, рухиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсон, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиради, кишиларда яхшиликка интилиш хиссини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам география таълими мазмунига миллий истиқлол мафкурасининг асл моҳияти ва мақсадини англаб етиш, жамиятимизнинг бугунги ўзгаришларига одамларнинг онгли муносабатини уйғотиш, ватанимиз манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйувчи чинакам ватанпарварлар, келажакки буюк давлатни барпо этишга қодир ва содиқ кадрларни тайёрлашга қаратилган миллий истиқлол мафкурасини сингдириш муҳимдир. Албатта миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдиришга фалсафа, сиёсатшунослик, диншунослик, иқтисодиёт назарияси курслари ва айниқса, тарих фанининг хиссаси катта. Чунки мафкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий йиллар давомидаги географик шарт-шароитларнинг таъсир доирасини унутмаслигимиз керак.

Шунингдек, географиянинг мазмунини унинг мажмуалиги, худудийлиги, бир бутунлиги билан боғлиқлиги ҳам мафкурани шаклланиши ва такомиллашувига ўз таъсирини кўрсатади. Географик мавзулар мазмунини қиёслаш, таққослаш ва аниқ таҳлил қилиш ҳам мафкурадаги фарқларни тўғри англашга ёрдам беради, уни такомиллаштиради. Географиядаги географик ўрин, табиий шароит, мавзуларида маълумотларни аниқ ёритиш ишонч хиссини уйғотади.

### ***1.6. Тарбиявий иш режаларига киритиладиган тахминий ишлар.***

Тарбиявий ишларнинг тахминий режаси қуйидаги боб ва қисмлардан иборатдир:

*Гуруҳ тавсияномаси.* Режанинг бу қисмида гуруҳ тўғрисида маълумот, талабанинг кимлиги, характери, саводхонлиги, тарбияланганлиги бутун гуруҳни олдинга қараб юксалиб бориши, ёрдамга муҳтож талабалар, тўғарақлар факультатив машғулотлар, даредан ташқари ташкилотларда қатнашиш, жамоада қизлар билан ўғил болалар, фаоллар ўртасидаги муносабат, тарбияси қийин талабалар, янги жамоат топшириқлари, ёзги оромгоҳларда қатнашиш ҳақида умумий маълумотлар берилди.

*Тарбиявий масалалар.* Режанинг бу қисмида таълим ва тарбиянинг энг долзарб масалалари, тарбиявий ишларнинг стратегия ва тактикаси, гуруҳда тарбиянинг қайси турига кўпроқ эҳтиёж борлиги, гуруҳ билан биргаликда талабаларнинг ёши, ўқув юрти муҳити ҳақидаги фикрлар жой олади. Режа тузишда тарбиявий масалаларни танлаш, тарбиявий чора-тадбирларни белгилашда ўқув юртининг муаммолари, албатта, ҳисобга олиниши лозим.

*Гуруҳнинг фаолияти турлари ва асосий вазифалари.* Дунёқараш асосларини шакллантириб тарбиялаш. Режанинг бу қисмида ўқувчиларга дунёқараш асосларини шакллантиришга оид ишлар сиёсатни тушунтириш, оламнинг бир бутун материя эканлиги, табиат қонунлари ва ҳодисаларни шарҳлаш, тарихий ёдгорликларни томоша қилиш ва уларни асраш асосий ўрин эгаллайди.

Бу қисмда тарихий кунларни нишонлаш миллий анъаналарни (Навраз, меҳрижон байрамлари) ўтказиш ҳам киритилди. Тарбиянинг турини тўла амалга ошириш учун гуруҳ раҳбари ўз гуруҳи ўқувчиларини тўғарақлар ва клубларга аъзо қилиши лозим. Булар орқали эса гуруҳда миллий ғоя асосида, ватанпарварлик ва байналминаллик, пок виждонлик, душманларга нафрат, сиёсий хушёрлик руҳида тарбиялаш лозим.

*Сиёсий сезгирлик тарбияси ва жамоат фаолиятининг тараққиёти.* Иш режасининг бу қисмида ғоявий, сиёсий, ватанпарварлик, ватан, дўстлик, байналмиллий тарбияга ўрин берилади. Тарбиявий иш режасининг бу қисмини тартибга келтиришда гуруҳ раҳбари ўқувчиларнинг фидокорлик ҳиссини такомиллаштириш, жамоат фаолиятини ва унинг жамиятдаги мавқеи, Ватан мадҳияси. Герби, Конституция ва байроғимиз, миллатлараро дўстлик, туристик ишлар. Ўлкашунослик, иқтисодий, экологик, сиёсий-маъориф ишларини режалаштиришни лозим.

Сиёсий сезгирликни шакллантириш ва ривожлантиришда куйидаги мавзуларни: “Ўзбекистон”, “Ҳарбий ватанпарварлик”ни дастлабки иш мавзуси қилиб олиш лозим. Бу нарсага илова қилиб сиёсий рўзнама ва ойномаларга обуна қилиш, уларни байналмиллий, дўстлик клубига аъзо этиш, сиёсий мактаб радиоканалининг шарҳловчилар гуруҳига жалб қилиш, ҳарбий спорт уйинларга жалб қилиш ҳам зарур. Талабаларни бу нарсага жалб этиш уларнинг сиёсий савиясини кўтариши, Ватанга бўлган меҳрини оширади.

Гуруҳ раҳбари аввал бошданоқ шакллантирилаётган талабалар жамоаси фақат гуруҳ доирасида қолиб кетмасин. Ўй – ниятлари ва ишлари билан таълим муассасаси, шаҳар ҳаёти билан ҳам боғланиши учун чоралар кўради. У металл парчалари тўплаш, территорияларини йиғиштириш, дарахт кўчатлари ўтқазиш каби мусобақаларда талабалар шахсий қувончи ёки ўз мағлубияти аламини бошдан кечирмасдан, умумий хулосани ва умумий ишга ўзлари қўшган ҳиссани таҳлил этишлари тўғрисида ғамхўрлик қилади. Афсуски ҳамма педагоглар ҳам бу қоидага риоя этишмайди. Улар асосий эътиборни гуруҳнинг ички ишларига қаратадилар. Мусобақа, агар ундан жамоанинг ривожланиш даражаси ва талабаларнинг ёш ҳисобга олинган тарзда фойдаланилса, жамоани шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Гуруҳ ўз навбатида умутаълим муассасаси мусобақасига қўшилиши мумкин. Бу анча маъсулиятли иш. Унинг муваффақияти кўп жиҳатдан фаолларнинг уюшқоқлиги, ташаббускорлиги ва мустақиллигига боғлиқ бўлади.

Гуруҳ раҳбарлари талабаларнинг ота-оналари билан ҳам хилма-хил машгулотларни бирга кушиб олиб боришса янада мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун ўқиш мобайнида иккита умумтаълим машгулотини ва ҳар бир гуруҳ ота-оналари учун 6 тадан 9 тагача машгулот утказиш кузда тутилган. Машгулотлар шундай тарзда куриладики, ота-оналар педагогика, психология ва физиология асослари изчил курсини узлаштириб, фарзандлари билан курсдан -курсга утгандек булишади. Курс талабаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ ва таълимнинг ҳар бир йилидаги таълим-тарбия вазифаларини ҳисобга олиб курилган.

Ота-оналарга педагогик билим беришни амалга оширишда фақат билим бериб қолмасдан, уларни тарбия соҳасидаги амалий малака ва қуникмалар билан қуроллантириш, уларнинг педагогик фикрини уйғотиш, мустақил шугулланишга ундаш, мақсадга мувофиқ (тарбия нуқтаи назаридан) оила ички муносабатларини йулга қуйиш гоёт муҳимдир.<sup>1</sup>

*Педагогик, маъруза* — педагогик билим беришнинг энг машхур шаклларида бири. Кейинги пайтларда ота-оналарга педагогик билим бериш кенг микёс касб этиб, қорхоналардаги, клублар, маданият уйлари ҳузуридаги, турар жойлардаги ва хоказолардаги ота-оналар педагогика университетлари ва лекторийлари орқали турли шаклларда амалга оширилмоқда.

Ота-оналар учун лекцияларни аниқ материал, ижобий намуналар асосида, адабий манбалар, диапозитивлар ва бошқ.а қургазмали қулланмалардан фойдаланиб утказиш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналарнинг оилавий тарбия тажрибалари ҳақидаги шикоялари гоёт Кизикарли ва тушунарли бўлади.

Ота-оналарга педагогик билимларни маълум қилибгина қолмасдан, уларни уз фарзандлари шахсини мулжаллай олишларига, ота-оналар ундан нима чиқишини олдиндан билишлари ва уни тарбиялаш режасини туза олишларига ургатиш яхши натижа беради.

---

<sup>1</sup> Раҳимжонов Н. “Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли” Т., 2005 (Б.М.И.)

Ота-оналаримизнинг юксак таълимий ва маданий даражаси педагогик ва психологик таъсир этиш сифатини оширишни талаб этади. Хуш, буни каерда урганиш мумкин? Энг яхшиси — ота-оналар билан бевосита муомалада, педагогларнинг бу йуналишдаги ижодий жамоа ишида урганиш мумкин.

Ўқилаётган маъруза самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир маърузада камида уч мақсад: кизиштириш, тушунтириш, ишонтириш мақсадининг амалга оширилишига эришиш муҳимдир. Агар бу мақсадларнинг биронтаси бажарилмаса, лекцияни муваффақиятли деб булмайти. Айтиб уталган ҳар бир мақсадга узига хос усуллар билан эришилади. Масалан, тингловчиларни сийкаси чиқмаган муқаддима билан кизикарли хикоя, парча ва хоказо), лекцияга янгилик жихатини киритиш бунда маълум булган ходисада тингловчилар эътибор бермаган кандайдир янги нарса очилади), тингловчиларнинг қизиқишларини қноатлантириш ва хоказолар билан кизиштириб олиш мумкин. Лекторнинг эхтирослилиги, унинг ота-оналар кечинмаларига шерик булиши, уларнинг хис-туйгуларига таъсир курсатиши, ёркин, хаётий мисоллар ва хоказолар тингловчини ишонтиришга ёрдам беради. Ота-оналарда педагогик билимларни тулдириш, эгалланган билимларни фаол англаб этиш, улардан оилавий тарбияда фойдаланиш эхтиёжининг кучайиши утказилган лекция самарадорлигининг муҳим мезони булади.

Биринчи холда конференция анча аник тусда булади, шундан кейинги холларда умумий тусда булиб, купрок ота-оналарни камраб олади. Уларнинг кайсинисини танлашни гуруҳ раҳбарининг узи этилган муаммоларни, унинг бундай конференцияларни утказиш юзасидан шахсий тажрибасини, ўқув муассасасида карор топган анъаналарни, ота-оналарнинг фаоллигини ва хоказоларни эътиборга олиб танлайди. Одатда конференция мавзуи гуруҳда, таълим муассасасида, микрорайонда, жумхуриятда, мамлакатда этилган муаммолар билан белгиланади. Шу муносабат билан конференция мавзуини ота-оналарнинг узлари, гуруҳ раҳбари, таълим муассасаси, район раҳбарияти ва хоказолар таклиф этишлари мумкин.

Ҳам назарий жихатдан, ҳам оилавий тажрибани танлаш ва умумлаштириш жихатидан пухта тайёрлаш ҳар қандай конференцияни утказишнинг сузсиз шартидир. Асосий тайёргарлик ишлари гуруҳ раҳбари раҳбарлигида амалга оширилади, у ота-оналар комитети билан биргаликда конференцияни тайёрлаш ва ташкил этиш режасини тузади.

### ***ХУЛОСА.***

Ушбу бўлимда Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг ҳозирги кундаги аҳамияти, мақсади ва вазифалари унинг тармоқлар каби мавзулари ёритиб берилди. Демак бу фанни ўқитишдан мақсад келажакда талабларимизга таълим муассасаларида таълим – тарбияга давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича ёндошишни, ишни сифат, мазмун жихатдан тўғри ташкил этишни ўргатишдан иборатдир.

### ***Назорат учун саволлар.***

1. Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг мақсад нималардан иборат?
2. Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг олдида қандай вазифалар қўйилмоқда?
3. Тарбиявий ишлар услубиёти фанининг қандай йўналишлари мавжуд?
4. Тарбиявий ишларни тўғри йўлга қўйиш учун нималарга аҳамият қилиш керак?
5. Тарбиявий ишларни узлуксиз олиб боришдан мақсад нима?
6. Ҳозирги кунда “Тарбиявий ишлар услубиёти” фанининг олдида қандай муаммолар мавжуд?
7. Бу муаммоларни бартараф этиш учун қандай чора – тадбирларни қўллаш лозим деб ўйлайсиз?

### ***Адабиётлар:***

1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Т., 1997.
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т., 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т., 1999.
4. Тарбиявий ишлар методикаси. П.И.Рувинский. – Т. 1991 й.
5. Талаба маънавиятини шакллантириш (қўлланма) – Тошкент – 2000. Ж.Ғ.Йўлдошев.
6. «Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Михенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004
7. [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru).
8. [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru).

## ***II БОБ. Гуруҳ раҳбари фаолиятини ташкил этиш ва боарқариш.***

### **2.1. Гуруҳ раҳбарининг шахс ва жамоани ўрганиши ва тарбиявий ишларни олиб бориши**

Ҳозирги даврда ўқув муассасалар ва улардаги ўқув, тарбия жамоа олдидан жуда катта ижтимоий аҳамиятга молик вазифалар қўйилмоқда.

Олий ўқув юрти ёш авлоднинг дунёқарашини таркиб топтириш, ғоявий ва сиёсий жиҳатдан чиниқтириши юксак ахлоқий фазилатга эга қилиши меҳнатга ва онгли касб танлашга тайёрлаш лозим. Бу вазифаларни ҳал қилишда гуруҳ раҳбари муҳим роль уйнайди. Чунки у бир гуруҳ шароитида тарбиявий вазифаларни амалга оширишга қаратилган ишларни ташкил этади ва бошқаради. Гуруҳ раҳбарининг кўп қиррали вазифаси ва функциялари “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да , “Ўқув юрти ички низомлари”да баён қилинган бўлиб, унда ўқитувчиларга, ота-оналарга ва гуруҳ раҳбарларига тавсиялар берилган; ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбиянинг вазифаси ва мазмуни гуруҳларга нисбатан мослаштирилган.

Ана шунга кўра гуруҳ раҳбари куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ўзига юклатилган гуруҳда тарбиявий ишларни амалга оширади. Бу вазифани бажаришда у ёлғиз эмас. Шу гуруҳда дарс бераётган турли фан ўқитувчилари билан яқин ҳамкорликда ва уларга суянган ҳолда ўқувчиларда дунёқараш асосларини шакллантиради, ахлоқ тарбиясини амалга оширади. “Камолот” ташкилоти ҳамкорлигида, мунтазам суратда уларга таяниб ва кундалик ишда ёрдам уюштириб талабалар билан дарсдан ташқаридаги хилма-хил ишларни ташкил этади ва гуруҳ жамоасини мустаҳкамлайди.

2. Ўқувчиларнинг бирлигига бўлган қизиқишини ва қобилиятини ўстириш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал-руҳий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда касбга уюналтириш ва ҳаётий мақсадларни шакллантириш – гуруҳ раҳбарининг алоҳида вазифасидир. Айни пайтда у ҳар бир ўқувчининг соғлигини мустаҳкамлашга ҳам эътибор беради.

3. Гуруҳ раҳбарининг диққат марказида талабаларнинг юкори даражада ўзлаштиришини таъминлаш масаласи туради. Бунинг учун у ҳар бир талабанинг кундалик ўзлаштиришидан воқиф бўлиб туради, орқада қолаётганларга ўз вақтида кечиктирмай ёрдам уюштиради.

4. Гуруҳдаги талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларини йўналтиради, улар иштирокида гуруҳ жамоасининг ижтимоий фойдали ишлардаги иштирокини таъмин этади, ўқув юрти миқёсида уюштирилаётган муҳим тадбирларда ўз гуруҳининг фаол қатнашишини таъминлайди.

5. Гуруҳ талабаларининг ота-оналари, корхоналар ва муассасалардаги, турар жойлардаги оила ва ўқув юртига ёрдам берувчи ҳомий маҳаллалар билан яқин алоқа ўрнатади.

6. Гуруҳ раҳбари шу гуруҳда дарс бераётган барча фан ўқитувчилари ўртасида, ўқув юрти билан оила ўртасида талабаларга нисбатан ягона талаблар ўрнатилишига эришади, ота-оналарга педагогик билимлар тарқатиб, оила билан ўқув юрти ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди.

7. Гуруҳ раҳбари ўз гуруҳидаги турли ҳужжатларнинг : гуруҳ журнали, ўқувчиларнинг рейтинг дафтарчаси, шахсий ҳужжатлари, турли хил режа ва ҳисоботларни юритади.

Кўришиб турибдики, вазифва кенг ва мураккаб, уларни муваффақиятли ҳал қилиш гуруҳ раҳбарининг шахсий сифатларига ҳам боғлиқдир. Гуруҳ раҳбарининг шахсий сифатларига кўйиладиган талаблар ўқитувчига кўйиладиган фарқ қилмайди. Лекин гуруҳ раҳбари асосий тарбиячи, болалар маънавий жихатидан андоза оладиган шахс бўлганлиги учун ҳам бу талаблар унинг шахсий фазилатига айланиб кетиши билан тарбияда алоҳида ўрин эгаллайди.

Тарбиявий ишларнинг сифат ва самарадорлиги, аввало тарбиячининг ғоявий ишончига ва сиёсий онгининг даражасига боғлиқ.

Гуруҳ раҳбари ўзининг ғоявий-сиёсий онгини оширади. Бу гуруҳ раҳбарига болаларни онглилик руҳида тарбиялашга, улар орасига бегона идеология ва ёмон хулқнинг кириб боришига қарши кураша олиш имкониятини



бера олади. Гуруҳ раҳбарининг ахлоқий обрўси ҳоят даражада юқори бўлиши ҳам бу ўринда муҳимдир. Гуруҳ раҳбари ана шундагина тарбиявий таъсир кучига эга бўлади. Тарбиячининг шахсий фазилатлари, маънавий қиёфаси ўқувчилар онгининг ва хулқининг шаклланишида катта таъсир кўрсатади. Гуруҳ раҳбари учун касбий малака ва кўникмаларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас. Ўз тарбиявий фаолиятида юксак даражадаги фуқаролик фазилатлари, интизоми ва одамийлиги, ахлоқий сифатлари билан ҳам таъсир ўтказади. Чунки тарбиячилик таланти жуда кўп сифатларни чуқур билиш, кенг фикр доираси, ишга жон дилдан кўнгил қўйиш болаларга бўлган чексиз муҳаббат, муомалада назокатлилик, қалб ёшлиги, серзавқ, темперамент, ақл ва одоблилик намунаси, алоқада назокат ва сиполик, вазминлик ва камтарлик каби фазилатларнинг бўлишини тақозо қилади. Бунда яна тарбиячилик техникаси қўшилса ишда муваффақият таъминланиши табиийдир. Тарбиячилик техникаси гуруҳ раҳбарининг асосий қуролидир.

Гуруҳ раҳбаридан маданият даражасининг кенглиги, педагогик одоб талабларига риоя қилиш, ҳар бир талаба шахсини инсон сифатида ҳурмат қилиш билан унга нисбатан талабчанликни унутмаслик, ташкилотчилик малакаларига эга бўлиш, ўз малакасини тинимсиз ошириб бориш билан ишга ижодий ёндошиш талаб қилинади. Муҳими шундаки, гуруҳ раҳбарининг ўзи болаларда тарбияламоқчи бўлган ғоявий-ахлоқий ғояга мос бўлиши керак. Тарбиядаги хатоларнинг кўплигига асосий сабаб талабаларнинг олдида қўйилаётган талаблар тарбиячи ҳарактерда ҳамиша ҳам намоён бўлавермаслигидадир.

Гуруҳ раҳбарининг маҳсус касбий ва ижтимоий вазифаларига одилонга баҳо берувчи холис ҳакам – тарбияланувчилар. Аввало, гуруҳ раҳбарининг амалий фаолияти фақат ярими тарбия технологияга асосланганлигини назарда тутиш керак. Унинг иккинчи ярими бу санъат. Шу туфайли гуруҳ раҳбарига қўйиладиган дастлабки талаб – унда педагогик қобилият мавжуд бўлиши керак. Гуруҳ раҳбарининг қобилияти – бу ўқувчилар билан ишлашга иштиёқ, болаларга нисбатан муҳаббат, улар билан бўлган муносабатдан мамнун бўлиш билан ифода бўладиган шахснинг сифатлари. Қобилият фаолият жараёнида

пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса. Қобилиятнинг ривожланиши учун эса яна истеъдод, лаёқат ва зехн, яъни инсон асаб тизимида анатомио-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур.

Тарбиявий фаолиятнинг самарали бўлиши учун гуруҳ раҳбариди қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбиялаб етиштирилмоғи лозим:

- ташкилий – гуруҳ раҳбарининг ўқувчиларни жипслаштириш, уларни банд қилиш, вазифалар бўлиб бериш, ишни режалаштириш, қилинган ишларни жамлаш маҳоратига намоён бўлади;

- дидактига оид – ўрганишга бўлган қизиқиш ҳамда маънавий, хиссий истакларни рағбатлантириш, ўқув билимини орттириш, фаоллаштириш маҳоратида намоён бўлади;

- перцептив – тарбияланувчиларнинг маънавий дунёсига сингиб, уларнинг эмоционал ҳолатини баҳолаш, рухий хусусиятларини аниқлаш маҳоратида намоён бўлади;

- суггестив – ўқувчиларга эмоционал таъсир кўрсатишда намоён бўлади;

- келажакни кўра билиш - ўз ҳаракатларнинг оқибатини кўра билишда, ўқувчиларда қандай фазилатларни рўёбга чиқариш лозимлигини олдиндан айта олиш маҳоратида намоён бўлади;

- тадқиқий - педагогик вазиятлар ва жараёнларни ўрганиш ва объектив баҳолаш маҳоратида намоён бўлади.

Гуруҳ раҳбарининг фаол жамоатчи сифатида ҳамиша намуна кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда у коммуникатив (катталар билан ҳам, кичиклар билан ҳам тез алоқа ўрната олиш) қобилиятга эга бўлиши, рўй бераётган факт ва ҳодисаларни фақат педагогик қоидаларга боғлаб баҳолашгина эмас, балки рўй бериш сабабига қараб ҳукм ҳам чиқариши педагогик оптимизмга, ижод қилиш қобилиятига эга бўлиш керак. Гуруҳ раҳбарининг энг муҳим фазилати – одамлар билан тезда тил топа олиши, кўпчиликка ўшила билиш, улфатжонлик, дилкашлик бўлиб, бу ундаги муомала

маданиятининг юксаклигини ифодалайди. Чунки унга ҳамиша одамлар билан алоқа қилишга, улар билан ишлашга тўғри келади. Ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия жараёнида қулай муносабатлар яратиш учун касбий жиҳатдан аҳамиятли асослар бўлувчи гуруҳ раҳбарининг инсоний хислатлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Гуруҳ раҳбари учун жуда муҳим хислат – инсонпарварлик, яъни ўсаётган инсонга олий қадрият каби муносабат қилиш лозим. Инсоний муносабатлар ўқувчига нисбатан хайрихоҳлик, унга ёрдам бериш, уларнинг фикрига қулоқ солмоқ, унинг ўқувчилик фаолиятига юксак талабчанликдан иборат.

Гуруҳ раҳбари доимо фаол, ижодкор шахсдир. У ўқувчиларнинг кундалик ҳаётини уюштирувчи ҳамдир. Ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш, уларни ўзи билан етаклаш фақат юксак иродали инсоннинг қўлидан келади. Аудитория, ўқувчилар жамоаси каби мураккаб организмларга педагогик раҳбарлик қилиши гуруҳ раҳбаридан топқир, зехни ўткир, ҳар қандай вазиятни мустақил ечишга доим тайёр бўлишлигини талаб қилади. Унга касбий жиҳатдан керакли хислатлардан бири – сабр-тоқат ва дадилликдир. Ўқитувчининг бирдан саросимага тушгани, ўз ночорлигини ўқувчилар сезмаслиги лозим. Шунини ҳамиша эсда тутиш керакки, гуруҳ раҳбари ўз ҳаракати ва ахлоқини назорат қилиш, ҳеч қачон арзимаган нарсаларга асабийлашмаслиги керак.

Муваффақиятли фаолият юритишнинг биринчи шarti - бу гуруҳ раҳбарининг талабчанлиги. Дастлаб талабни у ўзига қўйиши керак, чунки ўзингда бўлмаганни ўзгандан талаб қила олмайсан. Талабчанлиги билан бирга оқилон тарбиячи ҳам бўлиши лозим. Педагогик жараёнларда юз бериб турадиган кескинликларни бартараф этиш учун тарбиячига ҳазил-мутойиба туйғуси ёрдам беради. Унинг кўламида тайёр ҳазил, мақол, яхши, дўстона пичинг – ижобий эмоционал ҳолат яратишга имкон бериб, ўқувчиларни ўзига жалб қилдиради.

Шахс ахлоқини ҳарактерлайдиган белгилардан бири – маъсулиятдир. Гуруҳ раҳбарининг маъсулияти - тарбиячининг фаолияти ва таълим-тарбия

жараёнининг аниқ вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Тарбиячи зиммасига боланинг шахс сифатида ҳар томонлама камол топтириш маъсулияти юкланади. У ўқувчига чуқур назарий билим бериши, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаши лозим. Шу билан бирга у ўқувчидаги мавжуд лаёқат ва қобилиятни ўз вақтида пайқаб, индивидуал муносабатда бўлиши, унда мавжуд бўлган ижобий ахлоқий сифатларни авайлаб ўстириши даркор.

Гуруҳ раҳбари ўқув юртидаги энг универсал педагогик ҳисобланиб у бажарадиган меҳнатнинг ўлчови, чегараси йўқ. Унинг билмаган иши уддасидан чиқа олмайдиган соҳаси бўлмайди. Шу билан бир қаторда, у беғараз, холис ва таъмасиз шахс бўлиб, жамоачилик асосида ишлайди. Гуруҳ раҳбари педагоглар, ота-оналар ва ўқувчиларни ўзаро боғловчи шахс сифатида барча томонларнинг нуқтаи назарини ҳисобга олиши, ҳаракатларни бир марказга бирлаштириши, ўзаро алоқаларнинг тўғри бўлишига таъсир ўтказиши ва айна вақтда ўзининг позициясини аниқ таъминлай олиши керак. Бу эса доноликдир.

Шундай қилиб, педагогик одобга эга бўлган гуруҳ раҳбари ўқувчилар орасида обрў қозонади. Устоз қанчалик обрў қозонса, таълим ва тарбия моҳиятан шунчалик муваффақиятли бўлади ва аксинча, тарбиячининг шаъни қанчалик паст бўлса, унинг таъсири шунча бўш ва ўқувчиларни вояга етказиш жараёни ҳам шунча заиф бўлади.

Юқори айтиб утилган фазилатлар гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишлари самарасини оширишда ва унинг муваффақиятини таъминлашга гаров бўлади.

## **2.2 Гуруҳ раҳбарининг шахс ва жамоани ўрганиши ва тарбиявий ишларни ривожлантириши.**

Гуруҳ раҳбари ниҳоятда маъсулиятли ва мураккаб вазифани бажаради. У гуруҳдаги тарбиявий ишлар ташкилотчиси, талабаларнинг мураббийси, гуруҳни ташкил этади ҳамда камолот ташкилотчилари, ўқитувчилар, оила, кенг жамоатчилик аҳли билан бирга иш олиб боради.

Сўнгги йилларда гуруҳ раҳбарининг фаолияти турли шакл ва методлар билан бойитилди. Тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказишда ўқув юрти

жамоат ташкилотларининг роли тобора оширилди. Идеологик муассасалар сифатида ўқув юрти олдида муҳим тарбиявий вазифалар қўйилган, бу эса айтилган вақтда ҳар бир гуруҳ раҳбарининг асосий вазифалари ҳисобланади, шундай қилиб, алоҳида гуруҳ бирлашиб ўқув юртини ташкил этадилар. Алоҳида гуруҳ жамоалари қўлга киритган таълим ва тарбия борасидаги муваффақиятлар бутун ўқув юрти жамоасининг муваффақиятини минлайди. Шу нуқтаи назардан гуруҳ раҳбарининг маъсулияти жамият олдида раҳбарлик маъсулиятидан кам эмас. Шунинг учун ўқув юрти директорлари гуруҳ раҳбари вазифасига тажрибали, ташкилотчи, меҳнатсевар, маҳоратли, ёш авлодни севадиган ўқитувчиларни тайинлаб, улар билан мунтазам иш олиб борадилар.

Гуруҳ раҳбарининг муҳим вазифаларидан бири – бу талабанинг ўқишга бўлган ҳаваси, эътиқоди ва билим, қобилиятини ривожлантириш, каб-ҳунарга бўлган лаёқатини, ёш ва руҳий хусусиятлар асосида ривожлантириш, ҳар бир ўқувчининг бўлғуси ҳаёти режаларини амалга ошириш, талабаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишдан иборат. Фаолларга ишониш, уларнинг гуруҳ жамоаси орасида обрўсини кўтариш, 3 вақтида уларга тегишли ёрдам кўрсатиш гуруҳ раҳбарининг бевосита асосий вазифасидир.

Гуруҳ жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш жараёнида гуруҳ раҳбарининг ташкилотчилик функцияси жуда катта аҳамиятга эгадир. “Ташкилотчилик” тушунчасининг ўзи кенг маънога эга. Махсус бир мақсадни кўзлаб у ёки бу ишни, тадбирийд чораларни ташкил этиш гуруҳ раҳбаридан катта малака ва махсус маҳоратни талаб қилади. Ташкилотчилик функцияси бир нечта элементларга боғлиқдир.

**А.** Ўтган ишларни таҳлил қилиш, унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги сабабларини белгилаб олиш.

**Б.** Гуруҳда ўтказиладиган барча ишлар тарбиявий ҳарактерга эга бўлиб, маълум мақсадни кўзлаб ўтказилиши ва гуруҳ раҳбари турли тарбиявий ишларни ўтказишда олдин шу ишнинг моделини туза билиш лозим.

**В.** Гуруҳ раҳбари олдида қўйилган мақсадга эришиш учун ўз олдида аниқ вазифа қўя билиш лозим.

Г. Гуруҳ раҳбари ҳар бир тарбиявий чораларни амалга оширишда ўқитувчи ва талабаларнинг қобилиятларига қараб, вазифаларни тақсимлаш, маълум режа асосида тарбиявий тадбирларнинг ўтказиш ўрни, вақти, соати, жавобгар шахслар ва тизимлилигини аниқлаш лозим.

Д. Маълум тарбиявий иш бажаришда бажарувчи кишиларни иш участкаларидаги жой-жойига қўйиш, вазифаларни тўғри тақсимлаш, ишга бошқа ўқитувчиларни, ота-оналар, талабалар, оталик ташкилотлари ва иш объектини аниқлаш лозим.

Гуруҳ раҳбарининг жамоани ташкил қилиш бўйича асосий фаолияти.

1. Ҳар бир талабани шахс сифатида ўрганиш.
2. Талабаларни гуруҳда тарбиялашни ташкил этиш.
3. Талабаларнинг билим-тарбиясини ошириш ва уларнинг тартиб интизомини мустаҳкамлаш.
4. Гуруҳда дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиш.
5. Фан ўқитувчиларининг тарбиявий ишларини бирлаштириш (координациялаш).
6. Талабаларнинг ота-оналари билан ишлаш.

Гуруҳ раҳбари фан ўқитув ишларига нисбатан тарбиянинг кўп қиррали муҳим вазифаларини бажаради. Шунинг учун унинг олдига жуда катта педагогик ва психологик талаблар қўйилган, бу талаблар тарбиявий ишларни юқори даражага кўтаришда муҳим роль ўйнайди.

Гуруҳ раҳбарига нисбатан қўйиладиган талаблар : юқори ғоявийлик ва онглилик; гуруҳ раҳбари катта обрўга, эҳтиромга ва ҳурматга эга бўлиши; педагогик маҳорат; маданий қобилиятининг мавжудлиги; педагогик одобга эга бўлиш; ёш авлодга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромли бўлиш; ташкилотчилик малакаси ва маҳоратига эга бўлиш; тарбиявий ишларга нисбатан ижодий муносабатда бўлиш; гуруҳ раҳбари касбини юқори кўтариш ва мустақил билим олиш қобилиятига эга бўлиш.

Расмий ҳужжатларга гуруҳ раҳбарининг вазифалари қисман баён қилинган бўлса ҳам биз куйида гуруҳ раҳбарининг жамоани бирлаштириш бўйича вазифаларни аниқ тарзда кўрсатишни зарур деб билдик.

Гуруҳ раҳбарининг вазифалари:

1. Талабаларнинг анатомик, физиологик ва психологик хусусиятларини ўрганиш;
2. Талабаларнинг кундалик давомати, одоб хулқи ва жамоат ишларига қатнашишини текшириб бориш;
3. Талабаларнинг режига риоя қилишлари ва уйга берилган вазифаларни тайёрлаб боришларини кузатиш;
4. Гуруҳда ишлайдиган фан ўқитувчилари билан мажлислар ўтказиш;
5. Дарсда талабалар давоматини таъминлаш, гуруҳдаги ва юқув юртида навбатчиликни ташкил этиш, хонани жиҳозлаш, ҳонадаги ўқув асбобларини сақлашга ўргатиш, талабалар билан суҳбатлар ўтказиш;
6. Гуруҳ мажлисларини тизимли ўтказиш;
7. “Камолот” ташкилоти билан иш режаларига мувофиқ дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш;
8. Талабалар билан дарсдан ташқари ўқишлари ва анжуманларини ўтказиш;
9. Гуруҳ талабалари билан спорт , ҳарбий ватанпарварлик тарбияси борасида тадбирий чоралар кўриш, талабалар соғлигини мунтазам назорат қилиш, жисмоний тарбия ўқитувчилари, ҳарбий таълим ўқитувчилари билан доимий алоқада бўлиш;
10. Талабаларни рағбатлантириш ва зарур вақтларда уларга нисбатан чора кўриш;
11. Талабаларнинг ота-оналари билан тарбия борасида доимий алоқада бўлиш ва улар билан индивидуал суҳбатлар ўтказиш;
12. Талабаларнинг шахсий ва гуруҳ раҳбарига оид ҳужжатларини тартибли олиб бориш.

Гуруҳда тарбиявий ишларга доир масалаларни ҳар томонлама ҳал қилиш мақсадида гуруҳ раҳбари талабаларининг таълим олишлари, гуруҳни уюштиришининг тахминий режасини тузадик, бу режа талабалар билан тизимли иш олиб боришга катта имкониятлар яратиб беради.

### **2.3.. Гуруҳ раҳбарининг вазифалари ва шахсий сифатлари.**

Хозирги даврда академик лицей, коллеж ва ундаги укув, тарбия жамоа олдига жуда катта ижтимоий аҳамиятга молик вазифалар куйилмоқда.

Академик лицей ёш авлоднинг дунёкарашини таркиб топтириш, гоёвий ва сиёсий жихатдан чиниктириши юксак ахлокий фазилатга эга қилиши меҳнатга ва онгли касб танлашга тайёрлаш лозим. Бу вазифаларни ҳал қилишда гуруҳ раҳбари муҳим рол уйнайди. Чунки у бир гуруҳ шароитида тарбиявий вазифаларни амалга оширишга қаратилган ишларни ташкил этади ва бошқаради. Гуруҳ раҳбарнинг кўп қиррали вазифаси «Таълим тугрисида» ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да. «Ўқув юрти ички низомлари» да баён қилинган бўлиб, унда академик лицей, коллеж директорига, тарбиявий ишларнинг ташкилотчиларига, уқитувчиларга, ота-оналарга ва гуруҳ раҳбарларига тавсиялар берилган; ақлий, ахлокий, меҳнат, эстетик а жисмоний тарбиянинг вазифаи ва мазмуни гуруҳларга нисбатан мослаштирилган.

Ана шунга кура гуруҳ раҳбари куйидаги вазифаларни бажаради:

Ўзига юклатилган гуруҳда тарбиявий ишларни амалга оширади.

Бу вазифан бажаришда у ёлғиз эмас. Шу гуруҳда дарс дарс бераётган турли фан уқитувчилари билан яқин ҳамкорликда ва уларга суянган ҳолда уқувчиларда дунёкараш асосларини шакллантиради, ахлоқ тарбиясини амалга оширади. Камолот ташкилоти ҳамкорлигида, мунтазам суратда уларга таяниб ва кундалик ишда ёрда уюштириб талабалар билан дарсдан ташқаридаги хилма-хил ишларни ташкил этади ва гуруҳ жамоасини мустаҳкамлайди.

Уқувчиларнинг бирлигига булган кизиқишини ва қобилиятини устириш, ҳар бир уқувчининг индивидуал –рухий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда



касбга йуналтириш – гуруҳ раҳбарининг алохида вазифасидир. Айти пайтда у ҳар бир укувчининг соглигини мустаҳкамлашга ҳам эътибор беради.

Гуруҳ раҳбарининг диккат марказида талабаларнинг юкори даражада узлаштиришини таъминлаш масаласи туради. Бунинг учун у ҳар бир талабанинг кундалик узлаштиришидан вокиф булиб туради, орқада қолаётганларга уз вақтида кечиктирмай ёрдам уюштиради.

Гуруҳдаги талабаларнинг уз-узини бошқариш ишларини йуналтиради, улар иштирокида гуруҳ жамоасининг ижтимоий фойдали ишлардаги иштирокини таъмин этади, укув юрти микёсида уюштирилаётган муҳим тадбирларда уз гуруҳининг фаол катнашишини таъминлайди.

Гуруҳ талабаларининг ота-оналари, корхоналар ва муассасалардаги, тураир жойлардаги оила ва укув юртиа ёрдам берувчи хомий маҳаллалар билан якин алоқа урнатади.

Гуруҳ раҳбари шу гуруҳда дарс бераётган барча фан уқитувчилари уртасида, укувчилари уртасида, укув юрти билан оила уртасида талабаларга нисбатан ягона талаблар ўрнатилишига эришади, ота-оналарга педагогик билимлар тарқатиб, оила билан укув юрти уртасидаги алокани мустаҳкамлайди.

Гуруҳ раҳбари ўз гуруҳидаги турли ҳужжатларнинг: гуруҳ журнали, ўқувчиларнинг рейтинг дафтарчаси, шахсий ҳужжатлари, турли хил режа ва ҳисоботларни юритади.

Кўришиб турибдики, вазифа кенг ва мураккаб, уларни муваффақиятли ҳал қилиш гуруҳ раҳбарининг шахсий сифатларига ҳам боғлиқдир. Гуруҳ раҳбарларининг шахсий сифатларига қўйиладиган талаблар ўқитувчига қўйиладиган талаблардан фарқ қилмайди. Лекин гуруҳ раҳбари асосий тарбиячи, болалар маънавий жиҳатидан андоза оладиган шахс булганлиги учун ҳам бу талаблар унинг шахсий фазилатига айланиб кетиши билан тарбияда алохида урин эгаллайди.

Тарбиявий ишларнинг сифат ва самарадорлиги, аввало тарбиячининг гоёвий ишончига ва сиёсий онгининг даражасига боғлиқ.

Гуруҳ раҳбари ўзининг гоъвий-сиёсий онгини оширади. Бу гуруҳ раҳбарига болаларни онглилик руҳида тарбиялашга, улар орасига ёт идеология ва ёмон хулқнинг кириб боришига қарши кураша олишимкониятини бера олади. Гуруҳ раҳбарининг ахлокий обриси гоъят даражада юкори булиши ҳам бу уринда муҳимдир. Гуруҳ раҳбари ана шундагина тарбиявийтаъсир кучига эга булади. Тарбиячинингн шахсий фазилатлари, маънавий кифоати укувчилар онгининг ва хулқининг шаклланишига катта таъсир курсатади. Гуруҳ раҳбари учун касбий малака ва куникмаларга эга булишнинг узи етарли эмас. У ўз тарбиявий фаолиятида юксак даражадаги фуқаролик фазилатлари, интизоми ва одамийлиги, ахлокий сифатлари билан ҳам таъсир ўтказади. Чунки тарбиячилик таланти жуда кўп сифатларни чуқур билиш, кенг фикр доираси, ишга жон дилдан кўнги қўйиш, болаларга бўлган чексиз муҳаббат, муомалада назокатлилик, қалб ёшлиги, серзавқ, темперамент, ақл ва одоблилик намунаси, алоқада назокат ва сиполик, вазминлик ва камтарлик каби фазилатларнинг бўлишини такозо килади. Бунга яна тарбиячилик техникаси кушилса ишда муваффақият таъминланиши табиийдир. Тарбиячилик техникаси гуруҳ раҳбарининг асосий кууролидир.

Гуруҳ раҳбаридан маданият даражасининг кенглиги, педагогик одоб талабларига риоя қилиш, ҳар бир талаба шахсини инсон сифатида ҳурмат қилиш билан унга нисбатан талабчанликни унутмаслик, ташкилотчилик малакаларига эга булиш, уз малакасини тинимсиз ошириб бориш билан ишга ижодий ёндошиш талаб қилинади. Муҳими шундаки, гуруҳ раҳбарининг уз болаларда тарбияламокчи булган гоъвий-ахлокий гоъяга мос булиши керак. Тарбиядаги олдига куйилаётган талаблар тарбиячи ҳарактерда ҳамиша ҳам намоён булавермаслигидадир.

Гуруҳ раҳбарининг фаол жамоатчи сифатида ҳамиша намуна курсатиши муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда у коммуникатив (катталар билан ҳам, кичиклар билан ҳам тез алоқа урата олиш обилиятига эга булиши, руй бераётган ходисаларни фақат педвугогик коидаларга боғлаб баҳолашгина эмас,

балки руй бериш сабабига караб хукм хам чиқариши педагогик оптимизмга, ижод қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Гуруҳ раҳбари укув юртидаги энг униеврчал педагогик ҳисобланиб, у бажарадиган меҳнатнинг уочови, чегараси йук. Унинг билмаган иши уддасидан чиқа олмайдиган соҳаси бўлмайди. Шу билан бир қаторда у бегараз, холис ва таъмасиз шахс бўлиб, жамоатчилик асосида ишлайди. Гуруҳ раҳбари педагоглар, ота-оналар ва укувчиларни узаро боғлови шахс сифатида барча томонларнинг нуқай назарини ҳисобга олиши, ҳаракатларни бир марказга бирлаштириши, узаро алоқаларнинг тугри бўлишига таъсир утказиши ва айни вақтда узининг позициясини аниқ таъминлай олиши керак. Бу эса доноликдир.

Мана шу фазилатлар гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишлари самарасини оширишга ва унинг муваффақиятини таъминлашга гаров бўлади.

#### **2.4..Гуруҳ раҳбарининг педагогик фаолияти ва маҳорати**

Гуруҳ раҳбарининг фаолияти кўп қиррали ва сермазмундир. У ўзи раҳбарлик қилаётган гуруҳ ўқувчиларини тарбиялаш билан бир қаторда ўқув йили давомида нималар қилиш кераклиги, талабалар ҳаётининг нима билан банд қилиш ва танланган иш турини амалга оширишини беҳато аниқлаш каби анча мураккаб муаммони уечади. Бу борада гуруҳ раҳбарига турли хил манбалар ёрдам беради. Гуруҳ раҳбарининг иш столида «Талабаларни тарбиялаш ишининг мазмуни» бўлиши керак. Чунончи,

- дунёқараш асосларини таркиб топтириш;
- сиёсий онглиликни тарбиялаш ва ижтимоий фаолиятни ривожлантириш,
- ахлоқли, онгли интизомни ва хулқ маданиятини тарбиялаш;
- ўқишга онгли муносабатни тарбиялаш, билиш фаоллигини ва ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш
- меҳнатга ва ижтимоий мулкка муносабатни тарбиялаш, политехника билим доирасини кенгайтириш, касбни онгли танлашга тайёрлаш;
- ўз ҳуқуқини англаб етишга ўргатиш, фуқаролик масъулиятини тарбиялаш;

-эстетик маданият асосларини тарбиялаш ва бадиий қобилиятни ривожлантириш;

-жисмоний баркамоллик,саломатликни,мустаҳкамлаш ва санитария-гигиена маданияти каби муҳим масалалар алоҳида қайд этилади.

Гуруҳ раҳбарининг педагогик фаолияти ва ма ҳорати ўқув фаолиятида ҳам, ўқишдан ташқари фаолиятда ҳам зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади.

Хўш, тарбиячининг педагогик маҳорати,техникаси қандай малакаларни ўз ичига олади? Уларнинг педагогик таъсир кўрсатишдаги роли қандай?

Аввало, педагогик техниканинг таркибий қисми сифатида педагогнинг нутқ малакаларини, яъни саводли гапириш, ўз фикр ва хис туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини айтиб ўтиш мумкин.

Педагогик техниканинг бошқа таркибий қисми гуруҳ раҳбарининг мимик ва пантомимик ифодалилигидир. Аниқ имо – ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишда кўп сўзли тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда анча самарали муомала воситалари бўлади.

Педагогик ўзаро таъсир кўрсатишда гуруҳ раҳбарининг ўз ҳиссий ҳолатини бошқариш, ўзида энг қулай ҳиссий жиддийлик даражасини ва умидбахшлик, хайрихоҳлик кайфиятини сақлаш, ўзининг ҳиссий дам олишини ташкил этиш маҳорати муҳим роль ўйнайди. Бу маҳорат педагогнинг касбий жиҳатдан ўз – ўзини назорат қилишни таъминлайди. Кўп йиллар давомида соғлом асаб системасини сақлаб қолиш, асабий бузилишлардан, ҳиссий ва ақлий зўриқишдан ўзини тийишга ёрдам беради.

Самарали ўзаро таъсир кўрсатишни ташкил тиш учун педагог актёрлик ва режиссёрлик маҳорати таркибий қисмларини эгаллаши зарур, улар педагогга тарбияланувчилар билан муомала қилишда тарбияланувчиларнинг ақл – идоркигагина эмас, балки уларнинг ҳис туйғуларига ҳам таъсир кўрсатишга ёрдамлашади.

Шундай қилиб, гуруҳ раҳбарининг педагогик техникаси – бу шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у гуруҳ раҳбарига тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали улага ўз фикрлари ва қалбини етказиш имконини беради. А.С.Макраенко шуларни назарда тутиб, «Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ, жаҳддор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бири ҳаракати тарбияласин», деб ёзган эди. Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари педагог раҳбарлигидаги машғулотлар (педагогик техникани ўрганиш) ва мустақил ишлаш (касбий жиҳатдан ўз – ўзини тарбиялаш) дир. Педагогик техника малакаларининг индивидуал – шахсий тусда эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз – ўзини тарбиялаш, яъни талабанинг ўзида моҳир педагог шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи роль ўйнайди, деб айтиш мумкин.

Педагогик техник малакаларини шакллантиришда группавий иш олиб бориш алоҳида роль ўйнайди. Педагогик техник машғулотларининг бу шаклини батафсилроқ очиб бериш мақсадга мувофиқдир, чунки у ҳозирга қадар педагоглар учун мулжалланган ўқув ва методик адабиётларда лозим даражада кўрсатиб берилмаган. Гуруҳ шахснинг ўз – ўзини билиш ва ўз – ўзини тарбиялаш лабораторияси, педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг Янги усуллари текшириб кўриладиган, назарий масалалар муҳокама қилинадиган тажриба майдони бўлиб қолиши мумкин.<sup>1</sup>

Шу нарса муҳимки, гуруҳ қатнашчилари, бўлажак педагоглар касбий жиҳатдан бирга ишлаш малакаларини ишлаш малакаларни эгаллашга фаол интилишлари, ўз – ўзини билиш ва касбий жиҳатдан ўз – ўзини тарбиялаш бўйича чуқур иш олиб боришга психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари керак.

Барча ҳолларда ҳам индивидуал, ҳам гуруҳий машғулотлар бошланишидан олдин педагогик техникани эгаллашнинг индивидуал дастури

---

<sup>1</sup> Маҳамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқат маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. Т., 2005.

тузиб чиқилиши лозим. Бундай дастурни тузиш учун аввало педагогик техника малакалари шаклланишининг бошланғич даражасини аниқлаб олиш зарур. Бироқ тажрибанинг кўрсатишича, одатда, мазкур босқичда фақат малакалар ҳақидагина эмас, шу билан бирга дастлаб автоматлаштирилган (таълимни бошлаш вақтига келиб) кўникмалар ҳақида ҳам бориши мумкин экан. Булар масалан, нафас олиш ва овознинг табиий йўлга қўйилиши, тўғри талаффуз, бундан олдинги тарбиянинг натижаси бўлган саводли, ифодали нутқ, мимик ва пантомимик аниқлик ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундай кўникмаларнинг мавжудлиги педагогик техника малакаларини шакллантиришни анча осонлаштиради.

Олий ўқув юрларидаги касбий тайёргарлик жараёнида педагогик техникани эгаллаш гуруҳ раҳбарига ўзининг касб йўналишининг бошланишидаёқ кўпгина хатолардан ҳоли бўлишда, талабаларга таълим тарбия беришнинг юксак самарадорлигига эришишда ёрдам беради.

Гуруҳ раҳбари вазиятларнинг ҳаддан ташқари хилма – хиллиги педагогдан ижодий хулқ – атворни талаб қилади. Педагогик техника педагог малакаларининг энг яхши ижодий хулқ атворига, бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларга самарали таъсир кўрсатишга ёрдам беради.

Педагогик техника малакалари тарбиячининг индивидуал – шахсий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқлиги фақат бу малакаларнинг индивидуал тусда бўлиши эмас, балки уларнинг шаклланиши ва ривожланиши педагог шахсига таъсир кўрсатишда ҳам номоён бўлади.<sup>1</sup>

Педагогик техниканинг яна муҳим хусусиятларидан бири педагогнинг маънавий ва эстетик нуқтаи назарлари тарбияланувчиларга янада тўлароқ очиб берилади. Агар педагогнинг нутқи қашшоқ ва тартибсиз бўлса, агар у бўлар бўлмас сабаблар билан ўз ҳиссиётларига эрк берса, диди паст, эстетик жиҳатдан

---

<sup>1</sup> Маҳамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқат маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. Т., 2005.

оми бўлса, у ҳолда “энг тўғри” сўзлар ҳам, энг “керакли” тадбирлар ҳам тарбияланувчиларнинг на ақл – идрокига, на ҳиссиётига таъсир қилади.

Педагогик техника тўғрисида айтилганларнинг ҳаммаси ҳар бир гуруҳ раҳбари учун бу техникани ташкил этувчи малакаларни эгаллаш ниҳоятда зарурлигини очиқ – ойдин кўрсатиб турибди ва бу педагогик вазият ҳамда санъат билан боғлиқ. Чунки инсон ўзининг ҳар бир қадамини олдиндан кўриши, режалаштириши амалда мумкин бўлмайди. Гуруҳ раҳбари нинг меҳнати – бу беҳад изланиш ва азоб – уқубатли кечинмалар, илҳом ва бетакрор нурланиш они, кўпдан кўп кундалик ишлар, ҳафсаласи пир бўлиш ва шахслар биргаликда бошдан кечирилган қувончдан қаноат ҳосил қилишдир. Педагогик санъат – бу қандайдир қул билан тутиб бўлмайдиган, фаҳм – фаросат билан амалга ошириладиган маҳорат маҳсулиди.

Хўш, педагогик маҳорат нима ва у нималардан ташкил топади?

Педагогик маҳорат фаҳм – фаросат ва билимларнинг, чинакам илмий, тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган нуфузли раҳбарликнинг, шахслар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган шахс шахсига моҳирлик билан авайлаб ёндошиши, донолик ва ижодий даллилик, илмий таҳлил, хаёл ва фантазияга бўлган қобилият мажмуасидир. Педагогик маҳоратга педагогик билимлар, фаҳм – фаросат билан бир қаторда педагогик техника соҳасидаги малакалар ҳам кирадик, улар тарбияга озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради.

Педагогик маҳорат назарияси ва методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги шунга олиб келадик, педагогларнинг ҳар бири ўзича, пайпслаб ижодий изланиш олиб боади, Айни бир хил саволларни: шахслар билан, педагоглар жамоаси билан қандай қилиб тил топиш мумкин? Қандай қилиб қисқа муддат ичида тарбияланувчилар ўртасидаги муносабатларнинг ҳаққоний манзарасига эришмоқ керак? Тарбияланувчиларни педагогик талабларни бажаришга қандай қилиб мажбур этиш мумкин? Қандай қилиб яхши педагогик руҳиятни сақлаб қолиш ва ўз куч – қўвватини оқилона сарфлаш мумкин? Деган саволларни муттасил такрорлайди ва ҳакоза.

Бу каби саволларга жавоб бериш учун педагогдан одатдан ташқари куч – ғайратни, қатъиятни, тиришқоқликни, тадқиқотлар олиб боиришга интилишни, янги вазиятга, янги жамоага кириш қобилиятини, самимиятни, тўғрилик ва ҳалолликни, ўткир ақл идрокни, ўз топилмаларининг қимматини аниқлаш қобилиятини талаб қилади. Педагогика фани билан тарбия санъатининг ўзвий алоқадорлиги зарурки, у юксак касб маҳоратини таъминлайди.

Педагогика фикрлашга ўргатади, мураккаб педагогик муаммоларни ҳал қилиш учун тўғри йўл йўриқ ва илмий асосланган йўللارни кўрсатади, педагогнинг педагогик таъсир кўрсатиш методикаси ва техникаси билан қуроллантиради. Бироқ техниканинг таркибий қисмлари билан маҳорат ўртасидаги нисбатнинг диалектик муаммоларини тўғри ҳал қилиш учун тайёр андазалар, мутлоқо аниқ тавсиялар қаерда бўлиши мумкин, қаерда бўлиши мумкин эмас, деган саволга жавоб бериши мумкин.

Тарбиянинг мақсадлари, воситалари ва натижалари ўртасида, шунингдек, тарбияланувчи ва тарбиячи тафаккури, мотивлари ўртасида ғоят мураккаб боғлиқлик бор. Катталарнинг мақсади, одатда, ёшларнинг мақсадлари (хатто стратегик мақсадлари) бор. Талабанинг ривожланиш мантиқи, унинг тафаккури, ҳаракатлари битта нуктаи назарда, тарбиячининг мантиқи бошқа нуктаи назарда туриши мумкин. Бундай вариантда ҳеч қандай тарбиявий таъсир кўрсатиш бўлмайди.

Педагогик фаолиятда воситалар, мақсадлар ва натижаларнинг нисбатини доимо таҳлил қилиб бориш зарур. Улар ўзвий бирликни ташкил этади, бир – бирига боғлиқ бўлади ва алоҳида тарзди амалга оширилмайди. Мақсадни амалга ошириш усули – бўлажак натижадир. Натижа янги воситаларни танлаш, янги мақсадларни қўйиш учун амалий асос ҳисобланади. Тажрибада маълум даражада қўлланилган ҳар қандай восита натижа беради, ҳатто бирор сабабга кўра мақсад аниқ ифодаланмаган бўлса ҳам натижа бервермайди.

Тажрибада мавжуд бўлган педагогик воситаларни иккитасини кўриб чиқамиз.



Биринчиси: ҳар қандай педагогик восита ҳамيشа бир қатор бошқа воситалар, усуллар, шартлар билан боғлиқ бўлади, улар педагогик жараёнинг муайян босқичида таъсир кўрсатиш натижасини белгилаб беради. Масалан рағбатлантириш бир хил жараёнларни тезлаштириш ва бошқаришга тўсиклик қилиш, турли салбий ва ижобий ҳиссиётларнинг турли – туман кўиринишларини вужудга келтириши мумкин.

Иккинчи: айрим воситаларни қўлланиш педагогнинг улар таъсирини, мумкин бўлган ўзгаришини англаш қобилиятларига бутунлай боғлиқ бўлади. жамоа муомала шароитида воситаларни қўллаш минут сайин ўзгариб турадиган вазиятни ҳисобга олиш зарурлигини тақазо қилади.

Ҳозирча биз кўпроқ маъхум категориялардан фойдаланамиз. Амалий фаолиятда эса воситалар, мақсадлар ва натижалар диалектикаси овозлар шовқини, ғоят турли – туман эҳтиёжлар ва даъволарнинг авж олиши билан тўла бўладики, бу барча жонли манзара доимо бир кишининг – педагог тарбиячининг диққат марказида бўлиши лозим.

Агар педагогик санъат ҳақида гапирганда, чамаси, унинг асосий кўринишлари – талабаларга умидбахш фараз билан ёндошиш, талаб ва ишончнинг бирлиги, унинг шахсга авайла муносабатда бўлиш, уни ҳурмат қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Педагогик умидбахшлик ҳатто энг қаровсиз талаба ҳам ўзида кўпгина ижобий нарсаларга эгадир, деган ишончга асосланган.

Педагогик маҳорат ўзига талабалар ҳақидаги, уларнинг психологияси тўғрисидаги, таълим муассасаси ҳақидаги, таълим – тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари ҳақидаги кенг билимларни қамраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданияни ташкил этади, педагог, тарбиячи бу маданиятни эгалламаса, ҳеч вақт ўз ишининг чинакам устаси бўла олмайди, эски усулдан, бир қолипдаги тайёр андазаларни ишлатишдан нарига ўтмайди.

Бироқ замонавий гуруҳ раҳбарига биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди – махсус билимлар ва малакалар: талабаларни кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни аниқлай олиш, бу муҳим нарсаларни

жамиятда вужудга келган асосий ижтимоий ғоялар билан таққослаш, уларни ривожлантириш йўллари ва усулларини аниқлаш, турли воситалар, тарбиявий таъсир кўрсатиш усулларининг ўзаро бир – бирига ўтиш диалектикасини чуқур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир системага солиш малакалари зарур бўлади.

Гуруҳ раҳбари янги тажрибаларни ўрганар экан, ўзининг ҳаётий билмини, ҳис этган ва англаган нарсаларини, ўз тажрибасини асло камситмаслиги керак. Гуруҳ раҳбарни кенг ва дадил тажрибачилик ишларига йўллаш зарур.

## **2.5. Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишларни ривожлантиришга йўналтирилган фаолияти**

Гуруҳ раҳбари ноҳоятда маъсулятли ва мураккаб вазифани бажаради. У гуруҳдаги тарбиявий ишлар ташкилотчиси, талабаларнинг мураббийси, гуруҳни ташкил этади ҳамда камолот ташкилотчилари, ўқитувчилар, оила, кенг жамоатчилик аҳли билан бирга иш олиб боради.

Сўнгги йилларда гуруҳ раҳбарининг фаолияти турли шакл ва методлар билан бойитилди. Тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказишда ўқув юрти жамоат ташкилотларининг роли тобора оширилди.

Ушбу ишни тайёрлашдан мақсад ўқув юртининг гуруҳ раҳбарига ҳозирги вақтда мамлакатда узлуксиз таълимнинг ягона тизимини яратиш борасидаги иш услубларини ҳар томонлама кенг жорий қилиш ва методик ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Идеологик муассасалар сифатида ўқув юрти олдида муҳим тарбиявий вазифалар кўйилган, бу эса айни вақтда ҳар бир гуруҳ раҳбарининг асосий вазифаларни ҳисобланади, шундай қилиб. Алоҳида гуруҳ бирлашиб ўқув юртини ташкил этадилар. Алоҳида гуруҳ жамоалари кўлга киритган таълим ва тарбия борасидаги муваффақиятлар бутун ўқув юрти жамоасининг муваффақиятини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан гуруҳ раҳбарининг маъсулияти жамият олдида раҳбарлик маъсулиятидан кам эмас. Шунинг учун ўқув юрти

директорлари гуруҳ раҳбари вазифасига тажрибали, ташкилотчи, меҳнатсевар, маҳоратли, ёш авлодни севадиган ўқитувчиларни тайинлаб, улар билан мунтазам иш олиб борадилар.

Гуруҳ раҳбарининг муҳим вазифаларидан бири-бу талабанинг ўқишга бўлган ҳаваси, эътиқоди ва билим, қобилиятини ривожлантириш, касб-хунарга бўлган лаёқатини, ёш ва рухий хусусиятлар асосида ривожлантириш, ҳар бир ўқувчининг бўлғуси ҳаёти режаларини амалга ошириш, талабаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишдан иборат. Фаолларга ишониш, уларнинг гуруҳ жамоаси орасида обрўсини кўтариш, ўз вақтида уларга тегишли ёрдам кўрсатиш гуруҳ раҳбарининг бевосита асосий вазифасидир.

*Шунингдек, гуруҳ раҳбарининг ташкилотчилик функцияси тарбия жараёнида муҳим восита саналади. Чунки, ташкилотчилик тушунчасининг ўзи кенг маънога эга. Махсус бир мақсадни кўзлаб у ёки бу ишни тадбирий чораларни ташкил этиш гуруҳ раҳбаридан катта малака ва махсус маҳоратни талаб қилади.*

Ташкилотчилик функцияси бир неча элементларга боғлиқдир:

А. Ўтган ишларни ташкил қилиш, унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги сабабларини белгилаб олиш.

Б. Гуруҳда ўтказиладиган барча ишлар тарбиявий ҳаактерга эга бўлиб, маълум мақсадни кўзлаб ўтказилиши ва гуруҳ раҳбари турли тарбий ишларни ўтказишда олдин шу ишнинг моделини туза билиш лозим.

Д. Гуруҳ раҳбари олдида қўйилган мақсадга етишиш учун ўз олдида аниқ вазифа қўя билиш лозим.

Е. Гуруҳ раҳбари ҳар бир тарбирий чораларни амалга оширишда ўқитувчи ва талабаларнинг қобиилиятларига қараб, вазифаларни тақсимлаш, маълум режа асосида тарбиявий тадбирларнинг ўташиш ўрни, вақти, соати, жавобгар шахслар ва тизимлигини аниқлаш лозим.

Ф. Маълумки тарбиявий иш бажаришда бажарувчи кишиларни тўғри тақсимлаш, ишга бошқа ўқитувчиларни, ота-оналар, талабалар, оталик ташкилотлари ва иш объектини аниқлаш лозим.

*Гуруҳ раҳбарининг асосий фаолияти эса қуйидагиларни билишни талаб этади.*

1. ҳар бир талабани шахс сифатида ўрганиш.
2. Талабаларнинг гуруҳда тарбиялашни ташкил этиш.
3. Талабаларнинг билим-тарбиясини ошириш ва уларнинг тартиб интизомини мустаҳкамлаш.

4. Гуруҳда дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиш.  
5. Фан ўқитувчиларнинг тарбиявий ишларни ( координатсиялаш) ирлаштириш.

6. Талабаларнинг оа-оналари билан ишлаш.

7. Гуруҳ раҳбари фан ўқитув ишларига нисбатан тарбиянинг кўп қиррали муҳим вазифаларини бажаради. Шунинг учун унинг олдига жуда катта педагогик ва психологик талаблар қўйган, бу талаблар тарбиявий ишларни юқори даражага кўтаришда муҳим рол ўйнайди.

**8.** Демак юқоридагиларга таянган ҳолда гуруҳ раҳбарининг фаолиятига нисбатан қўйилган талаблар қуйидагилардан иборат..

1.Юқори ғояфийлик ва онглилик.

2 Гуруҳ раҳбари катта обрўга эҳтиромга ва ҳурматга эга бўлиши

3 Педагогик маҳорат

4 Маданий қобилиятнинг мавдудлиги

5 Педагогие одибга эга бўлиш

6 Ёш авлодга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром бўлиш

7 Ташкилотчилик малакаси ва маҳоратига эга бўлиш

8 Тарбия ишларига нисбатан ижодий муносабатда бўлиш

9 Гуруҳ раҳбари касбини юқорига кўтариш мустақил билим олиш қобилиятига эга бўлиш.

Расмий ҳужжатларга гуруҳ раҳбарининг вазифалари қисман баён қилинган бўлса ҳам биз қуйида гуруҳ раҳбарининг вазифаларини аниқ тарзда кўрсатишни зарур деб билдик.

Гуруҳ раҳбарининг вазифалари:

1.Анатомик, физиологик ва психологик хусусиятларини ўрганиш.

2.Талабаларнинг кундалик давомати одоб, хулқи ва жамоат ишларига қатнашишини текшириб бориш.

3.Талабаларнинг режимга риоя қилишлари ва уйга берилган вазифаларни тайёрлаб боришларини кузатиш.

4.Гуруҳда ишлайдиган фан ўқитувчилари билан мажлис ўтказиш

5.Дарсда талабаларнинг давоматини таъминлаш, гуруҳда ва ўқув юртида навбатчиликни ташкил этиш , хонани жиҳозлаш, хонадаги ўқув асбобларини сақлашга ўртгатиш, талабаларнинг қийинчиликларини назорат қилиб улар билан суҳбат ўтказиш

6.Гуруҳ мажличларини тизимли ва тартибли ўтказиш

7.«Камолот» ташкилоти билан иш режаларига мувофиқ дарсдан ташқари ишларини ташкил этиш.

8.Талабаларнинг дарсдан ашқари ўқишлари ва анжуманларини ўйлаштириш

9.Гуруҳ талабалари билан спорт, ҳарбий ватанпарлик тарбияси борасида тадбирий чоралар кўриш, талабалар соғлиғини мунтазам назорат қилиш, жисмоний тарбия ўқитувчилари, ҳарбий таълим ўқитувчилари билан доимий алоқада бўлиш

10.Талабаларни рағбатлантириш ва зарур вақтларда уларга нисбатан чора кўриш.

11.Талабаларнинг ота-оналари билан тарбия борасида доимий алоқада бўлиш ва улар билан индивидуал суҳбатда бўлиш.

12.Талабаларнинг шахсий ва гуруҳга оид ҳужжатларни тартибли олиб бориш.

Гуруҳда тарбиявий ишларга доир масалаларни ҳар томонлама ҳал қилиш мақсадида гуруҳ раҳбари талабларнинг таълим олишлари гуруҳнинг уюштиришнинг тахминий режасини тузадик бу режа талабалар билан тизимли иш олиб боришга катта имкониятлар яратиб беради.

2.Талабанинг ўрганишнинг тахминий дастури

**1. талабалари тўғрисида умумий маълумот.**

1. Талаба қаерда яшайди?

2. Ота-онасининг касби ва иш жойи.

3. Оила аъзоларининг ва уларнинг моддий таъминланганлиги

4. Оилада ота-ананинг ўзаро муносабатлари

5. Оилада талабанри тарбиялаш характери

6. Талабанинг режими

7. Оиланинг хўжалик ишларида талабанинг иштироки

8. Талабанинг ҳаётида энг муҳим воқеалар

9. Талабанинг соғлиги тўғрисида маълумот

II. Ёшлар тараққиётининг умумий ҳолати

1. умумий тараққиёт ( нунқ маданияти дунёқараши характери кино , театр,музей, спорт мажмуаларига бориш)

2. талабанинг ўқишга бўлган муносабати

3. Талабанинг давомати

4. Талабанинг жисмоний меҳнага муносабати

5. Талабанинг интизоми , хулқи тиришқоқлиги

6. Талабанинг қизиқиши (ўқишга, спортга)

**III. Талабанинг жамоат ишларида иштироки**

1. Гуруҳнинг жамоат ишларида иштирок этиш

2. Жамоат ишларини бажариши

3. Талабанинг гуруҳдаги обрўи ва мавқеи

**IV. Талаба шахсининг асосий хусусиятлари**

1.Жамоатчилик дунё қараши

2.Талабанинг маънавий сифатлари, ватанни севиш, дўстлик, инсонийлик, байналминаллик.

3.Иродалилик характери ва хусусиятлари. (мақсадли бўлиш, фаоллик, ботирлик ташкилотчилик мустақиллик интизомлик, бандлик, камтарлик ва ҳоказо)

4. Талаба мижозининг хусусиятлари ва унинг руҳий жараёни (нутқ, диққат , хотира ҳаёл руҳий ҳолатлар)

V. Талабани ўрганиш асосида гуруҳ раҳбари қуйидаги чора-тадбирларни тузади.

1. Талабанинг қайси сифатларини тарбиялаб ривожлантириш лозим.

2. Талаба ахлоқдаги камчиликларни бартараф қилиш учун нималар қилиш керак?

2. **Б. Гуруҳни ўрганишнинг дастури.**

**I. Гуруҳ ҳаёти.**

1. Гуруҳдаги талабаларнинг ёши, рухий, физиологик ва гигиеник ҳолатлари.

2. Талабаларнинг шахсий тараққиёти, маърифатчилик жихатлари.

3. Гуруҳдаги жамоатчилик ишлари.

## **II. Гуруҳнинг ҳамжихатлиги ва уюшқоқлиги**

1. Талабаларнинг ўзаро муносабати.

2. Талабаларнинг биргаликда меҳнат қилишлари ва унинг вақти.

3. Қизлар ва ўғил болаларнинг дўстлиги ҳамда ҳамфикрлиги.

4. Жамоа аъзиларини химоя қилиш.

## **Гуруҳда дўстлик алоқаларини характери**

1. талабаларнинг ўқув юрти ва ундан ташқарида ўзаро дўстлик муносабатлари қандай?

2. Талабаларнинг бир-бирига нисбатан сезгирлик, кузатувчанлик хусусиятларига эгами?

3. Ўртоқларига нисбатан талабчанлиги

4. Ўртоқларнинг камчиликларини кўра биладими, йўқми?

5. Гуруҳнинг аълочилар, зукко, ишбилармон талабаларнинг дарсдан кетиб қолгадиган, ўзлаштирмовчи талабаларга муносабатари қандай?

6. Жисмоний жихатдан заиф бўлган болаларга қандай ёрдамлар берилади?

## **Гуруҳ фаоллари.**

1. Фаоллар ҳайати

2. Уларнинг гуруҳдаги обрўлари.

3. Фаолларнинг ўртоқларига нисбатан муносабатлари.

4. Фаоллар гуруҳдан ажралиб турадиларми, гуруҳдагилар уларни ҳурмат қиладиларми ёки йўқми?

Гуруҳнинг ўқув юрти билан алоқаси

Ўқув юртида ходисалардан, бошқа гуруҳлардан гуруҳнинг хабари борми?

Ўқув юртининг яхши йўлга қўйилиши учун гуруҳ ўқувчилари таклифлар киритиб турадиларми ёки йўқми?

Ўқув юрти талабаларни гуруҳ қандай бажаради?

Гуруҳнинг бошқа гуруҳ талабалари билан қандай алоқаси бор?

Ўқув юрти тадбирий чораларни режалаштиришда гуруҳ талабалари қандай иштирок этадилар?

Талабалар жамоасининг юқори кўрсатилган усуллар билан ҳолатини ўрганиш ўқтувчига кўа имкониятлар беради. Тажрибали ўқитувчилар ҳамма вақт бирор гуруҳнинг раҳбарлигини олишдан аввал олдин гуруҳни батафсил ўрганадилар, бу эса қийинчилик гуруҳ раҳбарига вақти тежашда, аниқ иш режаларини тузишда ва ўз фаолиятини ўқув йили давомида белгиланган тарзда амалга оширишга ёрдам беради.

## *2.6.. Мустақиллик шароитида тарбиявий ишлар жараёнига ва гуруҳ раҳбари фаолиятига қўйилган талаблар.*

Педагогларда биз албатта олийжаноблик ҳиссини тарбиялашимиз шарт. Олийжаноблик қалбнинг ўзига ҳос ҳолатидир. Бу ҳолат инсонда сокинлик, ҳурмат, меҳр, ғурур ҳисларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Олийжаноблик ҳисси ҳар бир инсонда ёшлигидан тарбияланиб ўзига тўғри баҳо беришга ёрдам беради. Бу ҳислат ҳар бир инсон учун лозим, аммо педагог учун бу заруратдир. Чунки фақат олийжаноб одамгина талабларда бу ҳислатни уйғотиши ва ривожлантириши мумкин. Қандай қилиб ўзини ҳурмат қилмаган инсон бошқаларга ўзини ҳурмат қилишни ўргатиш мумкин.

Фақат ички уйғонликка эга бўлган инсонгина бошқалар ҳаётга ҳам уйғунлак киритиши мумкин. Олийжаноб инсон бошқаларнинг мувафақиятидан ҳурсанд бўлади ва мағлубитидан азият чекади. Педагог эса талабаларнинг ютуқларида ҳурсанд бўлиб қолмасдан балки лаззат ҳам олади. Чунки бу ютуғда педагогнинг ҳам кичкина улуши бор. Мағлубият бу педагогнинг ҳам мағлубиятидир.

Педагогга қўйиладиган биринчи ахлоқий талаб, бу талабага ҳурмат билан, меҳр билан қараш. Маънавий шаклланиш талабадан кўп куч вақт талаб этади. Ички қрама – қаршилиқлар талабани ҳулқида салбий кўринишлар вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолларда мураббий этекет чегараси доирасида иш олиб бориши меҳр ва тоқат билан иш юритиши шарт. Мураббий ҳар бир шахсни баҳолашда унинг жамоадаги ўрнига, ўқишдаги мувафақиятларига, ота – онасининг насл насабига қараб эмас, балки шу талабанинг ички дунёсини шаклланиши даражасига, одамийлигига қараб баҳо бериши лозим. Бу камситмаслик уларнинг тарбияси устида иш олиб бораётган даврда нуқсонларни йўқотишга ҳаракат қилиш ва ҳурмат билан қараш зарур.

Педагогнинг талабаларга бўлган нисбатан бўлган муносабати меҳр, ҳайри ҳо ҳлик ва ёрдамида иборат бўлиши керак. Маълумки ривожланиш учун ёрдам бериш мураккаб жараён бўлиб, талабалар олидаг қўйиб ўзи четда қараб туриши ва фақат шу талаблар қандай бажарилаётганлигини кузатиб бориши

етарли деган хулосага келган педагоглар катта ҳатога йўл қўядилар. Талабни қўйиш қийин эмас, лекин уни бажарарилишига эришиш қийин шунинг учун талабларига тўлиқ жавоб олган педагоггина ўз касбининг устасидир деб тан олиш керак. Яхши педагог ҳар бир талабга индивидуал ёндошиб, унинг талабларига жавоб беришида қандай қийинчиликлар вужудга келаётганини, уни нима қийнаётганини синчиклаб ўрганиши лозим. Талабага бу жараёнда ҳайри хо ҳлик билан ёрдам қўлини чўзиши керак.<sup>1</sup>

Педагогнинг ишида муомаланинг турли босқичларида унинг эмоционал кайфияти: фаолиятга ҳозирлик кўриш жараёнида, уни амалга ошириш даврида, муносабат амалга ошгандан кейинги ҳис қиланадиган сезгиларда ва кечинмаларда муҳим роль ўйнайди. Шу тариқа биз касбий педагогик муносабатни амалга ошириш учун жуда муҳим бўлган педагогнинг пси ҳик ҳолатлари ва уларни фаолияти ҳамда муносабати жараёнида бошқариш муоммасыга яқинлашиб келаяпмиз.

Касбий педагогик муносабат жараёнида ижобий кайфиятни бошқариш муаммолари ниҳоятда муҳимдир. Дарсага бўлган пси ҳологик рағбат, гуруҳ билан бўладиган муносабатга рағбат, ўзаро фикр алмашиш илҳоми деган илҳомнинг вужудга келиши ва амалга оширилиши мураккаб жараёндир. Дастлаб педагогнинг мустақил пси ҳологик йўл тутиши асосида, унинг педагогик ишга муносабати уни жалб қиладиган бўлажак фаолияти материалига муносабати натижасида, талабалар билан бўладиган муносабатидан қониқишини олдиндан ҳис қилиш асосида вужудга келадиган илҳом гуруҳ билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш пайтида ҳудди ана шу бевосита алоқага муҳтож бўлади, бевосита муомала асосида ривожланади ва мустаҳкамланади.

Педагогнинг талабалар билан муносабати ижодий кайфияти педагогнинг ижодий индивидуаллигининг ўзига ҳослиги, талабалар жамоасининг ҳусусиятлари, фаолият шароитлари ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган кўп

---

<sup>1</sup> Маҳамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқат маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. Т., 2005.



қиррали жараёндир. Педагогнинг муносабатидаги кайфияти педагогик таъсир кўрастишнинг объектлари – субъектлари бўлган талабаларнинг ижодий кайфияти билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунинг устига педагогчининг мустақил пси хологик йўл тутиши асосида вужудга келадиган ижодий кайфият унинг гуруҳ билан ўзвий ҳамкорлиги пайтида айнан талабалар билан бўладиган муносабатга боғлиқдир.

Талабалар билан бўладиган муносабат олдидан педагогнинг ижодий кайфиятини ҳосил қилишда унинг ўқув материалига ўз хиссий муносабатини ифодалашнинг ташқи шакллари олдиндан топишга интилиши муҳим роль ўйнайди: булар тегишли имо – ишоралар, юз ҳаракатлари, гапириш оҳангидир. Ўқув материалига ўз муносабатини ифодалашнинг ташқи шакллари ўйлаб олиш, табиийки, дарсга, тадбирга шундай пси хологик тайёргарлик кўришга таянадик, унинг таркибий қисимлари санаб ўтилган. Дарсда тадбирларда ўз фикрлари, ҳис – туйғуларини қандай қилиб я ҳшироқ ва ёркинроқ гавдалантириш устида мулоҳаза юритар экан, педагог бўлажак фаолият вазиятга кириб боради, унга чоғланади, унинг шакллари ҳис қилади, фаолиятга бўлган ўзининг хиссий муносабатини етказиш воситаларини излайди.

Тарбияланувчилар билан муомалада киши ўзини бошқара билиши ниҳоятда зарурдир. Педагогнинг дарсдаги ёмон, ноижодий кайфияти дарҳол умуман гуруҳнинг ижодий кайфиятига таъсир қилади, бирағалиқдаги фаолиятининг самарадорлигини пасайтиради. Ижодий кайфиятини бошқаришининг таклиф этилган тизими индивидуал ўзлаштиришни, ўз устида мунтазам ўйналтирилган иш олиб боришни талаб қилади.

Тарбияланувчилар билан муомала жараёнида ва бевосита ундан олдин ижодий кайфиятни бошқариш – педагог меҳнатининг энг муҳим касбкорлик талаби бўлиб, у педагогнинг гуруҳда, тарбияланувчилар билан муомалада ва шу кабиларда эркин бўлишни, хулқ – атворнинг самарли бўлишни таъминлайди. Педагогик ижодкорликнинг асосий босқичларига нисбатан

педагогнинг ижодий кайфиятига муомала таъсирининг қўйдаги жихатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

педагогнинг гуруҳдаги муомаласини олдиндан пайқашни унинг ижодий кайфиятини сафарбар қилувчи омил эканлиги;

гуруҳ билан дастлабки алоқа бевосита муомала пайтида педагог ижодий кайфиятининг рағбатлантирувчи омили сифатида;

педагогнинг гуруҳ билан муомаласи тизими: у фаолият жараёнида педагогнинг ижодий кайфиятини ривожлантиришни қўллаб – қувватлайди ва рағбатлантиради;

муомаладан қаноат ҳосил қилиш шундан кейинги фаолиятда педагогнинг ижодий кайфиятини рағбатлантирувчи омил сифатида.

Педагог муомала жараёни ўзида кечадиган бир қанча шарт –шароитлар билан мураккаблашад. Муомала шарт – шароитлари муомала характериға анча таъсир қилади, аслида улар муомаланинг касбий йўналишини кўп жихатидан белгилаб беради. Муомаланинг ошқоралик вазият кўпгина қийинчиликлар трўғдиради. Тадқиқотчилар қайд этиб ўтганларидек, кишилар олдида, катта аудитория олдида муомала қилиш аудиториянинг гапирувчига диққат қилишга мулжалланган бўлиб бошловчилар учун ниҳоятда мураккбдир ва махсустайёргарлик кўрмасдан ўтказилиши мумкин эмас. Фақат ўзаро фикр алмашиш малака ва усулларини эгаллашгина муомала жараёнида педагогнинг ҳиссий кайфиятини таъминлайди.<sup>1</sup>

Педагогнинг ижодий кайфиятини бошқаришнинг алоҳида муҳим муомаласи бундай кайфиятни бевосита фаолият олдида чиқариш ва сафарбар қилиш ноижодий кайфиятни енгиш ҳисобланади ва ҳақозо.

Педагогнинг ижодгорлигида «жисмоний ҳаракатлар» усулини рўёбга чиқаришнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у педагогга фақат бевосита ижодкорлик бошланишидан олдин ўзининг ижодий табиятини сафарбар қилишнинг воситаси сифатидагина зарурдир, кейин эса «борди – ю» ҳолатидаги

---

<sup>1</sup> А.Алиева «Бўлажак педагогга муомала маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари» Т., 2001, магистирлик диссертацияси

“жисмоний ҳаракатлар” мантиқни ижодкорлик вазияти билан чинаккамига маънавий мойилликка секин – аста ўсиб ўтади, энди “борди – ю” ҳолатида эмас, балки гуруҳ билан ҳақиқий муомалада бўлади.

Муомалада ижодий кайфиятни шакллантириш мураккаб жараёндр. Бу ерда кўпинча педагог зўриқиш туйғусини бошидан кечиради, буни педагог ижодкорлигининг омма ўртасидаги фаолият, ўзгариб боровчи ижодкорлик ҳолати, ўзининг психик ҳолатларини оператив равишда бошқариш зарурлиги, меҳнатнинг ўзаро фикр алмашиш жиҳатдан бойлиги каби хусусиятлари тақозо қилади.

Педагог талабалр билан ҳамкорликда яшар экан ўқитувчининг этекетига қатъий риоя қилиши керак. Унга ишониб айтилган талабанинг (секретини) сирини ҳеч кимга айтмаслиги, унинг устидан кулмаслиги ва албатта у билан самимий бўлиши шарт.

### ***Хулоса.***

Педагогларда биз албатта олийжаноблик ҳиссини тарбиялашимиш шарт. Олийжаноблик қалбнинг ўзига ҳос ҳолатидир. Бу ҳолат инсонда сокинлик, ҳурмат, меҳр, ғурур ҳисларининг қўшилишидан ҳосил бўлади.

Педагогнинг талабаларга бўлган нисбатан бўлган муносабати меҳр, ҳайри хо ҳлик ва ёрдамида иборат бўлиши керак. Маълумки ривожланиш учун ёрдам бериш мураккаб жараён бўлиб, талабалар олидаг қўйиб ўзи четда қараб туриши ва фақат шу талаблар қандай бажарилаётганлигини кузатиб бориши етарли деган хулосага келган педагоглар катта ҳатога йўл қўядилар.

### ***Таянч иборалар.***

Педагогик олийжаноблик, олийжаноблик ҳиссини шакллантириш, касбга нисбатан муносабати, талабанинг муносабати, нуқсонларни йўқотишга ёрдам бериш, талабалрнинг ютуқларидан хурсанд бўлиш.

### **Назорат учун саволлар.**

1. Олийжаноблик деганда нимани тушунаси?

2. Педагог ва талаба ўртасидаги муносабатни шакллантиришда нималарга эътибор бериш керак?
3. Муносабатлар самимий бўлиши учун нима қилиш керак?
4. Талаба ва педагог ўртасидаги ижобий муносабатларни қандай юзага келтириш мумкин?
5. Ҳозирги кунда педагог билан талаба ўртасида “девор” бўлиши керак деб ўйлайсизми?
6. Педагогик муомалада бир қолипдаги усуллар ҳамиша ҳам ижобий роль ўйнайдими?
7. Талабанинг ша ҳсида шаклланишида муомаланинг ўни қандай?
8. Индивидуал муомала услубига қўйиладиган методик талаблар нималардан иборат?

### **Адабиётлар**

1. Волжский А. Методика воспитательной работы с молодежью. – М. 2003.
2. Котов В. Воспитательная работа в школе: опёт и проблемў. – СПб: Сев.сияние 2003.
3. Ғайбуллаев Н. ва бошқалар. Педагогика. Т., 2000.
4. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. «Педагогика». Т., 2000.
5. Рахимжонов Н. “Ёшлар иқтисодий тафакқурини шакллантиришда оиланинг роли” Т., 2005 (Б.М.И.)
6. З. Қурбаниязова “Тарбиявий ишлар жараёнида тарбияланувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари” номзодлик диссертацияси. Т., 2002.
7. [www.ppf.uni.udm.ru](http://www.ppf.uni.udm.ru)
8. [www.search.re.uz](http://www.search.re.uz) - Ўзбекистоннинг ахборотларни излаб топиш тизими.
9. [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz)-Компьютерлаштиришни ривожлантириш буйича Вазирлар Маҳкамаси мувоффиқлаштирувчи Кенгашининг сайти.
10. [www.talant.spb.ruFwald.html](http://www.talant.spb.ruFwald.html)

### *III Боб. Гуруҳ раҳбарининг шахс ва жамоани ўрганиши ва тарбиявий ишларни ташкиллаштириши йўллари ва усуллари.*

#### *3.1..Гуруҳ жамоасини ташкил этиш ва тарбиялашга қўйилган талаблар.*

Жамоа назарияси коидаларига мувофик, уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари куйидагилардан иборат: талаблар куйиш, фаолларни тарбиялаш, укув, меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий фаолиятдаги истикболларни ташкил этиш, соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва купайтириш.

Таърифланган бу коидалар ҳар кандай жамоа (таълим муассасаси, гуруҳ жамоаси, таълим муассасасидан ташқари талабалар бирлашмаси ва хоказолар)ни шакллантириш ва ривожлантириш учун кулланма ҳисобланади. Мазкур бобда гап гуруҳ жамоасини барпо этиш ва ривожлантириш, гуруҳ раҳбарининг шу йуналишдаги иши ҳақида боради.

Тарбия методларини танлашда уларнинг жамоанинг ривожланиш даражасига мослиги муваффақиятнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир педагог тарбиявий ишни гуруҳдаги жамоа муносабатларининг ривожланиши даражаси (босқичи, даври)ни аниқлашдан бошлайди. Педагогнинг эса янги гуруҳ билан куп марта иш бошлашига туғри келади: ўз меҳнат фаолиятининг дастлабки йилида, гуруҳни навбатдаги битириб чиқиш мавсумидан кейин, баъзан эса таълим муассасасида вужудга келган вазият тақозоси билан. Гуруҳ раҳбари узининг методлари жамоанинг ривожланишига тускинлик қилмаслиги учун шундай кейинги ишлари давомида вақти вақти билан жамоанинг ривожланиш даражасини англаб туради.

Назарияда жамоа ривожланишининг уч ёки тўртта даражаси ажратиб кўрсатилади («Педагогика» дарслигининг тегишли бобига қаранг). Бошлангич **даража** педагогнинг куч-гайрати натижасида гуруҳда ўрнатилган муайян даражадаги тартиб, интизом билан, тарбияланувчиларнинг унча катта бўлмаган қисми гуруҳ раҳбарининг ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши билан изоҳланади.

Тарбия жараёни ўз – ўзини тарбиялаш жараёнига ўтганда юксак даражага эришилади. Айрим талабалар ва умуман жамоа уз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ташкил этади, ўзига ва бир-бирига талаблар куяди ва ўз-ўзини назорат қилади. Гуруҳ раҳбари ва талабалар жамоаси ўй-ниятлари ва ишларида биргадирлар.

Паст даражадан юқори даражагача борадиган йул узок бўлиб, муайян қийинчиликларни бартараф этиш билан кечади. Айни пайтда жамоани шакллантириш юзасидан олиб бориладиган ишлар жуда қизиқарлидир. Бу гуруҳ раҳбарининг асосий ишидир. Умуман таълим муассасаси тарбиячисининг асосий натижалари бу иш қанчалик муваффақиятли ўтишига борлик бўлади. Агар талабалар жамоаси барпо этилмаган бўлса, талаба таълим муассасасини ҳеч афсусланмай тарк этади, **хатто** кейинчалик ўқиган йилларини эсламайди ҳам. Талабалар жамоасини иноқ жамоага бирлаштираган мохир гуруҳ раҳбари қўлида тарбияланган одам бахтлидир. Улғаяётган киши, фуқаронинг ҳаётдаги мавқеини шакллантиришда, унинг ҳаёт йулини белгилашда ўз вазифасини англаш гуруҳ раҳбарининг тарбияланувчилар жамоасини барпо этиш юзасидан олиб борадиган фаол ва қатъий фаолиятининг зарур шартини ҳисобланади.

**Жамоа шаклланиш босқичлари.** Жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш методикаси кўп. Унинг моҳияти у ёки бу ривожланиш даражасидаги жамоа норматив таърифини аниқ жамоа таърифи билан таққослашдан иборатдир ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсаднинг, педагоглар билан талабаларнинг биргаликдаги ҳар томонлама собитқадам фаолиятининг, ўзаро масъулиятли муносабатларнинг мавжудлиги; ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолияти ва хоказо.

Талабаларнинг жамоа турмуш нормалари ва қоидаларининг, интизомнинг бузилишига муносабатларини кузатиб, жамоанинг ташкилий тузилиши таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жамоа ривожланишининг дастлабки босқичида талабалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил фикр ва гуруҳ раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун бундай жамоада салбий ходисалар очик муҳокама қилинмайди, мустақил жамоа

қарори қабул қилинмайди ва ҳоказо. Агар жамоа ривожлашишнинг иккинчи босқичида бўлса, номигагина эмас, балки педагогнинг ҳаракатларни қўллаб-қувватлайдиган ҳққиқий ҳаракат қилувчи фаоллар бўлса, унинг айрим талабалар ва жамоа **олдига** муайян талаблар қуйишини кузатиш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасидан далолат берадиган муҳим белгилардан бири — талабаларнинг биргаликдаги фаолиятга иштиёқи чиқинди қоғоз ёки металлом туплаш, кечага тайёргарлик куриш каби таълим муассасалари тажрибасида мунтазам учраб турадиган ишларда кузга ташланади. Гуруҳ раҳбари жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш учун талабаларда уларнинг ҳозирги ва бўлажак ҳаётларида ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлари мавжудлиги билиши муҳим, яъни жамоанинг ҳаётий фаолияти истиқболларини барча ёки айрим талабалар қабул қилишини ва бу истиқболларнинг хусусияти қандайлигини билиб олиш зарур. Агар бўлажак шанбалик ёки байрам кечаси талабалар учун фаолиятга ундовчи воқеа бўлса ва бу яқин истиқбол фақат айрим талабалар ва фаоллар учун аҳамиятли бўлса, жамоа ривожланишининг иккинчи босқичи ҳақида **гапириш** мумкин.<sup>1</sup>

Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда талабаларнинг фақат гуруҳдан ташқари фаолиятида намоён буладиган муносабатларни **тахлил** этиш билангина чекланиб бўлмайди. Гуруҳ раҳбари ишининг узига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий талабалар жамоасини эмас, балки талабалар жамоасини шакллантиради. талабаларнинг асосий вазифаси **уқишдан** иборат. Шунинг учун гуруҳ раҳбари даставвал талабаларнинг уқишга қандай муносабатда эканликларини, узларини дарсда қандай тутишларини, уй вазифаларини сидқидилдан бажаришлари ёки бажармасликларини аниқлайди. Ва, ниҳоят, энг муҳими — уларнинг уқишдаги мулжаллари нималардан иборат, бу мулжаллар ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади.

ИКП - 51 гуруҳда шпаргалкалар, айтиб туришлар, кучириб ёзишлар авж олган эди. талабалар буни тан олишдан ҳам уялишмас, бундай ҳолни

---

<sup>1</sup> Ражабова С. «Касб - ҳунар коллежи ўқитувчисининг касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий педагогик асослари» номзодлик диссертацияси.Т., 2004.

узига хос дустлик, жамоатчилик деб хисоблашарди. Анкета саволларига жавоб олишда «Сен шпаргалкага кандай муносабатдасан?» деган саволга факат бир талаба — Мадина бундай деб ёзди: «Айтиб туришни ва айтиб туришдан фойдаланишни узимга эп курмайман». Анкета саволларга жавоб қайтариш натижаларини муҳокама қилиш чоғида купчилик Мадинанинг тутган катъий йулидан газабланишди: «Каранглар, каидай магрурланиб кетиб-ди! Кадр-киммат бизда хам бор, лекии у алгебра буйича контрол ишга нисбатан анча мухимрок, ишларда намоён булади».

Гуруҳ раҳбарига бу гуруҳда ишлаш жуда кийин эди. Бу ерда купгина кобилиятли ва яхши узлаштирадиган, айни пайтда колок уқишда жуда катта кийинчиликларга дуч келаётган талабалар хам бор эди. Дарсдан ташкари пайтларда турли тадбирлар — кечалар, учрашувлар, экскурсиялар утказиларди. Лекин буларнинг хаммаси энг мухим нарсага — талабаларнинг таълим жараёнига муносабатига ва бу жараёндаги узаро муносабатига таъсир курсатмасди. Купчилик иккинси курс талабалари ўқиш — хар бир кишининг шахсий иши, деган принципга амал қиларди. Юқорида 'баён этилган вазият гуруҳ жамоаси ривожланиш даражасининг пастлигидан далолат беради.

**Жамоанинг тарбиявий таъсири.** Педагог гуруҳ билан ишлашнинг дастлабки босқичида турли вазиятларга дуч келиши мумкин. Гуруҳда хақиқий жамоа муносабатлари булмаслиги мумкин, бунда педагог ишни бошидан бошлашига тугри келади. Купинча бундай холат янги шаклланган, «йигма» гуруҳларда, янги қурилган таълим муассасаларида булиши мумкин. Тугри, бошка холларда хам шундай булиши, аввалги гуруҳ раҳбарининг куч-гайрати муваффақият келтирмаган булиши, таркиби узгармаган жамоа юқори курсдаги гуруҳларда хам шаклланмаслиги мумкин.

Иккинчи томондан, гуруҳ раҳбари гуруҳ билан иш бошлар экан, хар доим жамоа ривожланишининг бошлангич даври билан иш куради, деб мулжаллаб булмайди. Бошлангич ўқиш дарвларида купинча яхши гуруҳ жамоалари шаклланади. Педагог бундай холда жамоа фаолиятининг аввалги тажрибасини



тахлил этади ва унинг анча юкори ривожланиш даражасига мос келадиган тарбия методларини куллайди.

Куйидагиларни таъкидлаш зарур. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашнинг энг ишончли усули — талабаларни улар билан дарсда, дарсдан ташкарида, таълим муассасаларида, таълим муассасаларидан ташкарида узаро фаол ҳамкорлик қилиш жараёнида кузатишдан иборатдир. Махсус диагностик усуллар, масалан, анкета таркатиш, педагогии вазиятларни вужудга келтириш ва бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин бу усуллар гуруҳини жуда эҳтиёткорлик билан, катта педагогик одоби билан куллаш лозим. талабаларни урганишнинг ҳар бир усули айна вақтда тарбия усули ҳам эканлиги педагоглар учун конун булиб қолиши керак. Эҳтиётсизлик билан утказилган анкета таркатиш, айниқса унинг натижаларини муҳокама қилиш талабаларни жипслаштириш урнига уларнинг ораси бузилиб кетишига олиб келиши мумкин. Келтирилган мисолда анкеталарни муҳокама қилиш педагог томонидан пухта тайёрланган, уқдан «портлаш» усули сифатида фойдаланилди ва бошқа чоралар билан мустаҳкамландики, улар тагида куйирокда суз юритилади. шахслар, айниқса катта усмирлар узларини «урганишларини» хуш курмайдилар. Шунинг учун турли хил анкеталарни ошқора ва самимий жавоблар олишга умид қилгандагина куллаш тавсия этилади.

Педагог жамоанинг кучли ва заиф томонларини англаш учун педагогик вазиятлар вужудга келтиришни қўллайди. Лекин бунда шуни эсда тутиш керакки, талаба камчиликларини ҳамманинг уртасида ёркин намоиш этиш уни маънавий ҳалок этиши, калбини жароҳатлаши мумкин. Шундай вазиятларни вужудга келтириш керакки, улар салбий томонларни эмас, ҳар бир шахсда одатдаги шароитда бошқалардан яширинган ижобий томонларни ҳам очиб берсин.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> А.Б.Исимова “Дарсдан ташқари таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг педагогик шарт шароитлари” номзодлик диссертацияси. Т., 2004.

Гуруҳ раҳбари жамоа ривожланишининг аниқланган даражасига қараб тарбия усулларини танлайди. Бунда педагогларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш қушимча шарт ҳисобланади. Бу ҳақда гапирмаса ҳам буларди, чунки бу шарт педагогик принциплардан биридир. Шу билан бирга, ишни энди бошлаган педагог, айниқса гуруҳ раҳбари тарбия усулларини эмас, балки шаклларини танлашда уз тарбияланувчилари ёшини ҳисобга олиши муҳимдир. Бунда бир хил усуллар — талаблар, топшириқлар ва хоказолар турлича изоҳланади. Куйи гуруҳларда қупгина талаблар, қоидаларни тушунтириш, ҳатто айрим «зерикарли» вазифаларни бажаришга ургатиш қупинча уйин шаклида утказилади. кичик гуруҳларда тарбия шакллари анча жиддий, амалий тус олади, лекин имкони борича уларга усмирларда иштиёқ уйготишга қодир булган романтик тус бериладн. Юқори гуруҳларда чуқур тушунтириш ишлари олиб бориш, ҳатто маънавий талабларни фалсафий асослаб бериш талаб этилади.

Жамоани шакллантиришнинг дастлабки босқичида гуруҳ раҳбаридан айниқса қуп шахсий қуч-гайрат сарф этиш талаб этилади. Бунда, юқорида таъқидлаб ўтилганидек, вазият шундай бўлиши ҳам мумкин, яъни гуруҳ янги эмас, талабалар бир неча йилдан буен бирга уқишлари, жамоа эса таркиб топмаган ёки «сочилиб кетган» булиши мумкин. Педагог ҳар қандай ҳолда ҳам уз утмишдошларининг ҳатоларини такрорламаслик учун вужудга келган вазиятни таҳлил этади ва бунинг педагогик сабабларини аниқлайди.

Куйилган вазифаларни ҳал этиш истикболларни олға суришдан бошланади. Жамоа қандай босқичда турмасин, унинг олдида бир вақтнинг ўзида яқин, урта ва узоқ истикболлар булиши керак. Таҷрибанинг курсатишича, талабаларнинг шахслараро муносабатлари жамоа тусини олмаган бошланғич босқичларда гуруҳ раҳбари талабаларнинг шахсий манфаатларига даҳл қиладиган яқин истикболларни уртага қуйиш ва руёбга чиқариш тугрисида уйлашига тугри келади. Яқин истикбол сифатида одатда қуп тайерқарликни талаб қилмайдиган, лекин шу билан бирга қиска муддатли амалий муомала: экскурсия, маданий юриш, шаҳар ташқарисига сайрдан

хурсандчилик етказадиган кизикарли ишлар танланади. Бу кичик тадбирларни тайёрлаш талабаларнинг фаол педагогик ердан остида муайян куч-райрат сарфлашларини ва ташкилотчилик фазилатларини намоён этишларини талаб қилади. Бундай жамоа тадбирларини утказиш чоғида фаол талабалар аникланади.

Шуни ёдда тутиш муҳимки, истикболлар (яқин, урта, узок истикболлар) жамоа ҳаёт фаолиятининг барча: укув, ижтимоий-сиёсий, меҳнат ва оммавий-маданий соҳаларини қамраб олган булиши керак. Бундай ендашув фақат «қунгилоқар» истикболларни олға суриш йулидан бориш ҳавфидан ҳалос булишга ёрдан беради.

### ***3.2. Гуруҳ жамоасини ўрганиш ва уни дастурини ишлаб чиқиш***

#### **1. Талабалар тўғрисида умумий маълумот**

- \* талаба қерда яшайди;
- \* ота-онасини қасби ва иш жойи;
- \* оила аъзолари ва уларнинг моддий таъминланганлиги;
- \* оилада ота-онасининг ўзаро муносабати;
- \* талаба режими;
- \* оиланинг хўжалиқ ишларида талабанинг иштироки;
- \* талабанинг ҳаётида энг муҳим воқеалар;
- \* талаба соғлиги тўғрисида маълумот

#### **2. Ёшлар тараққиётининг умумий ҳолати**

\* умумий тараққиёт ( нутқ маданияти, дунёқараш, характери, кино, театр, музей, стадионларга бориш);

- \* ўқишга бўлган муносабати;
- \* талабанинг давомати;
- \* талабанинг жисмоний меҳнатга муносабати;
- \* талабанинг интизоми, ҳулқи, тиришқоқлиги;
- \* талабанинг қизиқиши (ўқишга, спортга).

#### **3. Талабанинг жамоат ишларига иштироки**

- \* гуруҳнинг жамоат ҳаётида иштирок қилиш;
- \* жамоат ишларининг бажарилиши характери;
- \* талабанинг гуруҳда обрўи ва мавқеи.

#### **4. Талаба шахсининг асосий хусусиятлари**

- \* жамоатчилик, дунёқараш;
- \* талабанинг маданий сифатлари, Ватанни севиш, дўстлик, инсонийлик, байналминаллик;

\* иродалик характери ва хусусиятлари ( мақсади бўлиш, фаоллик, ботирлик, ташкилотчилик, мустақиллик, интизомлилик, мардлик, камтарлик ва ҳоказо);

\* талаба миждозининг хусусиятлари ва унинг рухий жараёни (нутқ, диққат, хотира, хаёл, рухий ҳолатлар).

5. Талабани ўрганиш асосида гуруҳ раҳбари қуйидаги чора-тадбирларни тузади.

\* талабаларни қайси сифатларини тарбиялаб ривожлантириш лозим;

\* талаба ахлоқидаги камчиликларни бартараф қилиш учун нималар қилиш керак;

## **В. Гуруҳ жамоасини ўрганишининг намунавий дастури**

1. Гуруҳ ҳаёти.

\* гуруҳдаги талабаларнинг ёши, рухий, физиологик ва гигиеник ҳолатлари;

\* талабаларнинг шахсий тараққиёти, маърифатлилик жиҳатлари;

\* гуруҳдаги жамоатчилик ишлари.

2. Гуруҳнинг ҳамжиҳатлилиги ва уюшқоқлиги.

\* талабаларнинг ўзаро муносабати;

\* талабаларнинг биргаликда меҳнат қилишлари ва унинг вақти;

\* қизлар ва уғил болаларнинг дўстлиги ҳамда ҳамфикрлиги;

\* жамоа аъзоларини ҳимоя қилиш;

\* ютуқ ва муваффақиятсизлигини англай билиш;

\* ўқув юрти томонидан кўрилган чора-тадбирларда гуруҳ талабаларининг иштироқи;

\* миллатлараро муносабат.

3. Гуруҳнинг ташкилотчилиги.

\* жамоа бўлиб қиладиган ишларни талабалар ўзлари мустақил равишда қила оладиларми ёки йўқми;

\* вазифа топшириқларни талабалар ўзаро тақсимлай оладиларми, йўқми;

\* талабаларнинг гуруҳ мажлисида қабул қилинган қарорларга итоат қиладиларми ёки йўқми.

4. Гуруҳда ҳамкорлик.

\* талабалар ўз ўртоқларининг қайси одатларини маъқул кўрадилар ва қайси номаъқул деб ҳисоблайдилар;

\* рағбатлантириш ва чора кўришни талабалар қандай тушунадилар;

\* гуруҳда қабул қилинган чора-тадбирларни амалиётда қўллаш орасида фарқ борми;

\* гуруҳда танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш мавжудми.

5. Гуруҳда дўстлик алоқаларининг характери.

\* талабаларнинг ўқув юрти ва ундан ташқарида ўзаро дўстлик муносабатлари қандай;

\* талабалар бир-бирига нисбатан сезгирлик, кузатувчанлик хусусиятларига эгами;

\* ўртоқларига нисбатан талабачанлиги;

\* ўртоқларининг камчиликларини кўра билладими, йўқми;

\* гуруҳнинг аълочилар, зукко, ишбилармон талабаларнинг дарсдан кетиб қоладиган, ўзлаштирмоқчи талабаларга муносабатлари қандай;

\* жисмоний жиҳатдан заиф бўлган болаларга қандай ёрдамлар берилади,

6. Гуруҳ фаоллари.

\* фаоллар ҳайати;

\* уларнинг гуруҳдаги обрўлари;

\* фаолларнинг ўртоқларига нисбатан муносабатлари;

\* фаоллар гуруҳдан ажратиб турадиларми, гуруҳдагилар уларни ҳурмат қиладиларми ёки йўқми.

7. Гуруҳнинг ўқув юрти билан алоқаси.

\* ўқув юртида бўлган ҳодисалардан, бошқа гуруҳлардан гуруҳнинг хабари борми;

\* ўқув юртининг яхши йўлга қўйилиши учун гуруҳ ўқувчилари таклифлар киритиб турадиларми;

\* ўқув юрти талабларини гуруҳ қандай бажаради;

\* гуруҳнинг бошқа гуруҳ талабалари билан қандай алоқаси бор;

\* ўқув юрти тадбирий чораларини режалаштиришда гуруҳ талабалари қандай иштирок этадилар.

Талабалар жамоасининг юқорида кўрсатилган усуллар билан ҳолатини ўрганиш ўқитувчига кўп имкониятлар беради. Тажрибали ўқитувчилар ҳамма вақт бирор гуруҳнинг раҳбарлигини олишдан аввал, олдин гуруҳни батафсил ўрганадилар, бу эса кейинчалик гуруҳ раҳбарига вақтни тежашга, аниқ иш режаларини тузишда ва ўз фаолиятини ўқув йили давомида белгиланган тарзда амалга оширишга ёрдам беради.

### ***3.3. Гуруҳ жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш ишини режалаштириш.***

Гуруҳ раҳбари ишини режалаштиришда ўқув юрти умумий иш режасидан келиб чиқиб аниқ гуруҳ режасини тузишда параллел гуруҳларда кўриладиган чора-тадбирларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Ўқув юртининг тарбиявий иш режасининг ўқув йилининг бошида педагогик жамоа мажлисида тасдиқланиб олинади. Ҳар бир гуруҳ раҳбари ўз гуруҳи тарбиявий иш режасини ўқув юрти тарбиявий иш режасида кўрсатилган чора-тадбирларни ўз гуруҳида таалуқли бўлган қисмларини киритиб режа тузади.

Талабаларни тарбиявий ишни ўқув юртининг тахминий тарбиявий ишлар мазмунига мувофиқ бир гуруҳ ёки параллел гуруҳнинг раҳбарлари мажлисида талабани ёшига, рухий, физиологик хусусиятларига мос келадиган тарбиявий чора-тадбирлар бажарилиши режага киритилиб, тасдиқланиб олинади.

*1. Гуруҳ тавсияномаси.* гуруҳ раҳбари тарбиявий иш режасининг асоси ҳисобланади. Амалда гуруҳ раҳбарининг киритиладиган тарбиявий ишлари хилма-хилдир. Мамлакатимизнинг турли туманларида, шаҳар ва қишлоқларда жойлашган ўқув юртларининг ўзига хос тарбиявий анъаналарини ҳисобга олмасак, тарбиявий иш режаларига киритиладиган масалалар бир-бирига жуда ўхшаб кетади.

Гуруҳнинг муфассал педагогик тавсияномасида аниқ кўрсатилган тадбирий чоралар қайси тартибда берилишида қарамасдан тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифалари доимийлигича қолади. Масалан, гуруҳ раҳбарининг иш режасига қуйидаги бобларни тавсия этиш мумкин: ғоявий-сиёсий дунёқарашни шакллантириш; ўрта махсус таълимни амалга ошириш; ахлоқий тарбия, жамоани ташкил этиш; талабаларнинг таҳлилига ёрдам кўрсатиш; ижтимоий фойдали меҳнат ва касб танлаш; экологик ва тежамкорлик руҳида тарбиялаш; ижтимоий камолот, дарсдан ташқари тарбиявий ишлар; ота-оналар билан ишлаш ва ҳоказолар киради.

Юқорида кўрсатилган тавсиялар қатор йиллар давомида иш жараёнида амалда синалган бўлиб, гуруҳ раҳбарининг иш доирасида муҳим ўринни эгаллайди.

Режага киритилган чора-тадбирларнинг аниқлиги, ҳар бир бажарадиган тарбиявий ишнинг аниқ ва тушунарли ташкил этилиши, режадаги ҳар бир бажарадиган ишларнинг аниқ ва равшан кўрсатилиши, чора-тадбирларни тайёрлаш. Уларни ўтказиш натижаларини яқунлаш ва шунга ўхшашлар тарбиявий ишлар режасининг асосий моҳиятини ташкил этади.

Гуруҳ раҳбарининг иш режаси одатда бир ўқув йили учун ярим йиллик ёки чоралик муддатларига мўлжалланиб, ўқув юрти раҳбари томонидан

тасдиқланади. Тарбиявий иш режаларини эса қисқа муддатларга тузиш мақсадга мувофиқдир.

Гуруҳ раҳбари тарбиявий иш режасини тузишда гуруҳ фаоллари, талабалар, ота-оналарни жалб қилади. Гуруҳ тарбиявий иш режасида кўрсатилган чора-тадбирлар такрор бўлмаслиги учун ўқув юрти, жамоатчилигининг иш режалари билан солиштирилиши лозим.

Тарбиявий ишларни режалаштиришда талабаларнинг ёши, кундалик режими, йил фаслларининг кунлари, об-ҳаво назарда тутилади ва белгиланганидан ортиқ дарсдан ташқари ишлар, ортиқча жамоат ишларини режага киритилишига йўл қўйилмайди.

Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий иш режаси ўқув юртининг муҳим ҳужжати ҳисобланади. Гуруҳ тарбиявий иш режасини тузиш ва уни амалга оширишда гуруҳ раҳбари маъмурият ва ўқув юрти органлари олдида жавобгар шахсдир.

Гуруҳ раҳбарининг низомида уқтириб кўрсатилганидек, гуруҳ раҳбари, албатта, ярим йиллик, бир чоралик тарбиявий режа асосида иш олиб бориши керак. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, тарбиявий иш режалари чоралик ёки ярим йилликни тартибли олиб бориш маъсулиятли иш бўлиб, у гуруҳ ўқувчилари ва фаолларнинг орасида муҳокама қилиниши лозим.

*2. Тарбиявий режаларни тузишда қўйиладиган асосий талаблар.* Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий иш режаси ҳақиқий ҳужжат бўлиши учун у бир қатор педагогик психологик талабларга жавоб бериши лозим. Бу талаблар қуйидагилардан иборатдир:

А. Режанинг маълум мақсадли бўлиши лозим. Тарбиявий иш режаси агар ўз ғоявийлиги жиҳатидан мақсадли ва мукамал бўлса, асосли ва тўғри деб ҳисобланади. Режанинг қисмида ғоявий-сиёсий ишларга ва ижтимоий фойдали меҳнатга ўқувчиларни жалб қилиш диққат марказида бўлиши лозим.

Б. Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий иш режалари шакли, методлари ва мундарижалари аксарият бир хил мазмунга эга. Бу ўхшашликлар кўпинча қуйидагилардир: семинарлар, сиёсий ахборотлар, юқори курсларга сиртдан саёҳат ва бошқалар тарбиявий иш режаларида кенг акс эттирилади.

В. Талабаларни кетма-кет тизимли тарбиялашни таъминлаш. Гуруҳ тарбиявий иш режасига киритилган чора-тадбирлар тарбия жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Ҳар бир ижро этилган чора-тадбирлар олдиндан режалаштирилган чора-тадбирлар билан узвий боғланган бўлиши лозим. Ўқув чорақларида тузилган режалар, қишки ва ёзги таътилларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар акс еттирилади. Иккинчи ярим йилда талабаларнинг ёзги дам олиш вақтларида бажарадиган тарбиявий ишларини олдиндан қайд этиш лозим.

Г. Режанинг реал бўлиши. Режани тартибга солишда унга ижро этилиши қийин бўладиган масалалар киритилмаслиги лозим. Режа аниқ ва ижро қилиб бўладиган бўлсин. Масалан, гуруҳ раҳбаридан бири, биринчи ярим йиллик учун тарбиявий иш режасида қуйидаги чора-тадбирларни ўтказиш: талабалар орасида дўстлик ва ўртоқлик тарбиясини амалга ошириш учун ижтимоий фойдали меҳнатни биргаликда ўтказиш, жамоа бўлиб саёҳатлар уюштириш; гуруҳ деворий газетасини биргаликда сикариб ўзаро уюштириш, санъат ҳаваскорларнинг кечаларини ўтказиш, дўстлик ва ўртоқлик мавзусидаги давра суҳбатлари ўтказиш қабиларни амалга ошириш талабаларни бир-бирига яқинлаштиради, ўз навбатида улар ўртасида дўстлик ва ўртоқликни мустаҳкамлайди.

Д. Гуруҳ тарбиявий иш режасининг ўқув юрти тарбиявий иш режаси билан мувофиқлиги. Гуруҳ тарбиявий иш режасини тузишдан олдин гуруҳ раҳбари гуруҳнинг тарбиявий иш режаси билан танишиб чиқиш лозим.

Е. Тажрибалар шуни кўрсатадики, гуруҳ тарбиявий иш режаларитурли тартибда тузилгандир, чунки ҳар бир гуруҳ турли хил шароитларда ишлайдилар. Ўқув юрти иш тажрибаларини ўрганиб, уларни умумлаштириш асосида гуруҳ раҳбарини тарбиявий иш режаларининг тахминий чизмасини тавсия қилишни лозим топдик. Тавсия этаётган гуруҳ раҳбарининг тарбиявий иш режаси республикамизнинг олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган буйруқлар ва тавсиялар асосида тузилгандир.



### ***3.4. Гуруҳ жамоаси билан ишлаш ва унга раҳбарлик қилиш.***

Гуруҳ раҳбари ўз гуруҳидаги талабаларнинг бевосита таълим тарбия жараёни, яъни дарслар давомида ҳамда дарсдан кейинги фаолиятини назорат қилишга масъулдирлар. Гуруҳдаги барча талабаларни қобилиятига қараб тугаракларга жалб этиш керак. Гуруҳдаги талабаларнинг сони нечта бўлишидан қатъий назар уларга маънавият дафтарини туттириш керак. Ҳафтада бир марта ўтказиладиган маънавият соатларини тўғри ташкил этиб, унга ҳаққоний ёндошиш шартдир. Тарбиячи қандай шароитда ишламасин, у қандай гуруҳда ишлашидан қатъий назар, талаба шахсини камол топтириши керак. Гуруҳ раҳбарлиги одатда гуруҳни ва алоҳида ҳар қайси талабани ўрганишда бошланади. Маънавияти бой бўлган гуруҳ раҳбари талабалар билан алоҳида – алоҳида ишлашни амалга ошириши, талабаларга ўз таъсири, методларини моҳирлик билан қўллаш керак.

Агар гуруҳ раҳбари талабалар фаоллигини янада оширишга ҳаракат қилса ота – оналар билан алоқани мустаҳкамлаши лозим бўлади. Қайсики гуруҳ раҳбари ота – она билан яқиндан алоқада бўлса, унинг гуруҳидаги талабаларининг фаоллиги ошади.

Ўзбекистонимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини талабалар, ота – оналар ўртасида ўраниб ишлаб чиқиши керак. Ўқув масканида таълим мазмунини такомиллаштириш, таълим методларини ягилаш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Тарбиячи талабаларда билим олишга бўлган иштиёқ ва эҳтиёжини уйғотишга ҳаракат қилади. Агар гуруҳ раҳбари ўз гуруҳидаги талабалар ўртасида ҳурмат қозона олса, талабани фикрлашга ўргатсин.

Ўқув масканида олиб бориладиган тарбиявий ишлар системасини тўғри ва бевосита гуруҳда ўзлаштиришни кўтаришга таъсир этади. Гуруҳ раҳбари талабалар билан ҳамкорликда тарбияланувчиларни ўқишга онгли муносабатда бўлишга ўргатади., талабаларнинг ўқишга назорат қилади.

Дарсларга киради, кузатади ва ўз гуруҳидаги талабалар билан биргаликда гуруҳда ўқув ишлари сифатини ошириш чора – тадбирларини

белгилайди. Гуруҳ хонасининг жихози ва кўриниши талабаларнинг эстетик тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун талабаларга гуруҳ бурчагини қандай жихозлаш кераклигини айтиб бериш керак. Гуруҳ раҳбари кўргазмани куруллардан самарали фойдаланиш, талабаларнинг дарсдан бўш вақтларидан фойдаланиш тарбияланувчилар ижодий қобилиятларини ўстришда, уларни ҳар томонлама камол топтиришга ёрдам беради. Дарсдан бўш вақтларида талабаларнинг жамоат топшириқларни, тугаракларда иштирок этишини назорат қилиш керак.

Тарбияланувчиларни севиш ва ҳурмат қилиш тарбиявий иш самарадорлигини оширишнинг зарур шартидир. Агар педагог тарбияланувчиларни севмаса у тарбияланувчиларнинг ҳақиқий тарбиячиси, мураббийи бўла олмайди.

Ҳозирги кунда тарбиявий ишлар усулбўиёти фанининг энг муҳим вазифаси бу – келажакимиз пойдеворини курувчи ва юксалтирувчи, бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлаш – маънавий кадриятларимизни ва умумбашарий кадриятларни узида мужассамлаштирган мутахассис кадрларни тайёрлашдир. Бунинг учун эса замонавий ва жаҳоннинг илгор таълим технологиялари билан таъминланган укув – услубий адабиётлар мажмуаларини яратиш, таълим тизимини тубдан узгартириш унинг мазмунига миллий руҳ сингдириш, самарали анъанавий услубларни саклаб қолган ҳолда илгор услубларни яратиш ва уларни амалиётда куллаш лозим.

Шу мақсадда сўнги йилларда педогогик олим ва амалиётчилар томонидан илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педогогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим – тарбия амалиётида қўллаш йўлга қўйилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Дарс жараёнида юқори самарадорликка эришиш учун қуйдаги метод ва услублардан фойдаланиш мумкин: ба ҳслар, тадқиқот, музёра, ишбилармонлик ўйинлари, лойҳалаш, китоб билан ишлаш, суҳбатлар, пинборд, бошқаларни ўқитиш, давра суҳбатларидир. Ушбу методларни дарс жараёнига

қўллаш учун эса таълимнинг кичик гуруҳлар билан ишлаш шаклидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида «Таълим берувчи – таълим олувчи» дидиологидан воз кечишни ва “таълим берувчи – гуруҳ – таълим олувчи” кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни тақозо этади. Шу туфайли педагог билан талаба ўртасида мустақкам контакт ўрнатилди, шахсий ва бир вақтнинг ўзида таълим жараёнида жамоавий руҳий ҳолат кучаяди.<sup>1</sup>

Қуйида биз сизларнинг эътиборингизга “Мен қандай жамоа тузушни хоҳлайман” номли мавзудаги роли ўйинни кўриб чиқамиз.

***Мавзу: «Мен қандай жамоа тузушни хоҳлайман» роли ўйини .***

I. Машғулот мақсади: Талабаларни қандай жамоа тузишга ўргатиш, жамоани ташкил этишда нималарга аҳамият қилиш, Жамоанинг тарбиявий таъсири ҳақида тушунча ва тасаввурларини шакллантириш.

II. Машғулот натижалари:

- талабаларда дарсга бўлган қизиқишни ўстириш;
- роли ўйин орқали талабаларнинг мавзунини ўзлаштириши;
- жамоа бўлиб мулоҳаза юритиш;
- талабаларни қандайдир реал вазиятларни ижро этиш орқали ҳаётга тайёрлаш:

III. Талаб этиладиган вақт 1 соат 15 минут.

IV. Зарур бўладиган материаллар:

- техник воситалар: Кодоскоп
- Тарқатма материаллар: табличка 4 дона, қоғоз 20 дона
- кўргазмали материаллар: слайдлар 2 дона.

V. Машғулот тафсилоти:

Машғулот босқичлари	Таълим берувчи фаолияти	Таълим олувчи фаолияти
I. босқич Тайёрло в	Ўқув машғулотининг мақсад ва натижалари аниқланади, таълим олувчининг баҳолаш мезонлари аниқланади. Технологик ҳаритасини тузади, зарурий ўқув материаллар тайёрланади.	
II. босқич.	Талабаларга “Мен қандай	Талабалар

<sup>1</sup> Б.Чориев “Таълим самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари” Т., 2005. (Б.М.И.)

<p>Ўйинга кириш</p>	<p>жамоа тузушни ҳоҳлайман” ролли ўйин қатнашчилари бўлишларини эълон қилинади.</p> <p>Ушбу таълим усулининг маъносини тушунтирилади.</p> <p>Мақсад ва натижаларини айтиб берилади. Таълим олувчиларни 4 – гуруҳга бўлиб чиқилади.</p> <p>Ҳар бир гуруҳнинг сардори бўлади. Ҳар бир сардорнинг олдида исми ва лавозими ёзилган табличкалар қўйиб чиқилади.</p>	<p>мавзунинг номини ва ўқув машғулоти-нинг мақсад ва натижаларини слайдлар орқали кўриб турадилар.</p> <p>Талабалар гуруҳларга гуруҳ сардорлари томонидан бўлинади.</p>
<p>Ш. босқич Асосий</p>	<p>Энди ҳар бир гуруҳ ўзи тузган жамоа нима билан шуғилланишини, гуруҳ сардори ушбу гуруҳни тузишда нималарга аҳамият қилганлигини, гуруҳдаги ишни нимадан бошлаб нимада яқунлаши кераклиги тушунтирилади.</p> <p>Бунинг учун вақт ажратилади. Ушбу вақт ичида гуруҳнинг ҳар бир аъзосига вазифа берилиш керак бўлади. Яъни ҳар бир талаба қайси вазифада бўлишига қараб жамоанинг ўша қисмини ҳимоя қилиш керак бўлади.</p>	<p>Таълим олувчи ўқитувчиси бераган вазифаларни бажариш учун гуруҳларга бўлинади.</p> <p>Гуруҳ сардорига бўйсинган ҳолда гуруҳдаги ўз вазифасини бажаришга киришади. Ўзининг таклифларини киритади. Сўнгра бутун бир жамоа бўлиб ўзининг груҳи шаънини ҳимоя қилади.</p>
<p>IV босқич Таклиф ўзи – ўзини баҳолаш</p>	<p>Билим олувчиларга Жамоани ташкил қилиш фаолиятини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолашни амалга оширишни таклиф қилиш.</p>	<p>Ўз – ўзини баҳолашни амалга оширади.</p>
<p>V. Муҳокам Хулосалаш</p>	<p>Таълим олувчиларга савол бериш.</p> <p>1 – савол. Жамоа тузишда нималарга эътибор бериш керак?</p> <p>2 – савол. Жамоани шакллантириш учун қандай омиллар таъсир кўрсатади?</p> <p>3 – савол. Сизларда ушбу дарс қандай таъсурот қолдирди?</p>	<p>Таълим олувчилар берилган саволларга жавоб берадилар. Таълим берувчининг яқунини эшитади ва ўзлари учун хулосалар чиқарадилар.</p>

**Хулоса.**

Жамоа – бу одамларнинг бирор бир муайян ижтимоий аҳамияти бўлган фаолият асосида бирлашувларининг ташкилий формасидир.

Тарбияловчи жамоа педагоглар учун тарбия объекти бўлиб, педагогик ишларнинг бутун моҳияти жамоаларнинг ташкилий жихатдан шакллантириш, тарбияланувчиларни тегишли интизом доирасида сақлашдан иборат бўлмай, балки талабаларнинг мазмунли ҳаётини ташкил этишдан, чинакам бой ижтимоий ва жамоа муносабатларини шакллантиришдан иборатдир.

Жамоа аъзолари ўртасида ўзаро боғлиқлик, ўзаро назорат, ўзаро маъсулиятдан иборат муайян муносабатлар таркиб топади.

Гуруҳ раҳбари ўз гуруҳидаги талабаларнинг бевосита таълим тарбия жараёни, яъни дарслар давомида ҳамда дарсдан кейинги фаолиятини назорат қилишга масъулдирлар.

### ***Таянч иборалар.***

Жамоа, жамоа орқали тарбиялаш, педагогик раҳбарлик, инсонпарварлик, баналминаллик, меҳир – оқибат, шакллантириш, ривожлантириш, ибрат, шахсий намуна, гуруҳ раҳбари, ўзаро ҳурмат, оқибат, маъсулият.

### ***Назорат учун саволлар.***

Жамоада шахсни тарбиялашнинг қандай шакллари биласиз?

Шахснинг шаклланишида гуруҳ раҳбарининг роли қандай ?

Ҳозирги кунда гуруҳ раҳбарларининг олдига қўйилаётган вазифалар нималардан иборат?

Гуруҳ раҳбарларининг ота-оналари билан қилган ҳамкорликлари натижасида нималарга эришиш мумкин?

жамоада тарбия индивидуал шаклда олиб боришнинг қандай афзалликлари бор?

Ижобий характерга эга бўлган чора тадбирларнинг амалий аҳамияти қандай?

Гуруҳ билан ишлаш ва унга раҳбарлик қилишда нималарга аҳамият қилиш керак?

Гуруҳ раҳбари маънавиятининг бойлиги талабалар тарбиясига таъсир кўрсатадими?

***IV Боб..Гуруҳ раҳбарининг оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида олиб борадиган педагогик фаолияти.***

***4.1. Тарбиявий ишларни амалга оширишда "Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлиги" Концепциясининг ўрни ва аҳамияти.***

Тарбия жараёни иштирокчилари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 1993 йилда ишлаб чиқилган "Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлиги" Концепцияси ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маълум дастуриламал бўлди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган таълим ва тарбия турғрисидаги катор меъёрий ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг "Таълим турғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бозор иқтисодиёти шароитларида муваффақиятли ишлай оладиган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда оила, маҳалла ва ўқув билим юрти нуфузини янада юқори поғонага кутаришни тақзо этади.

Зеро, таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳам давлат бош ислохотчидир, Президентимиз таъкидлаганидек, биринчидан, ёш авлодга ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни сингдириш;

иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган ҳурфикрликдан қатъий назар ёшларни жипслаштирадиган, халқимиз ва давлатимиз дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг юксак мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

учинчидан, ёшларни байналмилал жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда Ўзбекистонга муносиб ҳурмат туғдириш учун интилиш руҳида тарбиялаш;

тўртинчидан, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, юксак одамийлик ва инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш;

бешинчидан, ёш авлодни улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликлари, айни вақтда жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларини эгаллаш руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда талаба-ёшларни тарбиялашнинг энг долзарб масаласидир.

Давлатимиз раҳбари кўрсатиб берганидек, таълим-тарбия со ҳасидаги ислохотлар:

биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатишга, умуман мамлакатдаги мавжуд муҳитни бутунлай ўзгартиришга;

иккинчидан, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишини тезлаштиришга;

учинчидан, жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахсни шакллантиришга;

тўртинчидан, инсондаги мавжуд салоҳиятни тўла рўёбга чиқаришга;

бешинчидан, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури озод, замонавий Дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ворис бўлган, кучли фуқаролик жамиятини барпо этадиган комил инсонларни тарбиялашга қаратилган.

Мазкур Концепцияда тарақиятимизнинг маънавий-а ҳлоқий негизи миллий ва умуман инсоний кадриятлар уйғунлиги эканлиги эътироф этилди, миллий ва умуминсоний тарбиянинг қуйидаги ўзаро алоқалари, уйғун йўналишлари белгилаб олинди.

Миллий тарбия йўналиши орқали ёшларда ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий Ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик, миллий одоб, фидойилик фазилатлари шакллантирилади.

Умуминсоний йўналишда ҳуқуқий, иқтисодий, жисмоний, ақлий, эстетик, экологик, гигиеник ва бошқа тарбия йўналишлари амалга оширилади. Бу Концепция миллий давлатчилик ва жамият қурилиши талаблари асослилигини таъминлайди.

Концепцияда оилага алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда 1998 йил "Оила йили" деб эълон қилиниши оиланинг тарбиявий ролини янада

кучайтиради. қайд этилган масалалар жамиятимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири ва унинг дунё миқёсидаги сиесий, иқтисодий, ижтимоий салоҳиятини шакллантиришда ғоят катта аҳамиятга эга эканлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартда қабул қилинган "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 130-сонли қарори мисол бўла олади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунининг 30-моддасида "Вояга етмаган шахсларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари шахснинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, ўқув муассасасигача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар", деб белгилаб қўйилган.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 3.2 бандида эса таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу "Оила, ўқув билим юрти, маҳалла ҳамкорлиги" бугунги куннинг маънавий, маърифий, мафкуравий, тарбиявий зарурати эканлигини билдиради. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали, замонавий педагогик технологиянинг ишлаб чиқишиб, амалиётга жорий этилиши, шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш; умумий ҳамда миллий педагогик маданиятни ошириш; мамлакатимиз фуқаролари орасида миллий мафкуравий тарбия ишларини такомиллаштириш "Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлиги" Концепциясининг асосий мақсадидир.

Ўзбекистонда руй бераётган узгаришлар "Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлиги" йўналишидаги шахс тарбиясида оила, ота-она, маҳалла,



ўқув билим юртининг асосий вазифаларини мазмунан янгилаб ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади.

#### ***4.2. Гуруҳ раҳбари оила ва жамоа билан олиб борган фаолияти***

Ўқув юртининг оила ва кенг жамоатчилик билан алоқаси гуруҳ раҳбари орқали амалга оширилади. Гуруҳ раҳбари ота-оналар билан олиб борадиган ишларига қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

1. Ота-оналар билан яқиндан алоқа ўрнатади ва алоқани доимо мустақкамлаб боради;

2. Талабага нисбатан ўқув юртининг ва оиланинг ягона талаблар қўйишга эришади;

3. Гуруҳ ота-оналар жамоасини ташкил этиб, уларнинг гуруҳдаги тарбиявий ишларига фаол қатнашишларини таъминлайди;

4. Ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарқатади ва уларнинг педагогик маданиятини юқори даражага кўтаради;

5. Гуруҳга оталиқ қилаётган ташкилотлар, оила ва ўқув юртига ёрдам берувчи ташкилотлар билан алоқа ўрнатади ва уларни гуруҳдаги тарбиявий ишларга жалб қилади.

Гуруҳ раҳбарининг талабани яхши тарбиялашдаги оила ва жамоатчилик билан ҳамкорлигининг муваффақияти уларнинг бола билан қилаётган ишлари ҳақида бир-бирларига қанчалик кўп, аниқ ва мунтазам хабар бериб туришларига боғлиқ. Ана шу мақсадда гуруҳ раҳбари оилага бир қатор тизимли ахборотлар бериб туриши керак:

-Талабанинг ўқув меҳнатига тавсифнома, ўқишдаги муваффақияти ва муваффақиятсизлиги, уларнинг сабаблари, олаётган баҳолари.

- Талабанинг ижтимоий фаоллиги ҳақида ахборотлар, талабанинг жамоа ҳаётидаги иштироки нималардан иборат эканлиги, жамоат топшириқлари ва вазифаларнинг бор-йўқлиги, сабаби, уларга ўзининг муносабати.

- Талабанинг ўз ўртоқлари, ўқитувчилари билан муносабатида вужудга келган ҳолатларнинг характери, ўқув юртидаги муносабатларнинг доираси.

- Талабанинг айрим хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб, уларга педагогик изоҳлар бериш. Оилага талаба тарбиячи ҳақида маслаҳат ва тавсиялар. Оила ҳам ўз навбатида фарзанди ҳақида ўз мулоҳазалари, кўзатишлари юзасидан гуруҳ раҳбарига қуйидаги мазмунда маълум ахборотлар бериб бориши мумкин:

- Фарзанди уйга берилган вазифаларни қандай бажаради, унга сарфлайдиган вақти, дарс тайёрлаш тартиби, мустақиллик даражаси.

- Белгиланган кун тартибининг бола томонидан бажарилиши.

- Талабанинг ўқув юрти ҳақидаги ҳикоялари, таассуротлари, гаплари, гуруҳ ҳаётидаги турли воқеаларга баҳолари.

- Ота-онанинг айрим ўқитувчилардан, гуруҳ раҳбаридан, ўқув юрти раҳбарларидан илтимослари ва таклифлари.

Гуруҳ раҳбари билан оила ўртасидаги бу хилдаги ўзаро хабарлашувлар талабани тўла ўрганишга, таълим ва тарбияда шу талаба учун энг мақбул тарбия ва таъсир воситасини топишга ёрдам беради. Гуруҳ раҳбари ўз кўзатишлари, оиладан олган ахборотлари натижасини кундаликка ёзиб борса, ундаги тўпланган маълумотларни вақти-вақтида ўрганиш билан шуларга асосланиб тегишли хулосалар чиқарса, бола хулқини ва фазилатларини яхшилаш йўллари, кейинги режаларни белгиласа, эришилган даражани ҳисобга олиб янги педагогик талаблар кўйиб бўлса, тарбия албатта самарали натижа беради.

Гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан олиб борадиган ишлари тажрибасида шахсий, гуруҳ-гуруҳли ва оммавий каби шакллар кенг тарқалган. Айниқса, унинг ота-оналар билан олиб борадиган оммавий ишлари бу соҳадаги фаолиятининг асосий йўналишидир. Чунки бу барча ота-оналарни бирлаштиради ҳамда уларни ўқув юрти талаблари билан таништириш, жамиятнинг тарбиядан кўзатадиган мақсадлари, ота-онанинг вазифалари, тарбияни амалга ошириш йўллари, услуб ва шакллари ҳақида билим бериш, гуруҳ ҳаётидаги ўзгаришлар, режалар ҳақида маслаҳатлашиш учун педагогик маърузалар ташкил этиш илмий анжуманлар, “очик эшик” кунлари, савол-жавоб кечалари, ота-оналар мажлислари ўтказиш оммавий ишнинг турларидир.

Гуруҳ раҳбарининг тажрибасида ота-оналар мажлислари кенг тарқалган ва қарор топган иш шаклидир. Бу мажлислар гуруҳ ота-оналар жамоасининг юқори органи сифатида ўз қарорлари билан гуруҳдаги, оиладаги ва турар жойлардаги амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг вазифасини ва йўналишини белгилаб беради.

Гуруҳ ота-оналар мажлисларининг бир неча хили мавжуд: гуруҳдаги ташкилий ишлар билан боғлиқ мажлислар, ота-оналарга педагогик маълумот беришга бағишланган мажлислар, мунозара шаклидаги мажлислар, ярим йиллик ёки йил якунига бағишланган мажлислар. Бу мажлисларнинг ҳар бири ўз мақсадига тайёрлаш ва ўтказиш тартибига эга.

Ташкилий масалалар билан боғлиқ гуруҳ ота-оналари мажлисида одатда ота-оналар гуруҳи сайланади, иш режалари тасдиқланади, ота-оналар ўртасидаги вазифалар тақсимланади.

Кўпгина ўқув юртидаги гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан олиб бораётган ишлари тажрибасида савол-жавоб кечалари, маслаҳатлар ва мунозаралар ҳам вужудга келмоқда. Маслаҳатлар кўпроқ шахсий иш шакли бўлиб, унга гуруҳ раҳбари ота ёки онага фарзандини тарбиялашдаги қийинчиликларни бартараф этиш ва бошқа масалалар юзасидан аниқ маслаҳатлар беради. Гуруҳ раҳбари ўзининг шахсий суҳбатини, оилани ўрганиш ва кўзатиш асосида тўплаган маълумотларни ота-оналар билан ўтказиладиган ишларни ҳисобга олиб борадиган махсус журналига ёзиб бориши ғоятда муҳим. Агар бу хил журнални гуруҳ раҳбарлари ҳар йили мунтазам ҳолда юритиб борса, у тарбиявий таъсири яхшилашнинг муҳим воситасига айланади.

### ***4.3. Ота-оналар билан ишлашнинг шакл ва методлари.***

Гуруҳ раҳбари ота-оналар билан иш олиб боришда ишлашнинг хилма-хил шакл ва методларидан фойдаланиши лозим. Ота-оналар билан ишлашга шахсий ишлар жамоа билан биргаликда олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Биз қуйида ота-оналар билан ишлашнинг асосий шакллари билан танишиб чиқамиз :

1. Талабаларнинг уйларига бориш – бу оила билан алоқа қилишнинг энг самарали шакллари билан биридир. Бунда гуруҳ раҳбари талабанинг ота-онаси, унинг яшаш шароити, моддий имкониятлари билан танишишга имкон топади.

2. Ота-оналарни ўқув юртига чақириш. Бундан мақсад, фақатгина талабаларнинг хулқи, саводлилиги ва бошқа хусусиятлари билан ота-онани таништириш эмас, балки шу билан биргаликда ота-оналарга педагогик ва руҳий

маслаҳатлар бериб, уларга талабани оилада тарбиялашларига ёрдам ҳам қилишдир.

3. Ота-оналар билан ишлаш. Бу эса талабага чақириқлар ёки махсус даъватномалар орқали амалга оширилади.

4. Ота-оналар гуруҳ мажлисини ўтказиш. Бу шаклдаги алоқа махсус иш режаси орқали амалга оширилади.

5. Ота-оналарни махсус педагогик ва психологик билимлар билан қуроллантириш мақсадида улар билан суҳбат ва маърузалар ўтказилади.

6. Савол-жавоблар кечаси. Ишнинг бу шакли гуруҳ талабаларнинг хусусияти, характерини яхшироқ ўзлаштириш имконини беради.

7. Ота-оналарнинг тарбия борасидаги илғор тажрибалар билан фикр алмашиш, ўртоқлашиш. Бу нарса қуйидаги мавзуда бўлиши мумкин:

а) ёшларни қандай қилиб меҳнатга тайёрлаш мумкин?

б) талабанинг кундалик режими ҳақида.

в) “Ота-оналарнинг обрўси” ҳақида, “Оилада ёшларга ахлоқий тарбия бериш” ва ҳоказолар тўғрисида анжуманлар ўтказиш.

8. Ўқув юрти қошида ота-оналар университетларини ташкил этиш ва бу университетлардан тизимли иш олиб бориш:

а) ота-оналарни тарбия соҳасидаги адабиётлар билан таништириш.

б) “Ота-оналар, сизлар учун” деган мавзуда оғзаки журнал.

в) фаол ота-оналарнинг тарбиявий иш тажрибалари билан бошқа гуруҳ раҳбарларини таништириш каби ишлар олиб борилиши лозим.

Гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан олиб борадиган ишлари гоёт кенг, кўп қиррали бўлиб, бу ишлар фақат гуруҳ ва ўқув юрти миқёси билан чекланмайди, аксинча турар жойлардаги ва талабанинг ота-онаси ишлаб турган корхонадаги жамоатчилик билан ҳам яқин алоқада бўлишни тақозо этади.

Бизнинг ёш авлод халқимизнинг инкилобий, меҳнат, жанговар анъаналарини ўзлаштириб, узига катта авлоднинг энг яхши фазилатларини — гоёвий эътиқод ва матонатни, Ватанга муҳаббатни, унинг иқтисодий, сиёсий ва жанговар кудратини мустаҳкамлашда иштирок этишга интилишни сингдирибгина ўз боболари ва оталари ишини давом эттира ва қупайтира олади. Бу ишда ота-оналар айниқса муҳим урин тутишлари керак.<sup>1</sup>

Буни барча гуруҳ раҳбарлари назарда тутишлари муҳимдир, Бунда шахснинг ҳуқуқий етуқлиги шахс ижтимоийлашувининг махсули эканлигини ҳар бир оилага тушунтириш гоёт муҳимдир. Оила шахс учун унинг ижтимоийлашув жараени руй берадиган, унинг ахлоқи, дуйёкараши асослари

<sup>1</sup> Раҳимжонов Н. “Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли” Т., 2005 (Б.М.И.)

ва ҳоказолар таркиб топадиган дастлабки ва ни ҳоятда му ҳим а ҳамиятга эга булган жамоадир.

Оила бошка тарбиявий муассасалардан фаркли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, кирраларига таъсир курсатишга кодирдир ва одатда таъсир курсатади. Оила тарбия вазифасининг бу улкап микёси унинг мафкуравий ва психологик таъсир курсатишнинг чуқур узига ҳослиги билан уйгунлашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан килибгина колмай, шу билан бирга ша ҳсни шакллантириш жараёнининг зарур бугинига ҳам айлантиради.

Оиланинг юксак тарбиявий имконияти шахслар ва ота-оналарнинг узига ҳос хусусиятлари: кон-кариндошлиги, муҳаббати, якинлиги, ишончи, бурч ҳисси, обрулилиги ва ҳоказолар билан таъминланади. Уз фарзандининг барча заиф ва кучли томонларини йургакдаги чоғидан биладиган, унинг калбидаги энг кичик ҳаракатни ҳам сезадиган ва тушунадиган, унга таъсир этишни билладиган онадан ва отадан я ҳширок. ким ҳам уларни эзгуликка, меҳнатсеварликка, дустликка, муҳаббатга ургата олади!

Маълумки, хилма-хил фаолият шароитида шахснинг кобилиятлари энг самарали ривожланади, унинг иждодий имкониятлари очилади, шахсни оиладан бошка каерда ҳам фаолиятнинг хилма-хил турларига жалб этиш мумкин. Оилавий тарбиянинг кимматлилиги ва а ҳамияти яна шундаки, кичик шахслик пайтида оилада эгалланган нарсалар бир умр сакланиб колади. Худди шунинг учун ота-оналарнинг шахсларни ҳар томонлама тарбиялаш мажбурияти конуний тарзда белгилаб куйилган.

Гуруҳ раҳбарлари ота-оналар билан биргаликда тарбиявий ишни ташкил этар зканлар, энг янги психологик-педагогик тадқиқотлар маълумотларини эътиборга олишлари ҳам му ҳимдир, уларга мувофик усиб келаётган киши ша ҳсини шакллантиришга оиланинг кушадиган ҳиссаси турли ёш боскичларида турлича булади ва тулкинсимон узгаради. Дастлабки 3 йил ичида у айникса кучли булади, шундан кейин оилавий таъсирнинг муайян даражада

баркарорлашуви даври бошланади. **Унинг** навбатдаги чуққисик» одатда маҳтабгача ёш тугайдиган пайтга тугри келади, шундан кейин таҳминан усмирлик давригача у заифлашгандек булади. Яна ота-оналарнинг таъсири ота-она оиласидан ажралиб, уз оиласини узгунча анча кучаяди.

Пси хологик-педагогик тадқиқотларнинг маълумотлари баъзан шахснинг имкониятлари тугрисидаги баркарор тасаввурларни узгартириб юборади. Масалан, уч йиллик шахслар олимлар бир неча йил муқаддам таҳмин қилганларига нисбатан анча чуқур идрок этиш қобилиятига эга, уч ёшли шахс ҳозир фақат олти ёшли шахслар қилган ва қилмаган нарсаларни билиши ва қилиши мумкинлиги қичкинтойни юришдан олдин сузишга, она тили билан деярли барабар чет тилида гапиришга урганиш мумкинлиги ва ҳоказолар маълум булди.

Ва ҳоланки, тажрибанинг курсатишича, ота-оналар қупинча узларини тарбиявий ишга тула тайёр деб билдилар ва махсус педагогик билимларни эгаллашни зарур деб ҳисобламайдилар. Ота-оналарнинг бу ҳусуиятини таникли педагог ва пси холог К. Д. Ушинский уз даврида таъқидлаган эди. «Тарбия санъати, — деб деган эди у, — шундай ҳусусиятга **эгаки**, деярли барчага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса жуда осон иш булиб туюлади — одам бу иш билан назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик қам таниш булса, унга бу шунчалик тушунарли ва осон булиб қуринади. Деярли ҳамма тарбия сабр-тоқатни талаб этишини эътироф қилишади, айримлар бунинг учун *тузма қобилият* ва *малака*, яъни қуниқма қерак, деб уйлайдилар; **лекин** жуда қам одам сабр-тоқат, тузма қобилият ва малақадан ташқари яна маҳсус билимлар қераклиги ҳақида ишонч қосил қиилиш-

Бундай билимларниинг йуқлиги оилавий тарбияда қуплаб ҳатоларга олиб келади, гуруҳ раҳбари ота-оналар билан ишлашда бунинг ҳисобга олмай иложи йуқ.. Бу жиҳатдан ота-оналарнинг шахсларни тарбиялашдаги қуйдаги қийинчилиқлари ва ҳатоларини ажратиш курсатиши мумкин:

1. Ота-оналарнинг шахслар билан муомаласининг етишмаслиги. Улар узлари, ишлари ҳақида қам сузлаб берадилар, ўқув билим юрти талабалар

жамоасининг ҳаёти, уз шахссининг кизикишлари, унинг жамоат ишлари, бу ишга муносабати ва ҳоказолар билан кам кизикадилар. Муомаланинг етишмаслиги шахсларнинг ота-онадан узоклашишига олиб келади, катталарни шахсга янада фаолроқ таъсир курсатиш имкониятидан маҳрум этади.

2. шахсларни меҳнат жараёнларига жалб этиш орқали уларнинг меҳнат тарбиясини ташкил қила билмаслик. Она ишга қумилиб кетган пайтда шахслар оилавий ишлардан, турар жойлардаги ишлардан ва ҳоказолардан озод этиладилар. Бунинг натижасида меҳнатга менсимай муносабатда буладилар.

3. Ота-оналар турмушида салбий мисолларнинг мавжудлиги ўқув муассасасининг педагогик куч-гайратини йукка чиқаради.

4. Ота-оналар тарбиявий таъсирининг изчил эмаслиги — онда-сонда укишини текшириш, бирор нозуя иш учун жазолаш ва ҳоказолар ахлокий иммунитет ҳосил бўлишига ёрдам бермайди.

5. Оилавий тарбиянинг асоси сифатида тақиклашлар системаси — ижобий намуна асосида тарбиялай билмаслик, шахс ҳаётини у ҳар доим турли ҳатти-ҳаракатни машқ қиладиган тарзда ташкил эта олмаслик натижасидир. Бу система шахснинг катталар ҳоҳишига салбий муносабатини тугдиради, мустақилликнинг ривожланишини сусайтиради.

6. Ҳаракатларнинг ўқув билим юрти билан мувофиқлаштирилмаганлиги ёки у билан келишмовчилик. Тарбияланувчида педагогга, ўқув билим юртига ишончсизлик пайдо бўлади ва усиб боради, бу эса унинг камчиликларини тугатишни кийин-лаштиради, педагогик жиҳатдан қаровсизлик ҳолатига олиб келади.

7. Айрим ота-оналарнинг шахслар улгайиб бориши билан тарбиявий фаолликни сусайтириб юборишлари, бу эса шахсларнинг ота-оналардан узоклашувига, ўқув билим юртига кизикиши пасайишига ва ҳоказоларга олиб келади.

8. Қарорлар қабул қилишда кечикиш. Шахс катта бўлгандан кейин ақли кириб, тугалади деб уйлаш одатда узини оқламайди, қупинча қайта

тарбиялашни талаб этадиган педагогик жиҳатдан каровеизлик ҳолатига олиб келади.

Курсатиб утилган камчиликлар каторига ота-оналарнинг тарбия усулларини буш билишларини, шахслар улгайиши билан уларни узгартиришни билмаслик ёки истамаслик ота билан онанинг талаблари бирлигининг, педагогик одоб, чидамнинг йуклиги, ота-оналарнинг турмушнинг маънавий томонига зид тарзда моддий томонига кизикиб кетиши ва бошкаларни кушиш мумкин.

Ота-оналар билан иш шакллари ва усулларини танлашни одатда гуруҳ раҳбари уз шахсий хусусиятлари тажрибасини, талабаларнинг оилаларида вужудга келган узига ҳос хусусиятларни, ота-оналарнинг билим ва тажрибасини, тарбияланувчиларни тарбиялашда юкорида курсатиб утилган ҳатолар ва кийинчиликларни, феъл-атвор хусусиятларини, ўқув муассасаси педагоглар жамоасидаги муҳитни, ота-оналар билан иш олиб боришда таркиб топган анъаналарни ва ҳоказоларни ҳисобга олиб белгилайди, Тажрибанинг курсатишича, гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан ҳамкорлигининг оммавий, гуруҳ тарзидаги ва якка тартибдаги иш шаклларини оқилона бирга кушиб олиб бориш, бунда унинг мазмунида изчилликка риоя этиш оркали эришилади.

Курсатилган шакллар таърифи ва уларни куллашнинг энг юкори натижа беришии таъминлаидиган шарт-шароитларга қисқача тухталиб утамыз.

Талабаларни тарбиялашда оиланинг бир қанча вазифалари мавжуд бўлиб улар қуйдагилардир:

—оилада соғлом муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўртак бўлиши, фарзандларнинг ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр булишни таъминлаш;

—оилада ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, оила аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб етишларини ва уларга риоя қилишларини таъминлаш;

—фарзандларига чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш;

—бозор муносабатларига мос бўлган касб-ҳунар ўргатиш, иқтисодий тушунчаларни фарзандлар онгига сингдириш;

шахсларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;



шахсларни мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

шахсларнинг бўш вақтларини педагогик нуқтаи назардан келиб чиқиб унумли ташкил қилиш, уларга кўшимча таълим бериш;

—фарзандларида мавжуд бўлган истеъдод кўртақларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш;

—ўз фарзандларининг ўқув муассасаси, маҳалла, давлат ва жамият олдидаги бурчларини тўла адо этишлари учун оилада масъулиятли бўлиш;

—ота-оналар ўзларининг педагогик ва психологик билим савияларини доимо ошириб бориши;

— шахсларда тежамкорлик ва ишбилармонликнинг маънавий ахлоқий томонларини шакллантириш;

—оилада миллий ва умуминсоний тарбиянинг барча йўналишларини уйғун ҳолда босқичма-босқич амалга оширишга масъулликни таъминлаш;

—санитария-гигиеник, экологик кўникмаларни сингдириш, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши тарбияни амалга ошириш;

—оила, ўқув билим юрти ва маҳалла олдида ўз фарзандларининг барча ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгардир;

—соғлигида ва ақлида нуқсонлари бўлган фарзандларига ҳаёт талабларига мос равишда билим ва касб-кор ўргатишдан иборат.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, ўзбекона таъбир билан айтганда, фарзандга я ҳши ном қўйиш, я ҳши муаллим қўлига топшириб саводини чиқариш, илмли, касб-хунарли қилиш, оилали ва уйли-жойли қилишдан иборатдир.

#### ***4.4. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва ўқув юртининг***

##### ***ҳамкорлигини амалга ошириш тамойиллари ва босқичлари.***

Ёш авлодни яхши ҳулқли, давлат рамзларига садоқатли қилиб тарбиялашда уларнинг ёш жиҳатларига, характерига алоҳида аҳамият бериш лозим, чунки буларсиз тарбияда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлигида қуйидаги тамойилларга ва босқичларга амал қилинганда самарадорлик янада юқори бўлади:

—таълим ва тарбия соҳасида ҳамкорлик жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг иш бирлиги;

—тарбияланувчига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги; — ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва юксак масъулияти;

—фаолият жараёнида миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги;

—ҳамкорликнинг илмий асосланганлиги;

Биринчи босқич. Ёш оилалар билан ишлаш. Ёш ота-оналарга фарзанд ва унинг тарбияси ҳақида фалсафий, тиббий тушунчаларни бериш ва бу масалаларга тиббиёт ходимлари, обрули хотин - қизларни, ота-оналарни жалб қилиб, "Ёш оналар ва оталар ўқув муассасасилари" фаолиятини йулга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи босқич. Фарзанднинг ўқув муассасасигача бўлган давридаги жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини таъминлаш борасида уларга расм чизиш, воқеаларни баён қилиш, ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳарф таниш, қўшиқ, айтиш ва рақс тушиш, турли ўйинларда онгли қатнашиш тушунчаларини сингдириш ва мустақил равишда билим олиш кўникмаларини шакллантириш юзасидан ўқув муассасасига тайёрлаш гуруҳлари, "Якшанбалик ўқув масканлар" ишини ташкил қилиш.

Учинчи босқич. Кичик ёшдагилар учун мулжалланган (6-11 ёш) ўқув муассасаларида шахсларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишини таъминлаш, унинг илк иқтидори, қизиқиши ва ақлий имкониятларини аниқлаш, ўз ҳатти - ҳаракатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вақтини туғри ташкил қилишни ўргатиш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиб, дўстлик, байналмилаллик, ватанпарварлик ҳислатларини шакллантириш.

Тўртинчи босқич. Ўсмирларнинг (11-16 ёш) қизиқишини, билимга чанқоқлик ва ақл заковатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш, маиший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш, ўсмирлар гуруҳлари ва жамоатчилик орасида ўз ўрнини топа олишига кўмаклашиш, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жамият, қонун ва ота-оналари олдида жавобгарлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаоллиги ва мустақил дунёқарашини юзага келтириш.

Бешинчи босқич. Ёшларни (16 ёш ва ундан юқори) дунё андозаларига мос билим олишлари, касб танлашлари, мустақил ҳаётга тайёргарликларини таъминлаш. Уларнинг имкониятлари даражасида таълим олишларига, танлаган

касблари бўйича иш билан таъминланишларига, иқтисодий мустақил бўлишларига шарт-шароит яратиш. Ватан, Давлат ва жамият олдидаги фуқаролик бурчларини адо этишга жавобгарлик ҳиссини тўла шакллантириш, мустақил оила қуришга тайёрлаш.

Таълим ва тарбия соҳасига эътиборни кучайтириш, бу борада ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва ҳужжатларни, директив кўрсатмаларни самарали бажариш учун оила, маҳалла, ўқув муассасаси ҳамкорлиги фаолияти ўзига ҳос педагогик тизим, услуб ва шаклларга эга булиши зарур<sup>1</sup>.

Ўтказилган тадбирлар ҳар томонлама пухта, шунинг билан қатнашчиларнинг ёшларига мос педагогик ва психологик мужассамлашган, мантиқан теран, қизиқарли ва кўрғазмали, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, эстетик жиҳатдан кенг кўламли бўлиши керак.

Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар маҳалла ҳудудидаги барча ёшлар ва тоифадаги фуқароларни камраб олиши ҳамда уларнинг кизиқиш ва интилишларига мос бўлиши лозим. Ҳамкорлик тадбирларининг мавзулари "Соғлом авлод учун", "Ота-онангга раҳмат", "Одобинга балли", "Соғ танда соғлом ақл", "Меҳр чашмаси", "Қизлар ибоси", "Бир йигитга қирк, хунар оз", "Ўғлим посбоним", «Ҳаёт—устоз, ҳалқ—муаллим", "Ўзбекистон Ватаним маним!", "Миллий бурч ва масъулият", "Оила сабоқлари", "Оила этикаси", "Оила тинч — маҳалла тинч", "Мустақил ҳаёт бўсағасида", "Аскарлик — йигитлик ўқув муассасаси", "Оила ба ҳти — Ватан ба ҳти", "Спортчи оила", "Оиламиз оҳанглари", "Ватан остонадан бошланади", "Биз киммиз" каби тадбирлардан иборат бўлиши мумкин.

" баҳслар, беллашувлар, учрашувлар ва турли саналарга бағишланган анжуман ва тантаналардан иборат бўлиши мумкин.

Жорий қилинган жамоатчилик кенгаши ўз фаолияти тўғрисида маҳалла аҳлига ҳар чорақда бир маротаба ҳисобот беради. Зарурат туғилганда ўқув-

---

<sup>1</sup> Ж.Йўлдошев «Замонавий ўзбек оилаларида ўсмир болалар шахсининг шаклланиши» номзодлик диссертацияси, Т., 2002

тарбия муассасалари, маҳалла фаоллари, маҳалла худудида жойлашган ташкилот, кор ҳона ва идораларнинг таълим-тарбия юзасидан олиб борилаётган ишлари тўғрисида ҳисоботларини тинглаб, уларга амалий ва назарий ёрдам бериши иш самарасига ва унинг изчиллигига ижобий таъсир кўрсатади.

### *Хулоса.*

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган таълим ва тарбия турғрисидаги катор меъёрий ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бозор иқтисодиёти шароитларида муваффақиятли ишлай оладиган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда оила, маҳалла ва ўқув билим юрти нуфузини янада юқори поғонага кутаришни тақзо этади.

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фаркли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, кирраларига таъсир курсатишга кодирдир ва одатда таъсир курсатади. Оила тарбия вазифасининг бу улкап микёси унинг мафкуравий ва пси хологик таъсир курсатишнинг **чуқур** узига ҳослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан килибгина колмай, шу билан бирга ша ҳсни шакллантириш жараёнининг зарур бугинига ҳам айлантиради.

### *Таянч иборалар*

Оила, жамоа ва ўқув юртининг тарбиявий ишларини ҳамкорлиги, "Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлиги" Концепцияси, ҳамкорлик, оиланинг ўрни, Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, фарзандга яхши ном кўйиш, саводини чиқариш, касб-ҳунарли қилиш, услублар.

### *Назорат учун саволлар.*

“Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлиги” Концепциясининг ўрни ва аҳамияти?

Оила – жамиятнинг асосий бўғинидир деганда нимани тушунаси?

Оила, маҳалла ҳамда ўқув юрти ҳамкорлигини қандай йўлга қўйиш мумкин?

Оиладаги тарбия жамиятга қандай таъсир кўрсатади?

“Бир шахсга етти қўшни ота – она” деган иборани таҳлили қилинг.

Оила, маҳалла ҳамда ўқув юрти ҳамкорлигининг ижобий томонларини санаб беринг.

Оила, маҳалла ҳамда ўқув юрти ҳамкорликда қандай тадбирлар ташкил қилиш мумкин?

Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлигини амалга оширишнинг қандай услублари мавжуд?

Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва ўқув юртининг ҳамкорлигини амалга оширишнинг қандай тамойиллари ва босқичлари бор?

1. Котов В. Воспитательная работа в школе: опўт и проблемў. – СПб: Сев.сияние 2003.

2. Файбуллаев Н. ва бошқалар. Педагогика. Т., 2000.

3. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. «Педагогика». Т., 2000.

4. «Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Михенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004

5. Маҳкамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқат маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. Т., 2005.

6. [www.ppf.uni.udm.ru](http://www.ppf.uni.udm.ru)

7. [www.search.re.uz](http://www.search.re.uz) - Ўзбекистоннинг ахборотларни излаб топиш тизими.

8. [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz)-Компьютерлаштиришни ривожлантириш буйича Вазирлар Маҳкамаси мувоффиқлаштирувчи Кенгашининг сайти.

9. . [www.talant.spb.ruFwald.html](http://www.talant.spb.ruFwald.html)

10. [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru).

*У Боб. Талабаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда гуруҳ раҳбарининг роли.*

**5.1. Меҳнат тарбиясининг мазмуни**

Меҳнат тарбиясининг мазмуни ҳилма- ҳилдир. У таълим муассасаларининг бутун ўқув-тарбиявий ишларини ўз ичига олади. Умумий тарзда айтганда, умумий таълим ва ҳунар ўқув муассасасидаги, меҳнат тарбияси фан асослари юзасидан ўқув меҳнати ва меҳнат таълимини уз ичига оладики, уларнинг вазифаси талабаларда ақлий ва жисмоний меҳнатга ижобий муносабатни шакллантиришдан ва уларни умумий политехник билимлар, меҳнат малакалари ва куникмалари билан қуроллантиришдан иборатдир. Лекин фан асослари юзасидан ўқув меҳнати ва меҳнат таълими фақат ўқув мақсадлари билан чекланмайди. Улар меҳнат тарбияси билан қўшилиб, талабаларни маънавий, ақлий, жисмоний ва эстетик ривожлантиришнинг муҳим асоси бўлиб майдонга чиқади. Ўқиш билан қўшилган ижодий меҳнатда талабаларнинг барча қобилиятлари ривожланади ва такомиллашади, улар шаҳсининг ғоявий-маънавий сифатлари шаклланади.

Талабаларнинг ижтимоий фойдали меҳнати меҳнат тарбияси бутун системасининг асоси ҳисобланади. Бундай меҳнат деганда талабаларнинг таълим муассасаси, район ва бутун мамлакат турмушида бевосита фаол иштироки шаклида амалга ошириладиган, умум фойдаси учун қилинадиган баҳоли – қудрат мақсадга мувофиқ меҳнат фаолияти тушунилади. Бу меҳнат кунгилли бўлиб, аксарият ҳолларда унга ҳақ тўланмайди.

Ижтимоий фойдали меҳнатга қуйидагилар киради:

- жамоат иши - талабалар жамоасини уюштириш, уни ғоявий-сиёсий тарбиялаш, аҳолига оммавий-маданий хизмат кўрсатиш мақсадларига хизмат қиладиган фаолият;

- ўз-ўзига хизмат қилиш - ўқув муассасаси жамоаси оила фойдасига қилинадиган ижтимоий фойдали меҳнат;

- унумли меҳнат - талабаларнинг ўқув билим юрти шароитида (ўқув устахонаси, ўқув билим юрти ҳузуридаги устахоналарда) бўлганидек, ишлаб

чиқариш соҳасида (фабрикалар ва заводларда, кол хозлар ва сов хозларда ва хоказо) ҳам моддий бойликларни яратиш билан боғлиқ ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти.

Бироқ айрим меҳнат турларининг тарбиявий аҳамияти бир ҳил эмас, уларнинг ҳар бири уз хусусиятларига, афзалликларига ва қийинчиликларига эга. Улардан фақат энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

*Оилада ва таълим муассасасида ўз-ўзига хизмат қиқлиши* – бу энг қулай ва кундалик меҳнат туридир. шахсда меҳнатсеварликни тарбиялаш, уни тобора муршккаблашиб орадиган меҳнат фаолияти турлари билан ошно этиш шундан бошланади. Куп йиллик тажрибанинг кўрсатишича, тарбия умумий системасида бу меҳнатни педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этиш ўз-ўзига хизмат қилишга доир бу меҳнат я ҳши одатга айланади, фақат мажбурият эмас, талабаларнинг эҳтиёжи булиб қолишга ёрдам беради.

Тарбияланувчини ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш оиладан башланади. У меҳнат тарбияси вазифаларини ҳал этишга энг кўп даражада самарали кўмаклашиши учун уни қандай ташкил этиш керак?

Меҳнат тарбиясининг биринчи босқичи шахсларни кичик ва мазкур ёш учун мос келадиган меҳнат топшириқларига аста-секин ўргатиш ҳисобланади. Ота-оналар шахсларнинг уз-узига хизмат кўрсатиш меҳнати мажбуран эканлигини, мустақил бажариш мумкин булган нарсаларни катталар қилишига мажбур этиш я ҳши эмаслиғни тушунишларига ёрдам беришлари керак.

Иккинчи босқич меҳнат турларини уз-узига хизмат курсатишдан умуман оилага хизмат кўрсатишгача кенгайтириш ҳисобланади. Кичик ёшдаги тарбияланувчилар укаси ёки синглисининг пальтосидаги узилиб кетган тугмасини қадаб, сочиқ ва даструмолларни дазмаллаб, отасининг кастюмини тозалаб қўйишга қодирдир. Даставвал бу ишлар ота-онанинг ташаббуси билан бажарилиши мумкин, лекин кейинчалик оиланинг бошқа аъзоларига уз ташаббуси билан ёрдам бериш эҳтиёжини аста-секин тарбиялаб бориш керак. Бунинг сабаблари ҳар ҳил булиши мумкин. Масалан, бугун ота чарчаган, шунинг учун уни уй ишларидан озод қилишга ҳаракат қилиш керак бугун она

нимадандир ранжиган, уни кувонтириш - хонани тозалаб чиқиш, металл идиш-товоқларни яраклатиб қўйиш керак.

Оилага хизмат кўрсатишга доир меҳнат кўникмалари ривожланиши билан талабаларнинг меҳнат фаолияти соҳасини аста-секин кенгайтириш, мухтож бўлган бошқа кишиларга меҳнат ёрдаи курсатишга жалб этиш муҳимдир. Бу ўзига хос худбинликни, фақат узига яқинлари учун иш бажаришга тайёрликни бартараф этишга кумаклашади.

### ***5.2. Меҳнат тарбиясини сингдиришида гуруҳ раҳбарининг тутган ўрни.***

Меҳнат тарбиясида тарбияланувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам муҳим ҳисобланади. Жумладан, жисмоний заиф шахсларга уларни меҳнатдан озод қилмаган ҳолда кичик ишни топшириш ва уни очик ҳа-вода бажариладиган қилиб танлашга ҳаракат қилиш, шу билан улар саломатлигини мустаҳкамлашга интилиш керак. Асабий шахслар учун уларни тинчлантирадиган, вазмин ҳолатга туширадиган меҳнатни излаб топиш керак. Қизларнинг кашта кашта тикиши, тўқиши, ўғил шахсларнинг ишлаб чиқариш-техника соҳасидаги қўл меҳнати билан шўғулланишлари фойдалидир. Китоб ўқиш ва бошқа ўтириб бажариладиган, меҳнат турларига қизиқадиган шахслар учун ҳаракт қилиш ва мускулларни машқ қилдиришни талаб этадиган ишларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Ва аксинча, агар шахс кўп югурса, турли ҳарактли ўйинларни ўйнаса, унга ўтириб бажарадиган ишни бериш керак.<sup>1</sup>

Ҳаёли паришон тарбияланувчига диққат-эътибарни жамлашни талаб этадиган меҳнатни: сутни қайнатишни, ту хум пиширишни, ювиб қўйилган чойшаб ва курпа-ёстик жилдлари қуриб кетмаслигини кузатишни, уз вақтида товуқларни боқишни, синчиковлик билан резавор бута ша ҳчаларини қирқишни, белгиланган вақтда магазинга ҳарид қилишга бориб келишни ва ҳоказоларни топшириш мумкин. Иродаси буш шахслар учун улар ҳар бир ишни охиригача

---

<sup>1</sup> Р.Сарсенбаева “Меҳнат таълими негизида ўқув – тарбиявий тадбирлар ўтказишнинг илмий методик асослари” номзодлик диссертацияси, Т., 2004.



етказишлари муҳимдир. Уларга узлари учун қизиқарли бўлиб кўринмаган меҳнатни топшириш ва аста – секин улар иродавий куч – ғайрат кўратишларга эришиш фойдалидир. Дангасаликка мойил бўлган ёки енгил-елпи ишлайдиган шахслар учун аксинча, дастлаб уларни қизиқтира оладиган, уларнинг ижодий фикрларни уйғотадиган ишни танлаш керак.

Турмушнинг ҳар бир ҳолати учун тавсия бериш қийин. Лекин бўлажак педагоглар меҳнатдан тарбия воситаси сифатида фойдаланганда энг муҳим нарса – меҳнат топшириқларига ёндошиш кераклигини ўз ҳамкасблари, гуруҳ раҳбарилари билан тез – тез маслаҳатлашишни ёддан чиқармасликлари керак.

### ***5.3. Талабаларнинг ўқув меҳнатини ташкил этиш усуллари.***

Талабаларнинг ўқув меҳнатини ташкил этишда меҳнат топшириқларини бажариш жараёнида уларнинг билиш фаолиятини фаоллиштириш муаммоси ғоят муҳим ҳисобланади. Бу ерда гап фан асослари билимларини топа олиш ва меҳнат таълимида қўллашга уларнинг ўзларни қандай ўргатиш, кўр – кўрона эмас, онгли ишлашларини қандай ўргатиш ҳақида бормоқда. Бу муаммони ҳал этиш меҳнат топшириқлари хусусиятларига боғлиқ. Мамлакат таълим муассасалари илғор тажрибасининг кўрсатишича, агар талабаларга саноат меҳнатининг айрим нисбатан жўн турлари (масалан, мазкур жараёнга олдиндан созлаб қўйилган дастгоҳда айрим мураккаб бўлмаган жараёнларни бажариш ёки конвейрда ишлаш ва ҳакозо) топширилса, бундай меҳнат одатда улардан билимни қўллашни талаб этмайди. Талабалар олдига комплекс вазифалар қўйилганда аҳвол кескин ўзгаради.

Бундай топшириқларни бажаришда талабалар ўзлари ҳаракат қила бошлаш олдидан кўпгина нарсаларни ўйлаб кўришлари керак бўлган реал вазиятларга дуч келидлар. Булар буюмларни конструкция қилиш, деталларга аниқ ишлов бериш, уларнинг теҳник талабларига мос бўлиши масалалари, материалларни танлаш, операцияларининг теҳнологик кетма – кетлигини ўргатиш, асбобларни танлаш, қатнашчилар ўртасида меҳнатни тақсимлаш, ускуналарни меҳнат унумдорлигини оширадиган, бракни камайтирадиган

мосламалар билан жиҳозлаш масалалари ва ҳақозолардир. Бу ва кўгина масалаларни ҳал этиш математика, физика, чизмачилик ва бошқа билимларни қўллашни талаб этарди.

Қишлоқ хўжалик меҳнатида ҳам шунга ўхшаш нарса кўзга ташланади. Агар таълим муассасалар талабалардан айрим, анча жўн қишлоқ хўжалик ишларида (масалан экинларни чопиқ қилишда, экинларни суғоришда, ҳосилни йиғиштириб олишда) фойдалансалар, бундай ишлар одатда юзаки, фикрлаш фаолиятсиз ва фан асослари билимларидан фойдаланмасдан бажарилади.

Ҳар қандай қўл меҳнатида ўргатишни ҳунармандчилик деб аташ, токарлик ёки бошқа дастгоҳда, тикув машинасида ҳар қандай ўргатишни политехник меҳнат деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Ишнинг моҳияти уни қаедай қуроллардан фойдаланиб бажаришда эмас, баки меҳнатнинг ўз хусусияти, ақлий мазмуни қандайлигидадир.

Жамият фаровонлиги йўлида қилинадиган ижтимоий фойдали, унумли меҳнат – талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиши жиҳатдан энг аҳамиятли меҳнатдир. Бундан ташқари, у энг кўп тарқалган меҳнат бўлиб, шаҳар таълим муассасаларда ҳам қишлоқ таълим муассасаларда ҳам қўлланилади. Унда талабаларнинг иштирок этиш шакллари ҳам ҳилма – ҳилдир. Биз ўқув билим юрти талабалари меҳнат бирлашмалари деб ном олган меҳнатнинг фақат айрим шаклларига тўхталиб ўтамиз. Улар фақат меҳнат тарбиясида эмас, шу билан бирга ҳовий – сиёсий, ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, иқтисодий, экологик тарбияда ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Талабаларни жамоат ишлаб чиқаришида онгли ва ижодий иштирок этишига тайёрлашда, шунингдек касб танлашда ҳам уларнинг аҳамияти кам эмас. Меҳнат брлашмаларидаги ишни ташкил этишнинг методик масалалари кўпгина ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган. Уларда асосий эътибор даставвал шунга қаратиладики, талабаларнинг меҳнат брлашмалари – бу улар мустақил меҳнат ҳаётининг биринчи ўқув муассасаси, топширилган иш учун юксак маъсулиятни тарбиялаш ўқув муассасасидир.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> М.Мавлянкулов «Баркамол авлодни тарбиялашда меҳнат ва касб тарбиясининг роли» Т., 2005 (Б.М.И.)

Жисмоний ва ақлий меҳнатга бирдай ҳурматда бўлиш каби ҳислатларни шакллантириш ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Республикамизда бозор иқтисодиёти шароити шаклланаётган бир кезде талабаларда турмушга ва меҳнатга янгича муносабатни, лаёқатни шакллантириш – меҳнат тарбиясининг асосий мақсадларидан биридир. Бунда албатта, ишлаб чиқаришнинг асосий шакллари, айниқса иқтисодий муносабатларнинг Янг – янги омилларини, уларга таниш хизмат турларини белгилаб олиш даркор. шахсларда ҳунар ва касбга бўлган муҳаббатни уйғотиш жараёнида уларнинг ижобий ҳислатларини шакллантиришга ҳам эътибор қаратиш лозим. Тарбияланувчиларни қуйи гуруҳдан касбга йўналтириб, 9 гуруҳни тугатганларида академик лицей ёки касб ҳунар коллежларига йўлланма бериш мақсадга мувофиқдир.

Тарбияланувчиларни бозор шароитига ўргатишнинг ўзи уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнати туфайли фойда олиш ҳақидаги амалий билимларини бойитади.

Тарбияланувчиларни жамоа бўлиб ҳамкорликдаги меҳнати натижасида маҳсулот сони ва хизмат турларини ошириш мумкинлигига ўргатиш лозим. тарбияланувчиларнинг қурилиш майдончалари, ёрдамчи йғим – терим отрядлари ва биргадалари сафларида ҳунармандчиликлари билан шўғилланишлари, уста шогирд ўқув муассасасиларига қатнашиб ҳалқ амалий санъатида, беморларни парвариш қилишда ва нафақа хўрларга хизмат кўрсатиш бўлимларидаги, ҳовлиларни ва кўча куйларни тартибга келтиришдаги, саноат – кор ҳоналарида, ҳисоблаш марказлари, касал ҳоналар ва ўқув муассасасигача таълим муассасаларидаги ишларни алоҳида қўллаб қувватламоқ лозим. Улар бу ишларнинг барчасидан фойда топиш малаксини ошириб бориш керак. бозор муносабатлари бугунги кунда жа ҳонда тан олинган моддий барқарорлик ва одамларнинг иқтисодий фаолиятини рағбатлантириб турадиган бирдан – бир восита эканлигини англамоқ керак.

Бу муносабатларда юқори кўрсаткичларга эришиш учун қатъий

интизомга, те хник ва иқтисодий билимга, малакали мута хассисларга, ишни тўғри ривожлантиришга асосланади. талаба бозор қарама қаршиликларини ва уларни бартараф этиш йўлларини ҳам топа билиш керак.

Бугунги кунда мукамал иқтисодий тарбияни такомиллаштирмасдан иш қилиб бўлмайди. Шу боис педагоглар, гуруҳ раҳбари, ўқув муассасасидан ташқари таълим муассасаси ходимлари нафақат билим беришлари, балки тарбияланувчиларда иқтисодий фаолият малакасини ҳосил этиш, бозор муносабатлари шароитида мустақил фикрлашга ўрганиш лозим бўлади. шахсларга савдо ва хизмат соҳасидаги Янги иқтисодий термин ва тушунчаларни ўргатиш, уларни қандай қўллаш кўникмаларини шакллантириш лозим.

Ишга ижодий ёндошувининг ривожини, топқирлик, и хтирочилик, ишбилармонлик, фаоллик ва ташаббус туфайлигина юқори Самара берувчи фойда юзага келиши мумкинлиги тушунтирилса, талабалар иқтисодий фаолиятда мувафқият қозонади.

Ўқув муассасаси бирлашмалари, ширкатлари фаолиятини назорат қилиш, ўқув муассасасининг ўзини- ўзи бошқаруви орқали олиб борилади. шахслар томонидан топилган даромад улар и хтиёрида қолдирилади. шахсларнинг розилиги билан тарбияланувчилар меҳнат бирлашмалари, ширкат ва корхоналардан даромад фақат иш ҳаққи сифатида туланма, балки ўқув муассасаси вужудига жамоа тузилмалари жамғармасига ҳам ўтказилиши ҳам мумкин.

Таълим муассасаларда кичик бизнесни ташкил этиш, тарбияланувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади.

Сўзсиз уларда бир – бирини қўллаб қувватлаш, меҳрибонлик, ҳомийлик, ёрдам каби фуқаролик эътиқодлари ва фазилатлари шакллантириб борилади.

Бозорнинг а ҳлоқий ва ҳуқуқий меъёрлари бу инсоний а ҳлоқ меъёрларининг ўзгинасидир. Булар:

- ҳалоллик, берилган сўзнинг ишончли ва қатъиятлилиги, батартиблик, ижрочилик, мажбурий меҳнатни ташкил қилиш, кредит ва

қарзларни қоплаш, брокер (воситачи)лик ишларини олиб бориш, ҳушмомилалак, шерикка, истеъмолчига бўлган ҳурмат ва ҳақозолар. уларнинг бари талабага сингдирилиши лозим.

Таълим муассасаларида ривожланган назоратли, бозор муносабатларини ташкил қилиш бўлғуси бизнесмен ва ишбилрамон кишиларни шакллантириш, уддабурон хўжалик юритувчи, иқтисодий фикр ва мушо ҳадаси ривожланган одани тайёрлаш имконини беради. Меҳнат тарбиясида шахсларни тизимли иқтисодий билимлар билан кўроллантириш, иқтисодий қонунлар ва қрама – қаршиликлардан оқилона фойдалана оладиган қилиб тарбиялаш жуда муҳимдир.

Бу ишларнинг ҳаммаси самарали касбга йўналтириш ишларини таъминлашга қаратилан бўлиб, касб танлаган ўсмирга ёрдам бериш ва унинг маҳоратини, иқтидорини намоёйиш этиш лозим.

Тажрибаларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики ҳар қандай меҳнатни ташкил этишнинг асосий босқичлари: режалаштириш ва тайёргарлик ишлари, ишнинг бошланишини ташкил этиш ва талабаларни иш жойларига тўғри тақсимлаш, мусобақа ва ўзаро ёрдам элементлари бўлган меҳнат жараёнини ўзини уюштириш, ишни уюшқоқлик билан тамомлаш ва уни баҳолашдан иборат. Режалаштиришда: ишни тўғри боришини, уюшқоқлик билан тугалланиши, меҳнатни ҳисобга олиш ва баҳолаш шакллари кузда тутиш зарур. Ишни тўғри бошлаш, талабаларни иш жойларига энг мақсадга мувофиқ тарзда тақсамлаш келгуси бутун ишлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Талабаларда меҳнатга доимий пси ҳологик ва Амалий тайёргарлик ҳар доим ҳам шаклланмаслигини назарда тутиш керак. Айримлар дарҳол ишга киришишни баъзилар эса аксинча ишлашни истамайди. Шунинг учун меҳнатни ташкил қилишда авваломбор мойилликни келтириб чиқариб бажариладиган меҳнат жараёнига йўл йўриқ бериш, қизиқтириш лозим. Бу меҳнатни пси ҳологик эҳтиёжга айланишида энг керакли шарт ҳисобланади. Меҳнатнинг мақсади аниқлангач уни тақсимлаш бошланади. Якка ҳолдаги топшириқларни бериш кўпинча яқши натижаларга олиб келади. Якка тартибдаги иш ҳар бир

талабанинг қобилияти ва меҳнати я ҳшироқ ҳисобга олига ёрдам беради . Лекин шу билан бирга у жамоа иши ва талабанинг ўз – ўзини бошқариш аҳамиятини пасайтиради. Гуруҳларга ажралиб умумий гуруҳ билан топшириқни нормада бажариш усули ҳам мавжуд. Лекин бу усул ҳам ўзини унчалик оқламайди чунки унда ҳар бир гуруҳ аъзосини ва унинг меҳнат натижалари тенглашиб қолади. Кўпчилик тажрибаларда кичик гуруҳлар (5-10 та) кишидан иборат гуруҳларда иш бир оз я ҳшироқ бориши кузатилган бунда талабалрни ўз – ўзини бошқаришини кенг ривожлантириш ишни осон режалаштириш нзоратни я ҳшироқ ўрнатиш, натижаларини ҳисобга олиш имконияти туғилади.

Педагог талабаларнинг бевосита фаолияти давомида меҳнатга муҳаббатни тарбиялашнинг барча усуллари моҳирона қўллаши керак. Бир шахснинг чиройли ва тартибли бажарган иши билан фаҳрланиш бошқасига одоб билан мулоҳаза қилиш, ўз меҳнати билан ёрдам кўрсатиш, кичикроқ бўлган интилишни қўллаб қувватлаш, рағбатлантириш буларнинг ҳаммаси талабаларнинг маънавий қиёфасини шакллантиради.

Меҳнат қилинаётган пайтда мусобақа ва ўзаро ёрдамни ташкил этиш алоҳида катта тарбиявий қийматга эгадир. Айни пайтда ишнинг бошқа томонини ҳам унитмаслик керак. Баъзан иш суърати кетидан қувиш унинг сифати пасайишига жисмонан заиф талабаларнинг чарчаб қолишига олиб келиши мумкин.

### *Хулоса.*

Республикамизда бозор иқтисодиёти шароити шаклланаётган бир кезде талабаларда турмушга ва меҳнатга янгича муносабатни, лаёқатни шакллантириш – меҳнат тарбиясининг асосий мақсадларидан биридир. Бунда албатта, ишлаб чиқаришнинг асосий шакллари, айниқса иқтисодий муносабатларнинг Янги – янги омилларини, уларга таниш хизмат турларини белгилаб олиш даркор.

Ишга ижодий ёндошувининг ривож, топқирлик, и хтирочилик, ишбилармонлик, фаоллик ва ташаббус туфайлигина юқори Самара берувчи фойда юзага келиши мумкинлиги тушунтирилса, талабалар иқтисодий фаолиятда мувафқият қозонади

### ***Таянч иборалар.***

Меҳнатга лаёқат, инсоннинг шаклланишида меҳнатнинг ўрни, аҳамияти, ишга ижодий ёндошиш, ишбилармонлик, меҳнатсеварлик, жисмоний меҳнат, ақлий меҳнат, ишни режалаштириш, меҳнатни уюштириш, ташаббускорлик, фойдали меҳнат, фаоллик, ишлаб чиқариш, лаёқат.

### ***Назорат учун саволлар.***

Меҳнатнинг мазмуни нималардан иборат?  
Меҳнатни ташкил қилишда нималарга эътибор бериш керак?  
Ёшларнинг меҳнатга лаёқатини ўстириш учун нима қилиш керак?  
Меҳнатга оид мақолларни биласизми?  
Ёшларнинг меҳнатни кадрлайдиган бўлишларида оиланинг роли қандай?  
Таълим муассасаларида меҳнат тарбияси қандай йўлга қўйилган?  
Ҳозирга кунда шанбаликлар керак деб ўйлайсизми?  
Меҳнат тарбиясини тўғри йўлга қўйиш учун рағбатлантиришнинг ўрни қандай деб ўйлайсиз?

### ***Адабиётлар***

1. Котов В. Воспитательная работа в школе: опўт и проблемў. – СПб: Сев.сияние 2003.
2. Ғайбуллаев Н. ва бошқалар. Педагогика. Т., 2000.
3. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. «Педагогика». Т., 2000.
- 4.«Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Миҳенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004
5. Маҳкамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқат маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. Т., 2005.
6. [www.ppf.uni.udm.ru](http://www.ppf.uni.udm.ru)
7. [www.search.re.uz](http://www.search.re.uz) - Ўзбекистоннинг ахборотларни излаб топиш тизими.
8. [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz)-Компьютерлаштиришни ривожлантириш буйича Вазирлар Маҳкамаси мувоффиқлаштирувчи Кенгашининг сайти.
9. . [www.talant.spb.ruFwald.html](http://www.talant.spb.ruFwald.html)
10. [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru).

## ***ҮІ БОБ..Дарсдан ташқари вақтдаги тарбиявий ишларни ташкил этиш шакллари***

### ***6.1. Дарсдан ташқари вақтдаги тарбиявий ишлар мазмуни ва унга қўйиладиган талаблар.***

Шахс соғлом ва ҳар томонлама баркамол шаклланиши учун унда ўқишга интилиш ҳиссини такомиллаштириш билан чкланиб булмайди. Улар онгида касб - ҳунар ва меҳнат куникмаларини ҳосил қилиш, умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган юксак маънавий-а ҳлоқий фазилатларини тарбиялаш билан уз ватани ва ҳалқига нисбатан садоқатни шакллантириш, атроф-муҳитга нисбатан онгли муносабатда булиш туйғусини, ҳуқуқий онгини тарбиялаш лозим. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да маданий - эстетик, илмий, те ҳникавий, спорт ва бошқа йуналишларда ўқув билим юртидан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш таъкидланган ҳамда таълим сифатини яҳшилаш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилган. Ушбу «Дарсдан ташқари таълимни ташкил қилиш давлат талаблари» талабаларнинг бўш вақтини тарбиявий таълим жиҳатдан самарадорли ташкил этишга қаратилган булиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва миллий дастур ғоялари асосида ишлаб чиқилди.

Дарсдан ташқари таълимни урф-одатларимиз, миллий кадриятларимиз, Республика ҳудудлари талаблари асосида ташкил этиб, унинг тармоғини кенгайтириб, ҳозирги замон талаблари даражасида исло ҳ, қилиш кун тартибида турган долзарб масаладир. Ҳозирги пайтда янги педагогик ва а ҳборот те ҳнологияси қонуниятлари асосида педагог олимларимиз таълим муассасаларидан ташқари таълимни ташкил этишнинг турли шакл ва методларини ишлаб чиқиш йўналишида тегишли тадқиқотларни олиб бормокдалар. Шунинг билан бирга бу, бир жойда тў ҳтаб турувчи жараён эмас. Ушбу «Талаблар» барча ўқув масканларидан ташқари таълим муассасалари ўқув - тарбиявий ишини режалаштиришда дастур ва услубий материаллар, методик қўлланмалар, ўқув адабиётларини тайёрлашда муҳим ҳужжат булиб ҳизмат



қилади.<sup>1</sup>

Дарсдан ташқари таълим муассасаларининг тугарак қатнашчилари онгида юксак маънавий а ҳлоқий фазилатлар мужассамлашган булиши керак.

Дарсдан ташқари таълим муассасалари тугарак қатнашчиларини доимий равишда фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиб туриш улар онгини ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қилиш муҳим ўрин тутди. Тугарак қатнашчиларида мустақиллик тушунчаси шаклланган булиши, улар Давлатимиз рамзларини, мадҳиясини, урф-одатларимизни билиши шарт. Талабалар қайси тугаракка қатнашишидан қатъий назар шу касб ёки ҳунар тўғрисида бошланғич кўникмаларга эга булиши лозим.

Дарсдан ташқари таълим талабалар қизиқшига, хоҳишига асосланган ҳолда дарсдан бўш вақтларида ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва қуйидаги йўналишлар буйича тугарак қатнашчиларига талаблар қўйилиши керак:

1. Ватанга муҳаббат, комил инсон тарбияси.
2. Эстетик таълим.
3. Сайёҳлик йўналиши буйича тугаракларга қатнашиш.
4. Экологик таълим йўналиши буйича.
5. Талабаларни маънавий, а ҳлоқий йўналиш буйича.
6. Ҳуқуқий таълим йўналиши буйича.
7. Техник ижодкорлик йўналиши буйича.
8. Иқтидорли ва истеъдодли ёшлар.
9. Иқтисодий таълим.

## ***6.2. Дарсдан ташқари вақтдаги тарбиявий ишларнинг шакллари.***

Дарсдан ташқари таълим муассасалари олдида турган муҳим тарбиявий фаолияти бу ёшларга эстетик, экологик, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва шунга ўхшаш бошқа турдаги тарбиявий ишларни ўргатишдан иборатдир. Тарбиянинг ушбу турларини ёш авлодга сингдириш учун аввало муассасада утказиладиган талабалар ҳис – туйғусини шакллантиришга асосланган турли тадбирларда, тугараклар фаолиятида миллий маданий-тари ҳий анъаналарга, урф-одатлар ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда амалга оширилади. Масалан эстетик

---

<sup>1</sup> А.Б.Исимова “Дарсдан ташқари таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг педагогик шарт шароитлари” номзодлик диссертацияси. Т., 2004.

тарбияни ёшлар онгига сингдириш мақсадда талабалар уйлари, саройлари, шахслар ва усмирлар ижодиёт уйларида доирачилар, рақс, вокал-чолғу, фольклор, мақом, карнай-сурнайчилар, ашула ва рақс, узбек халқ чолғу дасталари, хор студияси, кўғирчоқ театри, драма тугараги, санъат севарлар клублари ташкил этади.

Тугарак аъзолари ушбу даста, тугарак ва клубларда санъатни севишга, ардоқлашга, санъат орқали гўзалликни кура билишга, шу гўзаллик орқали уз она юртини улуғлашга, ундаги гўзалликни, чиройни асраб қолишга интилади.

Эстетик йўналиш буйича таҳсил олган тугарак аъзолари қуйидагиларни билиши лозим:

- рақс санъатининг машҳур намояндалари ҳаёти ва ижодини;

-қуй тинглаш, унинг мо ҳиятини тушуниб рақс ҳаракатлари орқали ифодалашни;

-турли миллат ва элатлар рақслари ҳаракатларини, уни ижро этишни;

-доиранинг яратилиш тари ҳини, унинг кекса намояндалари ижодий йўлини, доирани ушлаш қоидаларини;

Шунингдек, эстетик таълим тасвирий ва халқ амалий санъати йўналишларидаги тугараклар машғулотлари орқали ҳам талабалар қалбига сингдирилади. Бу ўринда талабалар уйлари, саройларида ташкил этилган «Тасвирий санъат», «хайкалтарошлик», «Кулолчилик», «Миллий каштачилик», «Наққошлик», «ёғоч ўймакорлиги», «Ганч ўймакорлиги», «Ёш таъмирловчилар» тугараклари айни мақсадни доимий ва узлуксиз амалга оширади.

Сайёҳлик тугаракларига талабалар уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда кенг жалб қилинади.

Тўғаракка қабул қилинаётган талаба ёшлар аввало сайёҳлик тугаракларининг бирор бир йўналишига қизиққан, сайёҳлик экспедицияси тўғрисида тасаввурга эга булган, соғлом бўлиши керак.

Сайёҳлик йўналиши бўйича қатнашадиган талабалар биринчи ўқув йилидан кейин қуйидагиларни билиши лозим:

-юртимиз ҳақида тасаввурга эга булиши;

-юртимизнинг тари ҳини, қадимий обидаларини, улар ҳақидаги афсона ва ривоятларни билиши;

-маълум жой, улкани ўрганиш бўйича режа ва йуналишларни ишлаб чиқиш;

-саёҳат давомида кузатувчанликни билиш, сайёҳликка оид материалларни ўрганиш;

-турли хилдаги сайёҳликка оид адабиётлар билан доимий танишиб бориши ва уларни билиш керак.

Экологик табиатшуносликдан ташкил қилинган тугаракларнинг асосий мақсади ёшларда жонли ва жонсиз табиат ҳақида я ҳлит тасаввур ҳосил қилиш, тарбияланувчиларни усимлик ва ҳайвонот олами билан таништириш. Тугарак аъзоларида усимлик ва ҳайвонларни ҳимоя қилиш кераклиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш, тугарак аъзолари ўқув билим юртиларида ер майдонларида ва тирик табиат бурчагида ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилгандагина, я ҳши ҳосил олиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишдан иборатдир.

Тугарак аъзоларига биринчи ўқув йили о ҳирида қуйидаги талаблар қўйилиши лозим:

-жонли ва жонсиз табиат ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

-жонли ва жонсиз табиатни бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини;

-ёз, куз, қиш ва баҳорнинг ҳарактерли белгиларини;

-йилнинг турли фаслларида одамнинг яшаб турган жойидаги меҳнати ва уларнинг турларини;

-усимлик номлари, илдиз, поя, барг, мева ва уруғларини;

-ут усимликлар, дара ҳтлар номини;

-мева ва манзарали дара ҳтларни аа уларнинг бир биридан фарқларини

-учиб кетувчи ва қишлоқчи қушларнинг ҳаёти ва хусусиятларини;

-табиат билан инсон орасидаги қонун-қоидани доимо мувозанатда сақлашни билган, кузатган ишлари юзасидан ҳисобот ёза билишни, маъруза қилишни билишилари керак.

Таълим муассасаларидан ташқари таълимнинг барча йўалишлари ва тугаракларидаги талабаларнинг маънавий фазилатлари, бой маданий меросимиз, тари ҳий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат,

ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбияланиши билан белгиланади.

Ўқув билим юртларидан ташқари таълим муассасалари клуб ва тугараклари борадилар. Билимга ташналик ҳам ахлоқий тарбиянинг таркибий қисмидир тарбиячи, муассаса ходимлари талаба қалбида китобни севиш, уни ўқиш ва ардоқлаш каби фазилатларни доимий равишда шакллантирадилар.

Дарсдан ташқари таълим муассасаларида режалаштирилаётган ҳар бир тадбир мазмунида, клуб ва тугараклар фаолиятида - Ватанга муҳаббат ва қомилсон тарбияси ақс этиши лозим. Талабаларда Ватанга муҳаббат туйғусини тарбиялашда юртимиз маданияти тариҳи, муайян даврлардаги мавқеи, буюқ мутафаккирларимизнинг жаҳон фан ва маданияти соҳасидаги ўрни, мамлакатимизнинг ёрқин истиқболига ишонч тўғрисида маълумот берилади. Ватанни севиш, унинг истиқболи ҳақида қайғуриш иймон-этиқод рамзи эканлиги ўқтирилади. Шу нуқтаи назардан асосий мақсад - қомилсонни тарбиялаш амалга оширилади.

Талабаларнинг ҳуқуқий онгини оширмасдан ҳуқуқий фуқаролик давлатни тасаввур этиб бўлмайди. ҳуқуқий онг пойдеворида ўқув муассасасиларда асос солинади.

Дарсдан ташқари таълим муассасаларида талабаларга ҳуқуқий билимлар, ижтимоий ҳаёт меъёрлари ва қоидалари тўғрисида кенг маълумотлар бериб борилади. Ҳуқуқий таълимнинг мазмуни мустақил Ўзбекистон давлатининг иқтисодий, маънавий, сиёсий-ҳуқуқий манфаатларини узида мужассамлаштириши керак.<sup>1</sup>

Дарсдан ташқари таълим муассасаларида иқтидорли шахслар ва истеъдодли ёшларни узида хос психологик жиҳатларини ва фазилатларини ҳисобга олиб турли тугаракларга жалб этиш «Республика истеъдод маркази» ходимлари билан ҳамкорликда ва уларнинг илмий амалий тажрибаларидан фойдаланган ҳолда истеъдодларин аниқлашга мулжалланган технологик диагностик тадбирлар асосида амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> О.Собиров “Талаба ёшларда худудий маданиятни шакллантириш услубиети” Т., 2005. (Б.М.И.)

Дардан ташқари таълим муассасаларида қуйидаги тадбирлар ишлаб чиқилади:

--иқтидорли шахслар ва истеъдодли ёшларни чет элларда касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган турли тадбирларни амалга ошириш;

--«Камолот», «Маҳалла», «Улуғбек», «Олтин мерос», «Умид», «Устоз» каби жамғармалар билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

--ўқув билим юртларидан ташқари Таълим муассасаларида ёшлар истеъдоди ва иқтидорини намоён қилишга доир шарт шароитлар яратиб бериш;

--уларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда фанлар буйича олимпиадалар, танловлар, кургазмалар, турли байрамлар, талабалар ижодкорлиги каби тадбирларни ўтказиш.

Республиканинг чекка минтақаларидан иқтидорли шахслар ва истеъдодли ёшларни излаш, уларга келгусида уз қобилиятларини такомиллаштиришларига шарт-шароитлар яратиб бериш керак.

### ***6.3. Талабаларни ўз-ўзини бошқариш.***

Педагог мустакил тайёргарлик даврида талабалар билан ишлашни табакалаштирилган тарзда олиб боради, уларни гуруҳларга таксимлайди, айримлари билан эса яқка тартибда иш олиб боради. Педагог фан кабинетларидаги мустакил ишларни ташкил этиб, билимлар эгаллашни таъминловчи топшириқлар системасини ишлаб чиқади, мунтазам равишда уқининг боришини назорат қилади, талабаларнинг китоб, асбоблар, қўлланмалар, уқув телекурсатувлари, қўшимча адабиётлар ва бошқалар билан ишлаш малака ва қўникмаларини мунтазам шакллантиришни таъминлайди.

Мустакил тайёргарликни ташкил этишда лаборант талабалар ало ҳида урин тутати. Улар мураккаб тажрибаларни амалга оширишда ёрдам берадилар, диопозитивлар, фильмларни намоиш этадилар, хариталарни тайёрлайдилар, алмаштириладиган стендларни безатадилар, кабинетларда инвентаризация

утказадилар, дарсликлар ва дастурларга доир адабиетлар фондига мудирлик киладилар ва хоказо.

Мустакил машгулотларда педагог билан талабанинг ҳамкорлик килиши зарурлиги бекор қилинмайди, лекин у дарсдагига нисбатан бошқача—асосан бавосита, укув материали (схемалар, жадваллар, йул-йуриқлар, махсус тузилган маълумотномалар ва хоказолар)ни тегишли тарзда ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Келгусида урта бугинда дарсдан ташқари машгулотларни ташкил этишда педагогнинг йуналтирувчи таъсири остидаги талабаларнинг уз-узини тартибга солиш, уз-узини назорат килиши асосига қурилган ва фан кабинетларида, кутуб хонада ва уйда яққа тартибдаги режа асосида утказиладиган мустакил машгулотлар етакчи шаклга айланиши керак. Бунда дарсдан ташқари ишда таълимнинг моддий базаси: қушимча ва маълумотнома адабиетлар, лаборатория усқуналари, кургазмали қулланмалар, дидактик материаллар, техника воситаларидан оқилона фойдаланиш қузда тутилади.

Уз ичига:

— дарслик ва қушимча адабиетлар билан ишлашнинг ҳилма-ҳил шакллари оқган, назарий билимларни узлаштиришни таъминловчи;

— тажрибалар, иждодий тусдаги ишларни бажаришни, асқобларни лойи ҳалашни, макетлар, моделлар ва хоказоларни тайёрлашни оқган мустакил ишлаш учун топшириқлар системаси мақсадга мувофиқдир.

Юқорида қайд этилган топшириқларни бажариш жараенида талабалар турли қулланмалар, асқоблар, аппаратлар, дидактик материаллардан фойдаланишни урганадилар, уз-узини текшириш учун турли маълумот ва таянч материалларни жалб этиш қуниқмаларини эгаллайдилар. Айни пайтда уларда топшириқларни бажариш учун зарур материалларни танлаш, ишнинг кетма-кетлигини белгилаш, вақтни ҳисобга олиш қаби ташкилий қуниқмалар шаклланади. Бунга у ҳшаш машгулотлар талабаларга улар учун янги булган шароитларда ме ҳнат килиш қуниқмасини эгаллашга ёрдам беради, уқитувчига

эса талабаларда таълим-тарбия жараёнига фаол кушилиш учун зарур булган фазилатларни аниқ, мақсадни кузлаб, изчил шакллантириш имконини беради.

Натижада талабалар учун укув машғулотларини ташкил этишнинг янги шакллари кироат хона ва буш аудиторияларда педагогсиз мустиқил машғулотларни аста-секин жорий этиш мумкин булади. Шунини айтиш керакки, бундай иш шаклининг даставвал айрим қисмлари узлаштирилади. Талабалар гуруҳларига тарбиячисиз, узлари шугулланишлари учун имконият яратилади. Бундай машғулотлар каттик, тартибга солинади: иш жойи, тарбиячига такдим этилиши керак булган ҳисобот материаллари ва бу ишларни амалга ошириш вақти аниқ белгилаб қўйилади. талабаларни гуруҳларга таксимлаш олдида катта тайёргарлик ишлари олиб борилади: тарбиячилар билан улар меҳнатини ташкил этиш усуллари ҳақида суҳбатлар, кироат хонада ва буш аудиторияларда мустиқил машғулотларни ташкил этиш юзасидан дастлабки синовлар, бу тажрибани муҳокима қилиш ва унга зарур тузатиш киритиш каби ишлар бажарилади.

Кузатишларнинг курсатишича, ишнинг янги шаклларига утиш бутун педагоглар жамоасининг қуч-гайратларини бирлаштиришни, буш хоналарни таксимлашда, тартиб ва интизомга риоя этилишини назорат қилишда алоҳида аниқликни талаб этади.

Талабаларнинг уз-узини тартибга солиш ва уз-узини назорат қилиш асосига қурилган гуруҳ ва яққа тартибдаги иш шакллари аста-секин асосий иш шакллари бўлиб қолади. Улар талабаларда интизом ва масъулиятни шакллантиришга қумаклашади.

Бир қанча ҳолларда мустиқил тайёргарлик юзасидан айрим машғулотларни тарбиячи иштирокида уюштириш зарурати вужудга келади. Бу унчалик мустиқил ҳақма булмаган ва янада қучайтирилиши зарур булган малака ва қуникмаларни тиклаш ёки шакллантиришни давом эттириш мақсадида утказилади. Бинобарин, тарбиячи иштирокидаги мустиқил машғулотларни талабалар мустиқиллиги шаклланишининг муайян босқичида тула бардам топадиган шакл сифатида қарамаслик керак. У укув машғулотларидан кейинги

дарсларни ташкил этиш шакллари системасида зарур жи хат сифатида сакланиб колади, лекин ундан фойдаланиш меъёри узгаради.

Мустакил тайёргарликни ташкил этиш жараёнида шахсларнинг зурикишига йул куймаслик му химдир. Шу максатда шахсларда укув ишининг окилона усулларини, илмий ва ижтимоий-сиёсий а хборот окимида йул топа олиш, мустакил тажрибалар килиш ва кузатиш олиб бориш куникмаларини шакллантириш зарур.

Фанлараро алокалар гоаяларини руёбга чиқариш учун: дарс ва дарсдан ташкари укув ишлари—мустакил тайёргарликни уйгун бирлаштириш; мустакил тайёргарлик даврида турли фан уқитувчиларининг узаро алоқаси; фан уқитувчиси билан тарбиячининг ҳамжи хатлиги; турли режим пайтларида ягона талабларни амалга ошириш каби янги имкониятлар вужудга келади ва ҳоказо.

Талабаларнинг барча фанлар юзасидан мустакил ишлаши фақат дарсдан ташкари фаолиятдагина эмас, шу билан бирга дарсда ҳам бошқача сифат касб этади. Дарс ва мустакил тайёргарликнинг бир-бирига сингиб кетиши, укув ва кушимча адабиётлардан, комуслардан, маълумотномалардан ва бошқалардан кенг фойдаланиш имконияти объектив тарзда укув материални энг куп даражада узлаштиришга, мустакил ишни жадаллаштириш ҳисобига (уни бирмунча кискартирган ҳолда). укув вақтидан самарали фойдаланишга, энг му хими, талабаларда меҳнатсеварлик, мустакиллик, масъулиятни тарбиялашга кумаклашади.

Талабаларнинг мустакиллиги турли даражада булганида мустакил тайёргарлик амалга оширилиши мумкинлигини ҳисобга олиш му химдир, албатта, бу эса улар ша ҳсининг шаклланишига шуб ҳасиз таъсир курсатади. Айрим талабаларнинг ишдаги фаол ва мустакил ҳолати тарбиячининг аралашувини талаб этмайди, чунки талабаларнинг узлари олдиларида турган вазифаларни ва уларни ҳал этиш йулларини анча яхши тушунадилар. тарбияланувчилар тарбиячи ёрдамисиз ишлайдилар. Бу ерда тарбиячининг аралашуви макбул эмас, чунки бундай ҳолат тарбияланувчиларнинг



мехнатсеварлигини, билиш эҳтиёжларини шакллантиришда энг катта имкониятга эгадир.

Талаба мустакил ҳаракат килиб, лекин уз ишини тарбиялашнинг фикри ва ба ҳосига боғлиқ килиб қуйган пайтда тобе мустакил ҳолат вужудга келади. Иш кизикиш ва иштиёқ билан бажарилса ҳам, мустакил ишни бажараётган шахснинг ҳаракатларида ишончсизлик жи ҳатлари мавжуд булади.

Тарбиячининг тула раҳбарлиги ва назорати остида ҳаракат киладиган талабалар тоифасида мажбурий-ижро этиш ҳолати пайдо булади. Бунда талабалар ишга унчалик кизикиш билдирмайдилар. Улар купинча тарбиячининг ёрдамини сураб мурожаат киладилар, кучли талабаларнинг куллаб-қувватлашидан фойдаланишга интиладилар, агар бундай куллаб-қувватлаш булмаса, ишни давом эттиришда иродаларини ишга солмайдилар. Бундай шахсларда ташқаридан мажбур килиш вақтида ҳаракат килиш одати мустаҳкамланади. Агар бундай ҳолат барқарор булиб қолса, у талабанинг фақат аклий эмас, шу билан бирга маънавий ривожланишига ҳам, тускинлик килиши мумкин.

Мустакил тайёргарликнинг назоратсиз—ижро этиш ҳолати расмий ижрочилик билан, ишғиёқ ва ҳавас билан меҳнат килишни истамаслигини яширишга интилаётган талабаларда кузатилади. Бундай ҳолатнинг узок вақт мавжуд булишига йул қуйиб булмайди, акс ҳолда талабаларда ишга нисбатан расмий муносабат жи ҳатлари пайдо булади, бу эса уларнинг меҳнатдаги ташқи фаолликларини *йукка* чиқаради.

Ва, ниҳоят, беихтиёр ҳосил буладиган ҳолат ҳам руй бериши, бундай ҳолат «ҳоҳласам—ўйнайман, ҳоҳламасам—ўйнамайман»; «ёкса—ишлайман, ёкмаса—ишламайман»; «осон булса—бажараман, кийин булса—бажармайман» деган сузларга риоя этадиган талабалар фаолиятида намоён булади. Бу талабалар гуруҳи тарбиячига юкорида қайд этилган талабалар гуруҳига нисбатан кам кийинчилик ва ташвиш келтирмайди. шахсларнинг мустакил тайёргарлигидаги беихтиёр ҳолатни бошқа ҳолатга айлантрииш анча кийин ишдир. Бу шахсларнинг фақат уз шаҳеий истаклари буйича иш бажаришга

доир но хуш майлларини бартараф этиш учун узок. вақт тер тукиб ме хнат килишга тугри келади.

Курсатиб утилган ҳолларнинг ҳар бирида шахсларни билиш жараёнига жалб этиш, уларнинг кизиқишларига таяниш, талабаларга укув фаолиятида муваффақиятга эришишни ҳис этиш имконини бериш, уларни рағбатлантириш ва албатта уқишга ургатиш керак.

Кузатишларнинг курсатишчи, тарбиячиларнинг узлари купинча шахсларнинг мустакил тайёргарлиги, уларнинг ишга муносабатидаги ҳолатнинг ҳилма-ҳиллигини билмайдилар. Педагог эса ана шундай ҳолатларнинг намён булишига таяниб, якка тартибда яхшироқ, ёндашишни амалга ошириш мумкин, мустакил тайёргарлик даврида тарбияланувчиларга уз таъсирини мувофиқлаштириши ва таккослаши, уни ша ҳсни шакллантиришнинг самарали воситасига айлантириши мумкин. Бунда унга талабаларнинг феъл-атворидаги узгаришлар жараёуини ва уз тарбиявий фаолиятининг пировард натижаларини олдиндан кура билиш, ҳар бир талабанинг хусусиятларини, унинг ша ҳс сифатида меҳнатга муносабатини яхши билиш ёрдам беради.

Талабаларнинг мустакил тайёргарлигини ташкил этганда, шахслар мустакиллигини пасайтирувчи ортикча васийлик килишга йул куйиб булмади. Кузатишларнинг курсатишчи, тарбиячилар мустакил тайёргарликнинг турли боскичлари (булажак ишнинг бориши тушунтирилади, уй иши, унинг мазмунини, талаба фаолиятининг тартибини тула тушунтириб бериш ҳоллари учрайди ва ҳоказо)да талабаларнинг ишига аралашиб, купинча улар мустакиллигининг ривожланишига ҳалакит берадилар, мустакил фаолнят куникмалари шаклланишига тускинлик киладилар. Мустакил тайёргарлик жараенида талабалар мустакиллиги мунтазам ошиб бориши ва ёрдам бериш мунтазам камайиб боришига эришиш му ҳимдир, албатта.

Уз гуруҳининг имкониятларини, шахсларнинг узига ҳос хусусиятларини, улар мустакил ишининг услубини ҳисобга олувчи тарбиячи мустакил тайёргарлик даврида гоят талабчан булади, шахсларни мустакил

фаолиятга йуналтиради, мустакил тайёргарлики талабалар билимларини мустаҳкамлашнинг ва уларда ташкилий-амалий малака ва куникмаларини ривожлантиришнинг воситаси сифатида қараб, уз ёрдами даражасини аста-секин пасайтиради.

Таълим муассасалари талабаларининг мустакиллиги ҳақида гапирар эканмиз, биз бу жараёнининг икки томонини ифодалайдиган тушунчалардан: талабалар фаолиятида-мустакиллик даражасидан, тарбиячи фаолиятида—ёрдам бериш даражасидан фойдаланамиз. Мустакиллик даражаси деганда биз талабаларнинг педагог ёрдамига булган эҳтиёжини назарда тутамиз. Ёрдамга булган эҳтиёж қанчалик юкори булса, талабаларнинг мустакиллиги шунчалик паст булади. Шахсларга ёрдам курсатиш даражасининг мезони сифатида биз ўқув муассасаси чиларининг топшириқларни бажариш жараёнига тарбиячининг аралашувини қабул қиламиз.

Айни вақтда шуни ҳисобга олиш муҳимки, мустакил тайёргарлик мустакил фаолият шакли булиб, у шахсни уқишга ургатар экан, тулик; равишда тарбиячининг раҳбарлигисиз, муайян даражадаги тарбиявий қуч-қайрат сарфлашисиз утиши мумкин эмас.

Педагогларнинг мустакилликни тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишга сарфлаган қуч-қайрати талабаларнинг рухий-физиологик қайфиятига мутаносибдир. Агар шахслар мустакил тайёргарликни уз фаолияти занжирдаги табиий бугин сифатида қабул қилсалар, педагоглар томонидан ҳам, шахслар томонидан ҳам қатта қуч-қайрат сарфлаш талаб этилмайди. Аксинча, машгулотга ёмон тайёргарлик қуриш ҳамма учун қушимча қийинчиликлар тугдиради. Тарбиячининг ўқув муассасаси талабаларига иродавий таъсир курсатиши талаб этилади, уларнинг эса уз организмлари ва руҳиятларининг аҳволини муайян фаолиятга йуналтириш учун иродавий зуриқишларига тугри келади. Ҳар қандай ҳолатда тарбиячи томонидан ҳам, талабалар томонидан ҳам қуч ёки оз мидорда қуч-қайрат сарф этишни талаб этадиган вазиятлар вужудга келади. Мустакил тайёргарлик давомида таълим муассасаларининг талабалари мустакил фаолиятининг у ёки бу қуникмаси

шаклланаётганда ҳам худди шундай вазиятлар вужудга келади. Бу вазиятни зарур тарбиявий мақсадни амалга оширишга ёрдам берадиган педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳолатга айлантириш тарбиячининг маҳоратини билдиради.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўз устида онгли ва режали иш олиб бориш, жамият ва ривожланиш шахсий дастури талабларга жавоб берувчи хусусият ва сифатларни шакллантиришга йўнатирилгандир. Ўз-ўзини тарбиялаш тарбия жараёнида шаклланади.

Бу усулларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялаш шахсининг ўз-ўзини англашдан бошланади. Бунинг учун қуйидаги усуллар қўлланилади. Улар 1-гуруҳга тегишли:

Ўз-ўзини кузатиш ;

Таққослаш;

Ўз-ўзини таҳлил қилиш;

Эмпатия;

Ўз-ўзини баҳолаш.

Бу усулларнинг барчаси ўз-ўзини англаш савиясини ўстиришни маромлаштиради. Бу беш усул ёрдамида шахсни ўз-ўзини баҳолаши амалга оширилади. Қолган усуллар ўз-ўзини тарбиялаш учун қўлланилади:

Ўз-ўзини танқид қилиш;

Ўз-ўзига мажбурият юклаш;

Ўз-ўзини бошқариш;

Ўз-ўзига буйруқ бериш;

Ўз-ўзини жазолаш;

Ўз-ўзига таъсир кўрсатиш;

Ўзига ишонч.

#### ***6.4. Таълим – тарбия муассасаларида байрамларни, оммавий тадбирларни намунали ўтказиш.***

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртмизда кўплаб байрамлар нишонлана бошланди. Улар ўз мазмунича халқимизнинг азалий анъаналарини, урф – одатларини ва орзу умидларини олган бўлиб, оммавий тарзда мунтазам нишонланиб келяпти. Албатта, бу байрамлар кишиларга завқу шавқ бағишлаш баробарида, ёшларда ватанпарварлик, анъаналаримизга садоқат, урф –

одатларимизга хурмат ҳиссини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ушбу дарслар талабалар қалбида иймон – эътиқод ҳиссини мунаввар этиб, она – Ватан, халқига меҳир муҳаббат уйғотиш зарур. Шу боис аввало дарс мавзусини тўғри танлаб олиш, талабанинг билимдаражаси, малака ва кўникмаларига мос равишда аниқ белгилай билиши лозим. Дарс ўтиладиган хона ҳам мавзуга мос равишда безатилган бўлиши лозим. Яъни қандай байрам ўтказилишга қараб Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси, “Таълим тўғрисида” ги Қонун, Мутафаккир олимларнинг ибратли сўзларидан намуналар келтириш мумкин ва ҳақозолар.

Сабоқлар суҳбат, савол–жавоб, баҳс–мунозара, ҳикоя шаклларида саҳналаштирилган лавҳалар ёрдамида ташкил этилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай байрам тадбирларига энг асосийларидан мисол тариқасида айтиб ўтишимиз мукин бўлганлари “Мустақиллик – буюк неъмат” умумхалқ байрами – “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”, “ 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни”, “Наврўз – гул байрами” кабилардир.

Ушбу байрамларни ташкил этишда Миллий дастур талабларига мувофиқ вужудга келаётган академик лицей ва касб–ҳунар коллежларида, айниқса, беҳад кўтаринки руҳда алоҳида маҳорат ва изланувчанликни талаб қилади.

Таълим муассасаларида, академик-лицей, касб-хунар коллежларида, ўқув юртларида, маҳаллаларда, корхоналарда "1октябрь—Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" байрамини ўтказиш ўсиб келаятган ёш авлодни тарбиялашда халқимизнинг устоз мураббийга бўлган муносабатларининг энг яхши намуналари мисолида ўқувчи ёшлар, умуман инсонлар дунёқарашини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Байрам тантаналарига ота-оналар, маҳалла фаоллари, халқ таълими ходимлари, ёзувчи, шоирлар, санъат ашли, ҳомий ташкилотлар, фахрий ўқитувчилар, "Умид", "Камолот", "Улуғбек", "Маҳалла" "Нуроний", "Устоз"

"Олтин мерос" каби жамғармалар, оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этиш керак.

Байрам доирасида дарс, тарбиявий соат, семинар-адабиёт, адабий-бадий ва илмий кечалар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиши мумкин.

Байрам тантаналари "Ўқитувчи—улуғ ном, у Мағрур жаранглайди", "Устоз—отангдан улуғ", "Устоз ва мураббийлар, сизларни шарафлаймиз", "Мен севган устоз", "Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим", "Устозлар куни — умумхалқ байрамидир" каби мавзуларда ўтказилиши мумкин.

Шунингдек, ёш мусаввирлар, ёш хунармандлар ёш раққосалар, ёш чеварлар кўрик-танловларини, ёш полвонлар, ёш спортчилар, ўткир зехнлилар, топкирлар мусобақаларини, шеърхонлик ва мушоираларни ўтказиш лозим.

Устоз ва мураббийлар байрамини нишонлашда ўтганлар руҳини шод этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

"Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" байрамини қуйдагича режа асосида ўтказиш мумкин:

— 1 октябрь — "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" байрами — дам олиш куни эканлиги;

— ўқитувчи—улуғ зот эканлиги ҳақида;

— устоз—отангдан улуғлиги;

— ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатининг кадр-қиймати ҳақида;

— буюк устозлар ҳақида Ўқитувчилар сулоласи ҳақида;

— устозлар руҳини шод этиш;

— ўқитувчиларни муносиб тақдирлаш, совғалар улашиш;

— ривоят, ҳикоялар, шеър ва куй-қўшиқлар ижро этиш;

— сахна лавҳаларидан, спорт ўйинларидан намоиш этиш;

— санъаткорлар чиқиши;

— сайл-саёҳатга бориш;

— нафақахўр, фахрий ўқитувчилар ҳолидан хабар олиш;

— кўргазма ташкил этиш, кимошди савдосини уюштириш.

Байрамни икки босқичли тадбир асосида ўтказиш ҳам мумкин.

Биринчиси — маърифий, маънавий тадбирлар бўлса, иккинчиси, кўнгил очар, эстетик завқ-шавқ олишга бағишланган ўйин-кулги, томошали тадбирлардир. Саёҳат ва сайлларда, музей ва муқаддас кадамжойларга, "Хотира ва Қадрлаш" майдонларига бориш.

Ўқув юртларида "Ўқитувчи ва мураббийлар" байрами театрлаштирилган режа асосида олиб борилиши байрамнинг эстетик тарбиявий қимматини янада оширади. Бунинг учун, ўқув юртларининг ҳаваскорлик драма театри аъзолари, мусиқа ва чолғу асбоблари тўғарақларининг иштирокчилари билан театрлаштирилган бадиий қисмлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Шахрисабз, Термиз, Хива шаҳарларига ўқитувчилар саёҳатини уюштириш. Бу ишларда халқ таълими бўлими, ҳокимият, маҳалла, ҳомий ташкилотлар, санъат ва адабиёт аҳли ҳамкорликда фаоллик кўрсатишлари лозим.

Томошалар, концертлар, Мусиқали кечалар ва лекторийларга устозу ёш мураббийлар ва ўқувчиларнинг бепул киришини таъминлаш, шунингдек, ижодкор ходимлар гуруҳлари таълим-тарбия муассасаларига ташриф буюришлари лозим. "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" байрамини ўтказишни Республика, вилоят, шаҳар, туман оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш мақсадга мувофиқдир. Байрам ўтказиладиган жойни безашда қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади:

— "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" байрамини ўтказиш учун, аввало, сахна мавзуга мос қилиб, дид билан безатилиши — ўқитувчи устоз ҳақида Ҳадису Шариф, Қуръони Карим, Юсуф Хос Хожйб, А.Жомий, А.Навоий, А.Авлоний, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов сўзларидан намуналар битилиб, шиор қилиб осиб кўйилиши;

— Давлат Байроғи, Герби, Мадҳияси ўрнига туғри жойлаштирилиши;

— "Қуръони Карим", "Ҳадису Шариф", "Қутадғу билиг", "Қобуснома", "Маҳбуб улқулуб", "Муҳокаматул луғатайн", "Одобнома", "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ", "Алифбе", "Устоз-муаллим", "Одоб сабоқлари" ва бошқа қадимий ҳамда замонавий дарслик ва кўлланмалардан намуналар кўйилиши;

— фидойи ўқитувчилар суратлари, энг яхши дарс ва дарсдан ташқари маънавий тарбия ишлари баёнидан лавҳалар, шунингдек, деворий газеталарнинг байрам сонлари кўргазма сифатида намоёиш этилиши;

—Ўзбекистонда "Давлат тили", "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни", "Давлат Мустақиллиги тўғрисида"ги Давлат Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз аксини топиши;

—катта залда дастурхон байрамона нозу-неъматлар билан тузалиши, ўриндиқлар ҳозирланиши;

—байрамга маҳалла оқсоқоллари, фахрий ўқитувчилар-мураббийлар, халқ таълими, туман, шаҳар ҳокимияти, хайрия жамғармалари, ҳомий ташкилотлар ва матбуот ходимлари вакиллари, ёзувчилар, санъаткорлар таклиф этилиши;

—ота-оналар, аёлчи ўқувчилар ҳам иштирок этишлари;

—байрам зарур техник ва мусиқий асбоб-ускуналари, бошловчи, бадиий ҳаваскорлар билан таъминланиши, азалий ўзбекона удумга биноан шодиёна карнай-сурнай садолари билан бошланиши лозим.

Қуйида байрам тантаналарини ўтадиган жойни безатишда фойдаланиш учун буюк алломаларнинг устоз ва мураббийлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларидан намуналарни илова қиламиз:

1. Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур,  
Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.  
(Юсуф Хос Ҳожиб)
2. Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқитмиш ранж ила  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.  
(А. Навоий)
3. Жаҳонда бўлмаса муаллим агар  
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.  
(А. Жомий)
4. Устоз, муаллимсиз қолганда замон,  
Нодонликдан булурди қора жаҳон.  
А. Жомий
5. Устозлар—азиз юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар  
кишиларидандир.  
И.А. Каримов
6. Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир.  
Абдурауф Фитрат
7. Устоз йўли порлоқдир, устоз йўли порлоқдир,  
Устоз кўнгли хазина, саҳоватга тўлиқдир.



П. Мумин

3. Инсон чиндан ҳам шу улуғ номга сазовар бўлса, у ўз қадрига етиш билан бирга ўзгалар қадрини ҳам баланд тутиб, одамийлик бурчини тўғри адо этади. Ана шу инсонийлик бурчларидан бири ўтганлар руhini шод этиб, улар хотираси, кадр – қимматини ўз жойига қўйишдир.

“Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч – қувватини аямаган бирор бир киши унутмаслиги керак. Уларнинг ҳар бирига муносиб ҳурмат – эҳтиром кўрсатилиши шарт”, - деб таъкидлади. Президент И.Каримов.<sup>1</sup>

Ўзбек диёри ўзининг фидойи, ватанпарвар, ҳар қандай ёвуз кучларни енга оладиган, ўз онаси, рафиқаси, опа – сингиллари – ю, ака – укаларини хор қилиб қўйишдек пасткашликни ўзига ор деб биладиган жасур ўғлонлари билан ғурурлана олади. Фикримизнинг далили сифатида иккинчи жаҳон урушидаги фидойиларни олишимиз, улар билан ҳақли равишда фахрланишимиз мумкин. Иккинчи жаҳон уруши бутун қардош республикалар қатори Ўзбекистон аҳолиси учун ҳам оғир кулфатларни келтирди. ўзбек элидан кўплаб ўғлонлар бориб, бегона ерларда қолиб кетди.

Афсуски, уруш қатнашчилари – ҳозирги кунда ҳаёт бўлганлари кундан – кунга камайиб бормоқда. Бугунги кунда республикамызда 109 минг уруш қатнашчиси, 159 минг уруш орқасида меҳнат қилган кишилар бор.

Республикамыз Президентининг “9 май – Хотира ва Қадрлаш куни” деб эълон қилиш ҳақидаги Фармони заминда ушбу кунларимиз нафаси барқ уриб турибди. Хотира, қадрлаш бу киши қалби уйғоқлигининг, ўша қалб тоза ва поклигининг тимсолидир.

Ҳаёт бор экан, демак туғилиш бор, ўлиш бор. Ўтганларнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг чироғини доимо ёқиб туриш нафақат ўша ормызда йўқ кимсаларнинг иззатини жойига қўйишни, балки кишининг ўз – ўзига бўлган кадр – қимматини ҳам англатади.

Ушбу байрамни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш бу истиқлол ҳады этган инъомлардан бири эканлигини ва бу куннинг мазмунли, кўтаринки руҳда ўтказилишига эришмоқ лозим.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов “Хотира ва қадрлаш муқаддас маънавий туйғу”, 1999 й

Академик лицейлар, касб – ҳунар коллежлари, билим юрtdаги талабаларга жангоҳларда “Ватан, Ватан, Ватан, она, она, она” - деб жон берганлар кўп бўлганидек, “Феврал воқеалари”дек “Ватан”ни, “Она”ни сариқ чақага алмаштирувчи “Ватанфуруш” бўлиб олмасликни тушунтириш лозим.

Шунингдек, 9 май «Хотира ва Қадрлаш куни» ни умумхалқ байрамини ўтказишда қуйдагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

- “Хотира ва Қадрлаш куни” умумхалқ байрамини ўтказувчи махсус комиссия тузиш, тадбирлар ишлаб чиқиш;
- “Хотира – қалб чироғи”, “Инсон буюк зот, уни қадрлаш олий ҳикмат” каби мазуларда махсус дарслар, турли – туман кечалар, давра суҳбатлари, савол – жавоб, баҳслар ва тарбиявий соатлар ўтказиш;
- «Осмонимиз мусаффо, еримиз тинч бўлсин», “Юртимиз ҳусни жамолига кўз тегмасин”, “Тошкент – тинчлик шаҳри”, “Ўтганлар хотираси, тариклар фаровонлигидир”, “Хотира ва Қадрлаш - бурчимиз” каби мавзуларда шерхонлик танловини ўтказиш;
- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашув ўтказиш, уларнинг хонодонларига бориш, уларни табриклаш, уларга маънавий ва амалий ёрдам бериш;
- “Хотира ва Қадрлаш” кунига бағишлаб адабиётлар кўрғазмасини ташкил этиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, тадбирлар талабаларнинг билим кўникма ва малакаларга қараб ижодкорлик билан ўтказиш тавсия этилади.

“Хотира ва Қадрлаш куни”да нафақат икинчи жаҳон уруши қатнашчилари балки қатоғон йилларида ноҳақ айбланган, қамоқхоналарда ҳамда мустабид тузум давридаги афғон урушида ҳалок бўлганларни эслаш мақсадга мувофиқдир.

### *Хулоса.*

«Дарсдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари» ёшлар таълим-тарбиясини янада такомиллаштиришга, самарадорлигини оширишга ҳизмат қилади ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда аниқ йўналишларни белгилаб беради. У замон талаблари асосида ташкил этилади. Бу борада педагогик

ҳодимларнинг жавобгарлиги ҳам оширилади. Ушбу талаблар асосида гуруҳдан ва таълим муассасаларидан ташқари таълимнинг истиқбол, режаларини, тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин.

### ***Таянч иборалар.***

Дарсдан ташқари таълим, тарбия, унинг турлари, шакллари, иқтисодий тарбия, ҳуқуқий тарбия, эстетик тарбия, экологик тарбия, уларни режалаштириш, ўз – ўзини тарбиялаш мустақиллик, иқтидорли ёшлар тарбияси.

### ***Назорат учун саволлар.***

1. Дарсдан ташқари вақтдаги тарбиявий ишларга қўйиладиган талаблар.
2. Дарсдан ташқари вақтдаги тарбиявий ишларнинг қандай шакллари бор?
3. Тарбияланувчиларнинг ўз – ўзини бошқариши деганда нимани тушунасиз?
4. Дарсдан ташқари таълимнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни қандай?
5. Эстетик тарбияни ёшлар онгига сингдириш мақсадида қандай тadbирлар ташкил этиш лозим?
6. Ҳозирги кунда иқтидорли ёшларга қандай имкониятлар яратиб берилмоқда?
7. Иқтидорли ва истеъдодли ёшларимизни қандай жамғармалар ўз оталигига олишмоқда?
8. Талабанинг мустақил таълим олиши учун қандай чора – тadbирлар амалга оширилмоқда?
9. Дарсдан ташқари вақтдаги байрам тadbирларини қандай ўтказиш мақсадга мувофиқ?
10. Сизнингча таълим муассасаларида оммавий тadbирларни ташкил этишда нималарга эътибор бериш керак?
11. Сиз “Мустақиллик” байрамини қандай ўтказишни таклиф этасиз? . Ўқитувчилар ва мураббийлар” байрамини ташкил этишда талабаларни қандай активлаштириш керак?
12. “Хотира ва Қадрлаш куни”нинг тарбиявий аҳамияти нимада?

### ***Адабиётлар.***

1. Тарбиявий ишлар методикаси. П.И.Рувинский. – Т. 1991 й.
2. Тарбиявий ишлар методикасидаги кўрсатмалар. Баубекова З.Д. – Т. 1991 й.
3. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш (қўлланма) – Тошкент – 2000. Ж.Ғ.Йўлдошев.
- 4.Тарбия назарияси. Н. Хўжаев ва бошқалар. – Тошкент – 2003.
5. Болаларни тарбиялашда ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология. Абдуллаев. Д.И., Ишмухамедов Р.Ж. – Тошкент – 2002.
6. «Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Михенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004
7. Волжский А. Методика воспитательной работы с молодежью. – М. 2003.
8. Котов В. Воспитательная работа в школе: опёт и проблемў. – СПб: Сев.сияние 2003.

## ***УШ. Тарбиявий ишлар услубиёти” фанини ўқитишда янги педагогик технология усулларидадан фойдаланиш.***

### ***7.1. “Тарбиявий ишлар услубиёти” фанини ўқитишда янги педагогик технологияларнинг ўрни.***

Бугунги кунда жамиятимизда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимига интеграциялашуви, демократиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнларининг ривожланиши таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларга янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп марта такрорланиб, уларни ўқув муассасаларига олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Республикамизнинг таниқли олимлари илмий асосланган, минтақамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган педагогик технологияларни яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломоқда.

Шу ўринда савол туғилади. Педагогик технология атамасининг моҳияти нимада? «Технология» юнонча сўз бўлиб, «techne»-махорат, санъат, «logos»-тушунча, ўрганиш демакдир.

Бугунги кунда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан бири таълим жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда таълим олувчиларни ўқитишни жадаллаштириш саналади.

Республикамизда таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга доир кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Ушбу муаммонинг илмий-назарий асослари, ҳар бир педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқилиб, етарли даражада тажрибалар тўпланди. Таълим жараёнига педагогик ва ахборот технологияларни жорий этишда хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

«Педагогик технология» сўз бирикмаси асосида «технология», «технологик жараён» тушунчалари ётади. Ушбу тушунчалар орқали саноатда тайёр маҳсулотни олиш учун бажариладиган ишларнинг кетма-кетлиги ҳақидаги техник ҳужжат, таълимда эса фан бўйича услубий тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Бугунги кунда педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг хатти-ҳаракати орқали ўқитишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак.

Педагогик технология атамасига ҳар бир дидакт олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифлар ичида энг мақсадга мувофиқи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

*Педагогик технология* – таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнининг инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Шунингдек, технология деганда, субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган аниқ мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутаяди.

Юқорида келтирилган тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса ёки, бошқача айтганда педагог томонидан ўқитиш воситалари ёрдамида талабаларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият

махсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни деб таърифлаш мумкин.

«Педагогик технология»нинг таълимдаги амалийлик жиҳати ва ташкилий-услубий имкониятлардан фойдаланишга йўналтирилганлиги, унинг аниқ воситалар ёрдамида ҳаётга татбиқ этилиши жаҳон педагогларининг унга бўлган эътиборини кучайтирмоқда. Технологик йўналишга нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Баъзи педагоглар «педагогик технология» тушунчаси мазмунида таълимни дифференциаллаш воситасини кўраётган бўлсалар, бошқалар ундаги кам меҳнат сарфлаб юқори натижаларга эришиш имкониятлари ҳамда барча таълим олувчиларни олдиндан белгиланган билим, кўникма ва малакалар даражасига етказиш мумкинлиги билан қизиқмоқдалар. Айрим педагоглар таълимни «технология»лаштириш ёрдамида оммавий таълим амалиётида туб бурилиш ясалишига умид боғламоқдалар.

50-йилларнинг ўрталарида таълимда техник воситаларни қўллаш масаласи «педагогик технология» йўналиши билан қўшилиб кетди. Бунда асосий эътибор ўқувчилар аудиториясини кенгайтиришда техник воситалар имкониятларини ошириш, ахборот сиғими ҳамда уларни узатиш сифатлари, шунингдек, таълимни индивидуаллаштиришга қаратилди. Ушбу ёндошув ҳозирга қадар ҳам мавжуд бўлиб, у техник воситаларнинг имкониятларини таянч нуқта сифатида баҳолаб, асосий эътиборни ўқув жараёнини «технология»лаштиришнинг ташқи жиҳатларига қаратади.

60-йилларнинг бошларига келиб дастурлаштирилган таълимни ташкил этиш «технология» тушунчасининг асоси бўлиб қолди. Дастурлаштирилган таълимни амалга оширишда таълим жараёнига алоҳида қисм сифатида эмас, балки изчил жараён тарзида ёндошилади. Дастурлаштирилган таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган қўмита (АҚШ) тавсияларида яхлит таълим дастурининг «технологик» тушунчаси илгари сурилди. У ўз ичига таълим мақсади, уларни ўзгартириш ва баҳолашнинг мезонлари, таълим муҳитининг аниқ тавсифини қамраб олади. Бу эса ўргатиш мажмуасини тўлалигича қайта ташкил этиш тушунчасига мос келади.

Таълимни «технологик» йўналишда қуришнинг умумий мезони унинг аниқ ва батафсил белгиланган мақсадга йўналтирилганлигидадир. Бу ҳолатда хусусий мақсадларни амалга ошириш учун алоҳида қонуният, жараён, кетма-кетлик ва уларга мос амаллар мажмуининг мавжуд бўлиши асос сифатида олинади. «Педагогик технология»нинг воситавий йўналтирилганлиги унинг турли услублар асосида таълим тизимларини шакллантириш борасидаги имкониятларини белгилаб беради. Бунда таълимнинг ташкилий жиҳатлари, олдиндан, гўёки ташқаридан белгиланган мақсадларга эришиш усули сифатида қаралади. Мос равишда амалга оширилиши талаб этиладиган жараёнлар таҳлили ва уларни саралаш ўқув фаолияти мазмунини ҳисобга олмаган ҳолда олиб борилади. Педагогик технология доирасидагина аниқлаб олинadиган мақсадларнинг эмпирик таҳлили берилади. Таълим мақсадларининг ажратилган таҳлили технологик ишланмаларнинг дидактик жиҳатдан тўлақонлиги бўлмаган вазиятда эмпирик тавсиф асосида очиб берилади. Умумий дидактик мақсадларнинг техник редукцияси таҳлили педагогик технология дидактик имкониятлари таҳлилининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Таълим мақсадларининг таҳлилий баёнидан ташқари ҳар бир ўқув жараёни учун таълим услубларини танлашнинг шарти сифатида билим даражасини олдиндан ташҳислаш, уни муайян кўникма ва малакалари мавжуд бўлган тингловчилар билим даражаси билан таққослаш қабул қилинган. Таълим жараёнининг бориши ўқувчиларнинг белгиланган мақсад сари ҳаракатланишини узлуксиз назорат қилишни кўзда тутди. Узлуксиз назоратни ташкил қилиш таълим технологик тизими юқори воситали имкониятларининг асоси ҳисобланади.

2. Мустақил шахсни шакллантириш жараёни узоқ ва мураккаб бўлиб, бир томондан, барча давлат тузилмалари ҳамда ижтимоий ташкилотларнинг ва айниқса, таълим тизими мазмунининг такомиллаштирилишини, иккинчи томондан эса, бевосита ушбу масалани амалга оширишни таъминловчи ягона тарбия тизимини барпо этиш лозимлигини тақозо этади. Бу жараёнда кадрлар

тайёрлашнинг яқин кунлардаги ва истиқболдаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, эркин тафаккур қила оладиган шахсни, мустақиллик ва демократия ғояларига содиқ бўлган онгли фуқарони, ўз Ватанининг жонкуяри сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётга онгли иштирок этишга, ижтимоий жараёнга фаол таъсир кўрсатишга, мамлакат тақдири учун зиммасига масъулият ола билишга қодир шахсни камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

Иккинчидан, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, туб маънодаги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ишига демократия асосларини жорий этиш жараёнларини жадаллаштириш, тафаккур ва баҳслашиш маданиятини ривожлантириш, шахснинг ички дунёсини бойитиш, бинобарин, янгича ижтимоий қадриятлар ва муносабатларни шакллантиришдир. Бошқача айтганда, ёш авлодда янгича онг шаклланиши учун барча шарт-шароит яратилмоғи керак;

Учинчидан, ёш авлод миллий истиқлол ғоясини англаб олиши, бу ғоянинг ҳар бир фуқаро учун, Ватаннинг обод ва фаровон бўлиши учун ҳаётий зарурат эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини рўёбга чиқариш лозим.

### ***.7.2. Дарс жараёнида тренингларни ташкил қилиш ва унинг таркибий қисмлари.***

Тренингларни ўтказишда гуруҳлар билан ишлаш ва уларга раҳбарлик қилиш. Бугунги кунда педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир нечта ўқитиш услублари ишлаб чиқилган: муаммоли ўқитиш, иш фаолиятини ифодаловчи турли ролли ўйинлар, тренинглар, баҳс мунозараларни ташкил қилиш ва ҳоказолардир. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш жараёнида айниқса тренингларнинг ўрни беқиёсдир. Сабаби тренинг ўтказиш жараёнида талабанинг нутқи ўсади, тафаккури ривожланади, мулоқатга тез кириша оладиган бўлади. Шу сабабли тренинг вербал ва невербал кўринишда ташкил этиш мумкин.



Тренингни новербал (сўзсиз, мимика, пантомимика, қараш ва ҳақозолар) кўринишда ташкил қилган тарбиячи гапираётганида ҳар бир қатнашувчини кўз остида тутиши, ҳаммага бир хил эътибор бериши ва гуруҳдаги баъзи одамларга хайрихоҳ бўлиб қолмаслиги лозим. Хонада гуруҳнинг диққатини бузмасдан ҳаракат қилиши (тез-тез ва мақсадсиз юришлардан қочиши, шунингдек, гуруҳга ўзи кўринмайдиган жойдан туриб гапириши) керак бўлади. Қатнашувчиларнинг бош қимирлатиши, табассуми ва хатти-ҳаракатлари ниманидир айтмоқчи эканлигига, хоҳиши борлигига эътибор бериши керак бўлади.

Тренингни вербал кўринишда ташкил этилса, педагог саволларни шундай тузиши керакки, асосан қатнашувчилар гапирсин. Бунда тарбиячига очиқ саволлар ёрдам беради: “Сиз бу ҳақда нима дейсиз? ”, “Нимага?”, “Қандай...?”, “Агар...” ва ҳоказолар. Агар қатнашувчи “Ҳа”, “Йўқ” деб жавоб берса, “Нимага шундай гапиряпсиз?” деб сўраш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари бошқа қатнашувчилардан ҳам сўраш керак тасдиқланган фикрларга қўшиладими?

Педагог тренинг ўтказиш жараёнида ўз овозининг оҳангига эътибор ҳам эътибор бериши, секин ва аниқ гапириши керак бўлади. қатнашувчиларни кўпроқ гапиришга ундаш керак. Тарбиячи ўзининг ва қатнашувчиларнинг сўзга чиқиши вақтини ҳисоблаши лозим бўлади. Ҳамма саволларга фақат ўзи жавоб бермаслиги, қатнашувчилар бир-бирларининг саволларига жавоб бериши мумкинлигини унутмаслиги лозим. Баҳс натижаларини хулоса қилишда ҳар бир машғулот қатнашчисининг муҳокама қилинаётган муаммони моҳиятини тўғри тушунаётганини аниқлаб, кейин умумий хулоса чиқариш керак. Агар тарбиячининг шахсий тажрибаси мазкур баҳсга мос келса, қатнашувчилар фикрларини мустаҳкамла “Бу менга ўтган йилги воқеани эслатади” – дейиши мумкин.

Яхши тренинг ўтказишнинг бир нечта таркибий қисмлари мавжуд.

**Изюминка.** ( Болалар билан ишлашнинг ўзига хос ажойиб томо-ни.)  
Қатнашувчиларнинг тренинга қизиқишини уйғотиш учун қисқа баҳс бошланг,

саволлар беринг, провокацион таъкидлашларини илгари суринг еки қандайдир фаолият турини фараз қилинг. Ўқиш қатнашчиларининг аввалги билимлари ва уларнинг ҳаётий тажрибаларини боғлашга ҳаракат қилинг. Тренинг нима учун аҳамиятли эканлиги сабабларини тушунтиринг.

**Қатнашувчилар учун натижаларини таъкидлаш.** Қатнашувчиларга улардан нима кутилаётганлиги тушунтиринг. Қатнашувчилар учун натижалар қуйидаги саволга жавоб бериши керак: “Бу тренингдан кейин қатнашувчилар нималарни билишини ва қилишини хоҳламайман?”.

**Тренернинг хиссаси.** Тренинг учун керакли бошланғич маълумот ва етарли билимлар (матн, маъруза, хужжатлар, ўқиш) ва бирор фаолият турини ўтказиш учун Фан мазмунини намойиш қилинг.

**Интерфаол.** Бу – тренинг юраги. Интерфаол услубида фойдаланадиган иш тартибини қисқача баён қилинг. Интерфаол услуб – бу жамоавий муҳокама ташкил этиш, фикрларни эркин айтиш, муҳокама, таҳлил ва фаолиятни баҳолашдир. Умуман тренингдаги фаолиятнинг ушбу турида қатнашишнинг барча кадамларини чизиб чиқинг. Айниқса, гуруҳда ишлаш учун аниқ ва қисқа тушунтиришлар олиб боринг. Тушунтиришини текширинг ва тушунтиришлар беринг.

Тренингни тўлиқ яқунлашга вақт етиши учун унинг ҳар бир қисмини диққат билан ташкил қилинг. Тренингни ўтказиш саволлари бу ерда муҳим аҳамиятга эга (гуруҳни ўлчови, гуруҳга шахсий ердам, тушунишини текшириш). Айнан шу нарсалар тренингни ўтишига ердам беради. Тренер машқларни бажариш жараида қатнашувчиларни топшириқларни тўғри бажаришини кузатиб боради.

**Дебрифинг (хулоса) баҳолаш.** Қатнашувчилар ўзлари ёдлаган, ўрганган йўналишлари бўйича хулоса қиладилар, олинган маълумотлар ва малакаларни бошқа ҳолатларда, болалар билан ишлашда қўллашни муҳокама қиладилар.

Бу – тренингни баҳолаш қисмидир. «Қатнашувчилар нимани ўргандилар?”. Тренинг давомида ўрганганлари еки кўрсатганлари натижалар билан мос келишини текширинг.

## **“Муаммоли бола” тренингни ўтказиш технологияси.**

тренингни мақсади:

- Қатнашувчиларга муаммоли болалар билан ўзаро тил топишишнинг ҳамда улар билан бўладиган турли вазиятларда тўғри ечимни топишларга ердамлашиш.
- Муаммонинг моҳиятини аниқлашда малакани шакллантириш.
- Тирбиянинг баъзи усуллари билан таништириш, болалар ва ўсмирлар билан ишлашда ушбу услубларни тўғри танлашни ўргатиш.
- Муаммоли болаларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва етакчи тарбиячиларнинг ушбу муаммони ечишдаги хатти-ҳаракатларини тўғри аниқлашни ўргатиш.

### ***7.3. Тренинглارни ўтказишда гуруҳлар билан ишлаш ва уларга раҳбарлик қилиш.***

Энг аввало, таълимнинг гуруҳли шакли “таълим берувчи – таълим олувчи” диалогидан воз кечишни ва “таълим берувчи – гуруҳ – таълим олувчи” кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни назарда тутаяди. Ўқув гуруҳи, таркиби бўйича ҳаракатчан кичик гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар – бири ўзича ўқув материални ўзлаштиради. Тажриба шуни кўрсатадики, шу туфайли сиз билан таълим олувчилар ўртасида анча мустаҳкам контакт ўрнатилади, шахсий ва бир вақтнинг ўзида таълим жараёнида жамоавий руҳий ҳолат кучаяди.

Таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракти ташкиллашади, бу эса, ўқув – билиш жараёнини фаоллаштиришга, уларда эмпатияни, коммуникативликни шакллантиришга кўмаклашади:

-вазифани ҳамкорликда ўртоқлари томонидан билдирилган фикрларни муҳокама қилишга мотивация пайдо бўлади;

-таълим олувчилар бир- бирига саволлар берадилар, шунинг учун, улар саволларни аниқ шакллантиришни билишлари зарур, жавобларни-

аргументлаштиришни, тушунишга эришиш учун эса, улар бир бирларини диққат билан эшитишлари керак;

-гуруҳларда ишлаш пайтида, зарурати бўлганда, таълим олувчилар ёрдам беришларини сўрайдилар ва бошқаларга ёрдам беришни ўрганадилар.

Ҳар бир таълим олувчининг потенциал имкониятларини ривожланиши ва амалга оширилиши таъминлайди:

-қобилиятли ва иқтидорли болалар, уларни «мақтанганлик» ларида айблашларидан чўчимасдан ўз қобилиятларини кўрсатишлари мумкин. Улар, гуруҳда нафақат таълим берувчи ролида бўлишлари, балки таълим олувчи ролида ҳам бўлишлари мумкин ва таълим берувчи ролидаги ўз ўртоқлари томонидан баҳоланиши, рақиб бўлмасдан улардан ўрганиши мумкин;

-ўртача қобилиятга эга ёки характери бўйича кўрқоқ болалар ўз билимлари ва маҳоратларини намоён қилиш имкониятини оладилар.

Кичик гуруҳларда ишлаш, уларни стресс ҳолатлардан халос этади, яъни нотўғри жавоб берганда бутун жамоа олдида изза бўлишдан кўрқишдан ҳоли бўлади. Гуруҳ аъзолари, жавобни дўстона баҳолаб, уларда ўзига ишонч туйғусини уйғотиш имконини берадилар. 4 -5 кишидан иборат гуруҳда, кўрқоқ киши, 25 кишилик гуруҳ олдида ўзини тутишга нисбатан, ўзини анча эркин ҳис этади;

Таълимнинг ушбу шакли, таълим олувчилар билимини ўзаро ҳамкорликдаги бойишини таъминлайди: фақатгина кооперация ва ҳаракатлар (билиш) усуллари билан ўзаро алмашиш умумий маҳсулот олиш – муаммони ечиш имконини беради. Шунинг учун, гуруҳда таълим беришда, биз, жамоавий муҳокама қилишдан, ўзаро консультациялар беришда максимал фойдаланамиз.

Гуруҳларда ишлаш, атрофдагиларга бўлган муносабатни ўзгартиради, «мен ва улар»дан «биз»га ўтишни таъминлайди ва ўзини гуруҳнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилиш имконини беради.

4. Гуруҳларни шакллантириш тамойиллари. Авваломбор, «тамойил» тушунчаси нимани англатишини аниқлаб олайлик.

Гуруҳларни шакллантириш тамойиллари:

-бу, гуруҳларни шакллантириш бўйича ишларни ташкил қилишга бўлган асосий талаблар ифода қилинган, умумий, бирламчи қоидалардир.

Шу билан бирга, гуруҳларни шакллантириш тамойиллари:

-бу тайёр рецепт ва универсал қоида эмаски, унга риоя қилган ҳолда юқори натижаларга эришишга умид қилсак. Уларни амалда бажариш қуйидаги хусусий омиллар билан белгиланади:

- бизнинг ва таълим олувчиларнинг мотивацияси билан: нафақат бизнинг ўзимиз, балки ҳар бир таълим олувчи ҳам, ушбу таълим шаклини моҳиятини тушуниб етиши жуда муҳимдир;

- билимлар ва тажрибалар билан;

- бизнинг педагогик маҳоратимиз билан.

Шундай қилиб, таълим олувчилар гуруҳларини шакллантиришда, қандай тамойиллардан фойдаланамиз?

1. Таълим олувчиларни гуруҳларга ажратиш пайтида ўқитиш мақсадларини, натижаларини ва усулларини ҳисобга олиш.

Таълим шаклини танлашни белгиловчи асосий омил, таълим мақсадлари ҳисобланишини биз аниқлаб бўлдик.

Ушбу таърифланишдан кўриниб турибдики, таълим мақсадлари деганда, нафақат мақсадларнинг ўзи, балки натижалар ҳам тушинилади. Шунинг учун, биз, гуруҳли билиш фаолиятини амалга ошириш учун гуруҳларни шакллантираемиз, яъни:

- биз кўйган таълим мақсадларидан (ўқитувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи, мотивацион) келиб чиққан ҳолда (2 – жадвалга қаранг);

- таълим технологиялари лойиҳасига киритилган таълим усулини эътиборга олган ҳолда (3 – жадвалга қаранг);

Бунда, таълим олувчиларни гуруҳларга бирлаштиришни, биз қуйидаги белгиларга қараб амалга оширдик:

\*биринчидан, тасодифий белги бўйича:

-бунинг учун, таълим олувчиларга 1 дан 5 гача кетма – кет санашларини илтимос қиламиз, кейин эса, «биринчиларни»

«иккинчиларни», «учинчиларни», ва ҳ. к. кичик гуруҳларга бирлаштирамиз;

-ёки таълим олувчиларни, аудиторияда жойлашганликларига қараб, ихтиёрий гуруҳларга бирлаштиришимиз мумкин.

• иккинчидан, уларни ўқишда эришган ютуқлари даражасини белгилаш асосида:

-бараварлаштириш гуруҳи;

-қўллаб – қуватлаш гуруҳи;

-ривожлантириш гуруҳи (Гузеев В. В., 1996).

2. Гуруҳнинг сон таркибини аниқлаш пайтида пайтида вазифанинг ҳарактерини ҳисобга олиш.

• кичик вазифаларни бажариш учун гуруҳнинг мақбўл таркиби

3-5 киши (машқлар, ўқув турнири, китоб билан ишлаш ва бошқалар).

• кўп меҳнат талаб қиладиган (чет тиллар бўйича машғулотларда) мураккаб вазифалар учун кўп сонли гуруҳ тузиш зарур;

• бир – бирини тушунишни талаб қиладиган (чет тиллар бўйича дарсларда) машқлар учун жуфтликларда ишлаш яхши.

3. Гуруҳларни фаолият кўрсатишда вақт омилини ҳисобга олиш. Ҳар бир гуруҳ, унга юклатилган вазифани бажариш учун ажратилган вақт қанча бўлса, шунча вақт фаолият кўрсатади. Албатта, бир нечта ўқув машғулотли пайтида ишлашни талаб қиладиган муаммоли тадқиқотни бажариш вазифаси қўйилган бўлса, унда ушбу гуруҳ бир нечта дарсда фаолият кўрсатади.

Вақт тугаши билан, гуруҳ ҳисобот беради ва ўз фаолиятини тугалайди.

#### ***7.4. Гуруҳ таркибини алмашувчан ҳарактерини ҳисобга олиш.***

Гуруҳлар доимий таркибда фаолият кўрсатса, гуруҳда ишлаш мазмунини бузилишига олиб келиши мумкин. Жамоа учун максимал самара билан гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўқиш имкониятлари амалга ошиши мақсадида, гуруҳда ишлаш, барча таълим олувчиларни фаоллигини, мутаносиб ривожланишини таъминлаши зарур.

Талабаларнинг дарсга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида дарс жараёнида турли мавзуларда баҳс – мунозараларнинг ўтказилиб туриши мақсадга мувофиқдир. Заро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирларига тезлик билан қўниқишлари учун баъзида болалар гуруҳлари баҳслар ташкил тилиб турилса мақсадга мувофиқ бўлди. Чунки бундай баҳслар талабаларни ўз фикрларни чархлаб олишга, ҳаётга ва турли муаммоларга бўлган муносабатини аниқлаб олишга катта ердан берди. Баҳс мавзуларни талабаларнинг ўзлари айтиб беришлари мумкин. Бу мавзулар талабаларнинг баҳсга чорловчи, муаммоли, қизиқарли бўлиши керак, бўлмасам, баҳс давомида ўз фикрларни баён эта олмайдилар ёки баҳсга қўшилиб ўз фикрларни исботлар ҳимоя қила олмайдилар. Баҳслар талабаларни баъзи янглиш фикрларга қарши курашишга ўргатади, атрофдаги бўлаётган воқеаларга тушунган ҳолда қараб уларни тўғри шарҳлашга, ўз позициясида туришга ноўрин фикрларга ўз вақтида қаршилиқ кўрсатишга ҳамда ҳар бир фикрни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб олишга, шу билан бир қаторда ўртоқлари билан суҳбат қилиш, баҳслашиш, ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш, таъсир эта олиш маданиятига ўргатади. Баҳсларни самарали ўтиши, албатта, уларнинг олдиндан қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Биз қуйидаги баҳсларга тайёргарлик кўришнинг баъзи бир босқичларини ажратиб кўрсатмоқчимиз:

1. Баҳс мавзусини танлаш ва уни таслиқлаб олиш.
2. Тарбиявий вазифаларни аниқлаб олиш.
3. Олдиндан баҳс мавзусини эълон қилиш ва баҳс давомида муҳокама қилинадиган саволларни белгилаб қўйиш.
4. Талабаларни баҳс давомида муҳокама қиладиган саволларни тўлароқ ёритишга ёрдан берадиган қўшимча материалларни тўплаш.
5. Баҳсни ўтказиш учун масъул ва бошловчиларни тайинлаш.
6. Баҳс ўтказиладиган жойни жиҳозлаш.

Баҳс қатнашчилари баҳсни ўтказиш ва унда ўзини тутиш тўғрисидаги қоидалар билан олдиндан ёки баҳс давомида танишиб олишлари керак. Улар қуйидагилар:

1. Баҳслашишдан олдин, аввал нима демоқчилигининг яхшилаб ўйлаб ол.
2. Гапираётганингда фикрларинг аниқ, содда, мантқан ва кетма-кетлик баён қил.

3. Фақат сени хаяжонга солаётган, ишончинг комил бўлган фикрларни баён этишга ҳаракат қил, ўзинг билмаган, ўзинг ишонмаган фикрлар билан баҳслашма.

4. Кимнингдир фикрига қўшилмасанг, сен уни фикрини масҳараламай, унинг устидан кулмай, хатосини айтмай ҳақгўйлик билан баҳслаш.

5. Сен гапиргунигча айтилган фикрларни қайтарма, янги фикр бўлсагина ўша фикрингни баён эт.

6. Баҳслашув давомида қўлларингни ҳар томонга ўйнатма, овозингни баландлатма, бақриб гапирма, агар бошқаларни ўз фикрингга ишонтирмоқчи бўлсанг, уларни сенинг фикрингга қўшилишларини истасанг, унда сен ўз фикрларнинг исботига, албатта, аниқ далиллар, мисоллар келтир.

7. Сен билан баҳшлашаётган суҳбатдошингни ҳурмат қил, уни хафа қилмасликка, унинг шахсига тегадиган гапларни, қилиқларни қилмасликка ҳаракат қил, агар сен шундай қилсанг сен ўзингни фақат баҳслашувда кучли эканлигингни кўрсатибгина қолмай, балки баҳслашув борасида қандай маданиятга эга эканлигингни ҳам кўрсата олган бўласан.

Юқорида кўрсатилган қонунлар чиройли қилиб безатилган ҳолда узоқдан кўринадиган килиб ёзилиб баҳс ўтказиладиган жойларга илиб қўйилади.

Баҳсда муҳокама қилинадиган саволлар, муаммолар ўтирганларни хаяжонлантирадиган, куюнтирадиган, замонавий ёшларни ва болаларнинг тарзига тегишли бўлгани мақул. Шунда, дарсда ва бошқа жойларда гапиришдан кўрққан, уялган болалар мана шундай баҳслар давомида бемалол ўз фикрларини баён эта олашлари мумкин.

Ўтказиладиган баҳс мавзуларини тузишга талабаларнинг ўзлари еки ешлар ҳаётидаги муаммолар еки турли ешлар ҳақидаги асарлар, газета ва журналлардаги мақолалар ердам бериши мумкин. Биз қуйидаги баҳслар учун баъзибир мавзуларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

1. Ҳозирги замон комил инсон деб кимни айтса бўлади?
2. Маъданиятли инсон деб кимни айтса бўлади?
3. Сен қандай яшаяпсан? Ҳаётинг қизиқарлими?
4. Ҳақиқий дўст қандай бўлиши керак?
5. Менинг характерим шундай...
6. Бепарво қайердан келиб чиқади?
7. Мода ва мен.
8. Бепул нарсанинг баҳоси қанча? Ва бошқалар.

Баҳсларни ўтказиш учун талабалардан битта еки иккита баҳс бошқарувчиси белгиланади, улар баҳсни муҳокама қилишлари керак бўлган



мавзу ҳақида кириш сўзи билан бошлайдилар. Баҳс давомида эса бошқарувчилар баҳслашувчилар, сўзга чиқувчиларнинг билдираётган фикрларини диққат билан эшитиб фикрлар тўқнашувини ўз ичида ечиб борадилар ҳамда умумий хулоса қилишга ҳаракат қилишадилар. Баҳсни олиб борувчиларни танлаш ва тайерлашда тарбиячи ва етакчиларнинг хизмати катта. Баҳсни талабалардан танланган бошқарувчилар олиб борса да, лекин етакчи ва тарбиячилар баҳс давомида уларга ердан беришга тайер туришлари керак, чунки баҳс давомида турли вазиятлар қийинчиликлар тухилиши мумкин.

Баҳсларни самарали ўтиши танланган мавзунини муҳокамаси олдиндан саволларни тайерланишига боҳлиқдир.

Баъзибир баҳслар учун тахминий саволлар:

### **МАДАНИЯТЛИ ИНСОН ДЕБ КИМНИ АЙТСА БЎЛАДИ?**

1. Инсон маданияти нимани ташкил этади?
2. Маданиятли инсонга тегишли қуйидаги фазилатлардан қайси бирини биринчи ўринга чиқади (хушмуомалалик, топқирлик, маълумотлик, воизлик)
3. Барча маълумотли одамларни маданиятли деб айтса бўлади?
4. Инсоннинг сўзлашуви уларнинг нутқига қараб уларнинг маданияти эканликларини аниқласа бўладими?
5. Маданиятли бўлиш учун нималар қилиш керак?
6. Кимларни маданиятли деса бўлади?
7. Сен ўзингни маданиятли ҳисоблайсанми?

### **МЕНИНГ ҲАРАКТЕРИМ ШУНДАЙ.**

1. Ҳарактер ва ҳарактерсиз – нима дейилади?
2. Нима учун ҳарактерни тарбиялаш керак?
3. Ҳарактерни тузатса бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак?
4. Инсон ҳарактерига у яшаётган, ўқийётган жамоанинг таъсири бўлиши мумкинми?
5. «Яхши» ва «Емон» ҳарактер. Сен қандай тушунасан.

### **БЕПУЛ НАРСАНИ БАҲОСИ ҚАНЧА?**

1. “Бепул нарса”, сен бу иборани қандай тушунасан?
2. Сен учун бепул нарсани баҳоси борми? Бор бўлса қандай мисол келтир.
3. Бепул нарсани асраш-авайлаш керакми? Сабаби?
4. Нима кўпроқ бепул ҳисобланади. «Меники» еки «Бизники»?

5. Сен ором олаётган оромгоҳ ўз баҳосига егами? Сизнинг фикрингизча у қанча туради, бу ерда сен ишлатаётган нарсалар бассейн, спортивентарь, кутубхона, тўгараклар, ўйинлар ўз қиматига егами, сенинг путовканг нархи етарлими?

6. Агар ҳамма сен учун қийналаётган бепул нарсалар ўз қиматига эга бўлса, сен уларни қандай асраган бўлардинг?

### ***7.5. Социометрия услуби билан гуруҳли ўрганиш.***

1. Умумий маълумотлар. Исми шарифи ва отасининг исми. Мутахассислиги. Ёши, соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги. Оилавий шароити: ота-оналари кимлар, соғлиғи ва жисмоний ривожланганлиги. Оилавий шароити: ота-оналари кимлар, уларнинг маънавий ривожланганлиги, ижтимоий мавқеи, моддий жихатдан таъминланганлиги, уй шароитининг ўқишга қулайлиги ва етарлилиги, ота-оналарининг талабага муносабати (эътиборли, меҳрибон, дўстона, қаттиққўл ва х.к.), талабанинг уй юмушларига ёрдам бериши.

2. Ўқишга бўлган муносабати. Дарсларда ўзини тутиши уй вазифаларини бажариши. Ўқитувчи ва тарбиячиларга муносабати. «Ўқишга қизиқиши. Севган фанлари. Ўқитиш мотивлари. Фанлар бўйича ўзлаштириши.

3. Ақлий ривожланиш даражаси. Кузатувчанлиги ватопқирлиги. Ўқув материални тез тушиниши. Ўзлаштиришининг мустахкамлиги. Материални эслаб қолиш хусусияти ва усуллари.

Диққатининг хусусиятлари: тўпланиши, барқарорлиги, кўчиши, тақсимланиши ва х.к, уларнинг машғулотлар давомида юзага чиқиши.

Тафаккурининг хусусиятлари; мустақил фикрлаши, мавҳкм тафаккурининг ривожланганлиги, материални умумлаштира олиши, хулоса чиқариши ва х.к.

Нутки, нутқининг тушунарлилиги, сўз бойлиги, маданиятлилиги, илмий атамаларни билиши.

4. Ҳарактери. Маъсулиятлилиги, ўз ишига виждонан муносабатда бўлиши. Тўғри сўзлиги. Камтаринлиги, оддийлиги, ўзига ишониши, ўзига танқидий қарай олиши. Дилкашлиги ёки камгаплиги, ҳамдардлиги ёки тошбағирлиги. Ўжарлиги, талабчанлиги.

Дўстлик хиссининг ривожланганлиги. Ўзини тута билиши. Жасурлиги, қатъийлиги, журъатлилиги. Ўз мақсади учун кураша олиши.

Тасирга берилувчанлиги. Ўзининг ютуқлари ва камчиликларига муносабати.

5. Темпераменти ва хиссиёти. Темпераментининг тури: сангвинник, холерик, флегматик, меланхолик. Хиссиётининг кучи ва турғунлиги. Хурсандчилик ва хафачиликни бошдан кечириши. Хушчақчақлиги, янгиликка муносабати, янги шароитга, янги одамларга мослашиши. Устунроқ (доимий)кайфияти: кувноқ, ғамгин, рухи тушган, бефарқлик ва х.к. Кайфиятининг ўзгариш динамикаси ва тезлиги.

6. Қизиқишлари ва қобилиятлари. Энг ёрқин кучли қизиқишлари. Қизиқишлари турғунлиги ва давомийлиги, чуқурлиги, кенглиги. Ўқиш ва касб билан боғлиқ қизиқишлари. Ўқув предметлари бўйича қизиқишлари ва қобилиятлари. Махсус қобилиятлиларнинг мавжудлиги (саънатга, техникага, ижодиётга...). Бўш вақтларида шуғулланидан меҳнат тури. Меҳнат малакаларининг ривожланганлиги (ишнинг кўзини билиш).

7.Жамоада ўзини тутиши. Ўз жамоасига муносабати. Жамоадаги мавқеи (тутган, ўрни, авторитети, обрўси, таъсири ва х.к). Жамоанинг фикрига муносабати. Жамоанинг шон-шухрати ва обрўси учун курашадими? Ўзини жамоага қарама-қарши қўядими? Кимлар билан дўст? Дўстлигининг мотивлари. Инсоннинг қайси хусусиятларини кадрлайди? Идеали борми? Жамоат ишлари ва топшириқларига муносабати. Интизоми, ўзини тутиши: хушмуомала, қўпол, кўп гапли, индамас, бетга чопар, тортинчоқ...

8. Онги. Дунёқараши, динга, жамиятга, сиёсатга, миллий масалаларга, иқтисодий масалаларга ва бошқаларга муносабати. Иши ва сўзининг бирлиги. Жамиятдаги фаоллиги. Хаётда нимага эришиш учун интилади?

9. Хулосалар, таклифлар ва тафсиялар. Ривожлантириши лозим бўлган ижобий хусусиятлар. Баргараф қилиниши лозим бўлган салбий хусусиятлар. Индивидуал ёндошиш учун нималарга эътибор берилиши лозим (ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан)? Қандай ёрдамга мухтож? Ўзингиз қандай тадбир ва ёрдам уюштирдигиз?

Демак,тарбиявий ишлар услубиётини фанини ўқитишда таълим технологиялари муҳим восита сифатида аҳамият касб этиб, тарбиячи ва тарбияланувчиларни ўзига хос характер ва хусусиятларини атрофлича ўрганишда,мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни баргараф этишда муҳим омил сифатида хизматқилади.

### ***Назорат учун саволлар.***

1. Янги педагогик технологияларнинг ҳозирги кундаги амалий аҳамияти қандай?
2. “Педагогик технология” атамасининг моҳияти нимада?
3. Ноанъанавий таълим жараёнининг афзалликлари ва камчиликлари нимада?

4. Дарс жараёнида тренинглари ташкил қилишнинг қандай афзалликлари мавжуд?
5. Тренинглари ташкил этишда нималарга эътибор бериш керак?
6. Таълимнинг гуруҳли шакли қандай педагогик мақсадларни амалга ошириш имконини беради?
7. Таълим оловчилари гуруҳларга қай тарзда ажратиш керак?
8. Дарсни баҳс – мунозара кўринишида ташкил этишда қандай мавзуларни танлаш мақсадга мувофиққатга олиш керак?

### *Адабиётлар.*

1. Тарбиявий ишлар методикаси. П.И.Рувинский. – Т. 1991 й.
2. Тарбиявий ишлар методикасидаги кўрсатмалар. Баубекова З.Д. – Т. 1991 й.
3. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш (қўлланма) – Тошкент – 2000. Ж.Ғ.Йўлдошев.
4. Тарбия назарияси. Н. Хўжаев ва бошқалар. – Тошкент – 2003.
  5. Болаларни тарбиялашда ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология. Абдуллаев. Д.И., Ишмухамедов Р.Ж. – Тошкент – 2002.
  6. «Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Михенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004
  7. Волжский А. Методика воспитательной работы с молодежью. – М. 2003.
  8. Котов В. Воспитательная работа в школе: опёт и проблемў. – СПб: Сев.сияние 2003.
  9. e – mail: sales @ piter. ru
  10. e – mail: piter – t @ lincom. kharko. ua
  11. e – mail: root @ top – book. nsk. su.

## **ҮН БОБ. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ЮЗАСИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР**

### **8.1. Ўқув-тарбиявий ишларини амалга оширишнинг ташкилий шакллари ва ўтказиш методикаси.**

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш ишлари яқка тартибда олиб борилган.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Фаробийнинг “Фан ва ақл заковат” асарида ўқув фанларини гуруҳларига бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Синф-дарс тизимини дидактик талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг хизматлари катта, унинг синф-дарс тизиминининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган. Шарқ мутафаккирларидан Ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, А.Авлоний, Ҳ.Ҳ.Ниёзий синф-дарс тизимда ўқитишнинг аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтишган. Бу тарихий жараёнда “педагогика” фани олдида турган муаммолардан бири таълимнинг ташкилий шакллари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий назарий, услубий ва амалий муаммоларни ҳал этувчи тадқиқотлар олиб борилаёпти. Бу борада мустақил мамлакатимизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишда таълим тизимига янги педагогик технологиялар татбиқ этиш билан боғлиқ ишлар қилинмоқда.

“Тарбиявий ишлар услубиёти” фанини ўрганишда машғулотлар ўтказишнинг маъруза, амалий машғулотлар, семинар, муаммоли масалаларни ҳал этиш, мунозара. Курс ишини бажариш, касбий амалиёт, малкавий битирув ишини бажариш каби ташкилий шакллари мавжуд.

“Тарбиявий ишлар услубиёти” фани ўрганиш жараёнида талабалар амалиёт даврида тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказишни, дарс ўтишда

техник воситаларнинг педагогик-психологик имкониятларидан фойдаланишни, машғулотлар ўтказишда техник воситаларни ишлатиш учун керакли бўлган инфор­мацион материалларни тайёрлашни, дастурлаштирилган назорат қурилмаларига тест саволларини тузишни, талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолашни билиб оладилар.

Таълим мақсадларини амалга ошириш бўйича таълим олувчилар билан таълим берувчилар ўртасида бўладиган мураккаб жараёнда таълим усули муҳим вазифани бажаради. Усул – изланиш, билиш йўли, таълимот маъносини билдиради. Таълим усули - ўқитишда белгиланган мақсадга эришиш учун таълим олувчи билан таълим берувчининг ўзаро боғлиқ фаолиятини мужассамлаштириш усулидир.

Дарс ўтиш шакллари­дан бири – *фаол ўқитиш усули*. Фаол ўқитиш усули таълим олувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш жараёнида фикрлаш ва билиш фаолиятларини ривожлантиради. Фаол ўқитиш усулидан қуйидагича фойдаланилади:

- ўқитувчи қайта сўзлаб бериш ҳамда эса сақлаш учун тайёр ўқув материални намоён этмайди;

- ўқув материални шундай баён қиладики, ўқувчилар фаол билиш ва амалий ишлар жараёнида мустақил билим ва малакаларни эгаллайдилар.

Фаол ўқитиш усулининг хусусияти шундаки, унинг асосида амалда фикрлаш фаолиятига интилиш ётади. Бу усулдан билимларни дастлабки ўзлаштиришда, мустаҳкамлашда, кўникма ва малакаларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Фаол ўқитиш усуллари­дан суҳбат ва мунозара усуллари­нинг ўқитиш методикасини кўриб чиқамиз

*Суҳбат, баҳс* – ўқитиш ва ўқишнинг диалогик, савол-жавоб усули. Бу усулнинг асосий мақсади – мотивация қилиш, яъни аниқ мақсадни кўзда тутадиган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида ўқувчиларни ўз билимларини берилган мавзу бўйича эсга олиш ва баён этишга, ўқитувчи раҳбарлигида бошқа ўқувчилар билан муҳокама қилишга ундайди. Суҳбатнинг афзаллиги яна шундан иборатки, у фикр юритишни юқори даражада

фаоллаштиради. Белгиланган мақсад бўйича суҳбатлар қуйидагиларга бўлинади:

- кириш ёки ташкил қилувчи (дидактик вазифаси : ўқувчиларни машулотда ишлашга тайёрлаш);
- янги билимлардан хабардор қилиш (дидактик вазифаси : ўқувчиларни янги материал билан таништириш);
- таҳлилловчи ёки мустаҳкамловчи (дидактик вазифаси : таълим олувчилар томонидан билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш, эслаб қолиш ва англаш).

Ташкилий шакли бўйича суҳбат ўқув ва давра суҳбатига бўлинади. Суҳбат эркин вазиятда олиб борилади. Саволларни аниқ ифода этиш ва бериш жуда муҳимдир. Саволлар ўзаро мантикий боғлиқ бўлиши, билимни тартибли равишда ўзлаштиришга имкон беришлари лозим.

Суҳбат олиб бориш методикаси қуйидаги технологик ҳаритада кўрсатилган.

### Суҳбат, баҳсининг технологик ҳаритаси

Иш босқичи ва мазмуни	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
Тайёрлов	Суҳбат мавзуси, мақсади, вазифаси ва натижасини аниқлайди; кўргазма қуролларни танлайди; ташкил қилиш ва олиб боришни пухта ўйлаб чиқади; савол бериш тартиби. Қайси асосий ҳолатлар бўйича умумлаштириш, хулоса қилиш кераклигини аниқлайди.	
Босқич Суҳбатга кириш	Қисқача маълумот тарзида ўқув суҳбатининг мавзусини, вазифасини эълон қилади, ушбу мавзу бўйича эгаллаган билим ва маҳорат ҳақида эслатади.	
Босқич Суҳбат	Суҳбат давомида ўқувчиларнинг алоҳида мулоҳазаларини умумлаштиради, қўйилган вазифаларга мос равишда уларни тўлдиради. Барча ўқувчиларни	Саволларни диққат билан тинглайдилар, жавобларни ўйлайдилар, ўртоқларининг

	сухбатда фаол қатнашишларига эришишга ҳаракат қилади. Тўғри жавобларни маъқуллайди, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаганларни шарҳлайди, аниқлайди. Нотўғри жавоб берган ўқувчига ўз хатосини ўзи топишни таклиф этади. У ўз хатосини топа олмаганлигига ўртоқларини ёрдамга чақиради.	жавобларини таҳлил қиладилар, ўз мулоҳазаларини айтадилар.
Босқич Хулоса	Усуллардан бирини танлаб, сухбат натижасини умумлаштиради: - ўзи якун ясайди; - фаоллиги билан ажралган ўқувчидан сухбат натижаларини умумлаштириш ва маълумот беришни сўрайди.	
Босқич Якун яшаш, Таҳлил қилиш Баҳолаш	Якун ясайди: ўқувчилар томонидан амалга оширилган фаолиятни таҳлил қилади ва баҳолайди	Ўз-ўзини баҳолашни амалга оширишлари мумкин.

Бу усулда ўқитувчи савол-жавоб техникасини эгаллаши зарур, яъни:

- ҳар бир саволни барча ўқув гуруҳига бериш, ўйлаш учун бироз вақт ўтгандан кейингина ўқувчиларни жавоб бериш учун чақириш;
- саволга жойидан туриб бақариб жавоб берган ўқувчиларни рағбатлантирмаслик;
- бўш ўқувчилардан кўпроқ сўраш, бошқаларга жавобларни тўлдириш имконини бериш;
- жуда узун ёки қўш саволлар қўймаслик;
- агар ўқувчиларнинг биронтаси ҳам саволга жавоб бера олмаса, саволни қайта тузиб, уни бўлақларга бўлиш, йўналтирувчи саволлар бериш.

*Мунозара* – фаол таълим усули бўлиб, муҳокама, маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади. Мунозара вақтида талабалар ўзларига ишонган ҳолда саволларини муҳокама қилишади. Мунозара бир ёки бир неча гуруҳ билан ўтказилиши мумкин. Мунозара усули кўплаб функцияларни бажаради. Ушбу усулдан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади.:

- янги билимларни шакллантириш;
- ўқувчиларда саволларни туб маъносига етишга мотивацияни таъминлаш;



- ўқувчиларга далил ва далилга асосланган хулоса орасидаги фарқни тушуниб етишни ўргатиш;

- коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларга ўз фикрида мустақкам туриш ва уни ҳимоя қилишга ёрдам бериш.

Мунозарани ўтказиш талаблари ва қоидалари талабаларга олдиндан айтилиб, қуйидаги тартибда олиб борилади: 1) мавзу танлаб олинади; 2) мавзуга оид режа тузилади; 3) мавзунинг қисқача мазмуни берилади; 4) мавзуга оид мунозарани ўтказишдан кўзланган мақсад белгиланади; 5) фойдаланиш учун адабиётлар ва ўқитишнинг техник воситалари тайёрланади; 6) ҳаётдаги, ўқув-тарбиявий жараёнлардаги ижобий ишла бўйича материаллар тайёрланади; 7) мавзуга оид қўшимча саволлар ишлаб чиқилади.

Мунозара мавзусини талабалар ўзлари танлаб олишади. Мунозара иштирокчилари ўз фикрларини баён қилганда бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиб, шахсий қарашлари тўғри ёки нотўғрилигини исбот қилиб беришади. Мунозарада ҳамма иштирокчилар мавзуга оид ўз фикрларини айтиши шарт. Машғулот охирида мунозара педагог томонидан таҳлил қилинади ва талабалар баҳоланиб, ҳисоботи тўлдирилади.

### **Мунозара**

**Фан:** “Тарбиявий ишлар услубиёти”

**Мавзу :** “Баркамол авлодни тарбиялашда миллий кадриятлар ва меросимиздан фойдаланишнинг шакл ва усуллари”.

**Мунозара мақсади :** талабаларда миллий урф-одатлар ва анъаналарга бўлган ҳурмат ва муносабатларни уйғотиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш малакаларини шакллантириш, келажакда баркамол ҳар томонлама шаклланган инсонни тарбиялаш.

**Дарсинг тури :** амалий .Ажратилган вақт – 2 соат.

**Дарсинг ўтиш жойи** – фанлар бўйича назарий хона.

Дарсни жиҳозлаш – деворий газета, мавзуга оид шиорлар, керакли адабиётлар, кинофильмлар, магнитофон, хоналарни эстетик жиҳатдан таъминлаш учун керакли материаллар.

**Машғулотнинг асосий масалалари:**

1. Миллий анъаналар деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай ўзбек урф-одатларини биласиз?
3. Ўзингиз яшаб турган туман ёки вилоятдаги урф-одатлар ҳақида гапириб беринг
4. Анъана нима?.

### Мунозарани тайёрлаш ва ўтказиш услуги:

1. Мунозарада ҳамма талаба ҳамда таклиф қилинган мутахассислар иштирок этади.

2. Ҳамма иштирокчи мунозара тайёрлашда маълум бир вазият ва топшириқни бажаради. Бажариладиган ишлар ҳамкорликда тузилади.

3. Мавзуга алоқадор адабиётлар ўқиб, мазмунини хулосалаб беради.

4. Ҳаётий мисол ва ҳодисалардан мисол ва унинг хулосасини айтади.

5. Шу мавзу бўйича яна қўшимча саволлар ўртага ташланади.

Ўқитувчи адабиётлар рўйхатини беради. Охирида хулосалайди.

Мунозарага марказдан вакил, кафедра ўқитувчилари ҳамда хоҳловчилар таклиф қилинади.

**Уйга топшириқ :** ўзингиз яшаб турган жойдаги урф-одатлар ва анъаналарни ўтказиш, миллий кадриятларга бўлган ҳурмат, эътиборлик ҳақида реферат ёзиш.

**Мавзуга таянч иборалар:** мунозара, урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар, миллий кадриятлар.

Диспут (Мунозара) ҳисоботи

Гуруҳ \_\_\_\_\_

Мунозара бошланиш вақти \_\_\_\_\_

Мунозара тугаган вақти \_\_\_\_\_

Мунозарада қатнашганлар жадвал кўринишида тўлдирилади.

#### 10 жадвал

Қатнашувчилар (лавозими)	Исми-шарифи	Ўзлаштириш даражаси натижалари (мунозарадан аввал)	Мунозара тугагандан кейинги натижалар
1	2	3	4

#### 11 жадвал

### МУНОЗАРА НАТИЖАЛАРИ.

Мос келган материаллар тўғрисидаги фикрлар	
Қандай фикрлар қабул қилинди	
Қабул қиланган масалаларни муҳокама қилиш	

Хулоса (қатнашувчиларнинг фикри инobatга олинсин).

Кафедра мудири \_\_\_\_\_

Кафедра мудири муовини \_\_\_\_\_

Ўқитувчи \_\_\_\_\_

Қатнашувчилар имзоси \_\_\_\_\_

## 8.2. ГУРУҲ МАЖЛИСИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ

Гуруҳ мажлиси ўқув муассасаларида маънавий-маърифий, тарбивий ишларнинг муҳим шаклларида бири бўлиб, гуруҳда ўтказиладиган тадбирларни режалаштириш, ўқувчи-талабаларинингфанлардан ўзлаштириш, тартиб-интизоми, ахлоқ-одоби, бир-бирига ўзаро ёрдами, кийиниши, шунингдек, гуруҳда рўй берган бошқа фавкулотда ҳодисалар муҳокамаси каби масалаларга бағишлаб ўтказилади.

Гуруҳ мажлиси доимо гуруҳ раҳбари томонидан ўтказилса, ўқувчилар оддий тингловчи бўлиб қоладилар ва бундай гуруҳ мажлисининг тарбиявий аҳамияти камроқ бўлади. Гуруҳ мажлисида талаба-ўқувчиларнинг фаоллиги таъминланиши лозим. Шундагина талабалар маънавиятида сезиларли ўзгаришларни кузатса бўлади.

Гуруҳ мажлисини яхши ўтказиш учун унга яхши тайёргарлик кўриш лозим. Гуруҳ раҳбарининг мажлисни тайёрлашда ва уни ўтказишда доир ишлари:

- гуруҳ фаолларини йиғилишга тайёрлаши: мажлис мавзуси, мақсади, кўриладиган масалаларни белгилаш ва сўзга чиқувчиларни аниқлаб уларга ёрдам кўрсатиш;

- таҳрир ҳайати ва гуруҳ сардорларининг биргаликдаги тайёргарлик ишлари мазмунини белгилашга ёрдам бериш, улар тўплаган далилларни қайта ишлаш, мажлиснинг ташкилий томонларини аниқлаб, уларга маслаҳатлар бериш;

- гуруҳ хонасини мажлисга тайёрлаш;

- мажлис қарори лойиҳасини тайёрлашга кўмак бериш;

Мажлисни гуруҳ сардори очади. Мажлис раиси ва котибини сайланади. Мажлисда аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳақида ахборот берилади. Раис томонидан муҳокама қилинадиган масалалар эълон қилинади ва мажлис иш тартиби белгилаб олинади. Маъруза ва ахборотларни тинглаб

муҳокама қилинади. Мажлис қарори чиқарилади. Гуруҳ раҳбарининг яқунловчи сўзи.

Гуруҳ мажлиси баёнини котиб ёзиб боради. Мажлис баёни намунаси қуйидагича юритилади.

### **ГУРУҲ МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИНИНГ НАМУНАСИ**

**ТДИУ қошидаги академик лицей 13 гуруҳ талабаларининг йиғилиши**

**Мажлис баёни № 2**

2006 йил 12 октябрь

Тошкент шаҳри

Раис:

А.Бобоев

Котиб:

З.Жураев

Қатнашди : 25 талаба. Рўйхати илова қилинади.

**Кўрилган масалалар:**

1. Гуруҳ талабаларининг кийиниш маданияти ҳақида. (маърузачилар : Д.Комилова, А.Бобоев).

2. Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланган бадиий-адабий кеча уюштириш. (маърузачи : Р.Маҳкамов).

**Эшитилди:**

1. Биринчи масала бўйича маърузанинг қисқача баёни берилади.

**Сўзга чиқдилар:** К.Каримова, Н.Алимардонова . Мазмунининг баёни ёзилади.

**Қарор қилинди:** Қарор баёни ёзилади.

2. Иккинчи масала юзасидан ахборотнинг мазмуни баён қилинади.

**Сўзга чиқдилар:** Л.Ахмедова. Мазмуни баён қилинади.

**Қарор қилинди:** қабул қилинган қарор баёни ёзилади.

Раис :

А.Бобоев

Котиб:

З.Жураев

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС**

**ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
МАРКАЗИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ИНСТИТУТИ**

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ**

**ГУРУҲ РАҲБАРИНИНГ**

**Ж У Р Н А Л И**

-----  
-----

Вилоят, шаҳар, туман, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежининг номи

-----  
гуруҳнинг йўналиши, коди

-----  
гуруҳ

-----  
гуруҳ раҳбари

### **8.3. Умумий қоидалар.**

Ўқув жараёнида гуруҳ раҳбари эътибор бериши зарур бўлган жиҳатлар.

- таълим жараёнида рейтинг тизимини қўллашни таъминлаш;
- ўқувчилар билими сифатини ва объектив баҳоланганлигини назорат қилиш, турли хил синовларни ташкил этиш;
- ўқувчиларни дарсларда мунтазам қатнашишини таъминлашф;
- ўқув машғулотлари жадвалига риоя қилишларини таъминлаш;
- паст ўзлаштирувчи ўқувчилар учун қўшимча дарслар, ҳамда улар билан якка тартибда ишлашни ташкил қилиш;
- таълим муассасасида ташкил этиладиган фан ҳафталикларига, тадбирларга гуруҳ ўқувчиларини фаол иштирокини таъминлаш;
- ўқувчиларни кутубхона ва ўқув зали хизматларидан фойдаланишга ўргатиш ва назорат қилиш;
- ҳар бир дарсда ўқувчилар билимини баҳоланишини назоратга олиш;
- барча фанлардан якуний балларни рейтинг дафтарчаларига, гуруҳ журнаliga ҳамда гуруҳ раҳбари журналларига ўз вақтида айд қилинишини таъминлаш;
- ҳар бир семестр якунида гуруҳ ота-оналар йиғилишини чақириш;

- таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларга яқка тартибда ёндашган ҳолда уларнинг ёш хусусиятларини, қизиқиш ва мойилликларини инобатга олган ҳолда фан тўғаракларида тўла иштироқини таъминлаш;
- гуруҳ ўқувчиларини дарсликлардан фойдаланиш, уларни эҳтиёт қилиш, ўқув қуролларини тўлиқ бўлишини ҳамда самарали фойдаланишга ўргатиш;
- ётоқхонада яшовчи ўқувчиларни дарсларда тайёргарлик кўришларини назорат қилиш;
- ўқувчиларни зқув устахоналаридаги фаолияти ва машғулотларини назорат қилиш, уларнинг қобилиятларини, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

### **Гуруҳ журналининг юритиш бўйича тавсиялар**

- гуруҳ ҳақида маълумотлар тўлиқ ёзилади;
- ўқувчилар рўйхати ва маълумотлар алифбо тартибида тўлиқ ёзилади;
- таълим муассасаси билан ота-оналар ва ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорлик шартномаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва таълим муассасаларининг ички қонун қоидаларидан келиб чиқиб тузилади ҳамда имзоланади;
- ўқувчи ҳақида батафсил маълумотлар ўқув йилининг бошида тўлдирилади ва йил давомида ўзгартиришлар киритилади;
- қолдирилган дарс соатлари ҳар куни назорат қилиниб, якуний ҳисобот семестр якунида ёзиб борилади;
- гуруҳ раҳбари ўқувчилар томонидан дарс қолдириш сабабини билиши зарур;
  - кундалик ўзлаштириш назоратқилиб борилади, семестр якунида фанлар бўйича якуний баллар ёзиб қўйилади;
  - ҳар бир семестр давомида ўқувчининг хулқ-атвори, йўл қўйган камчиликлари ҳамда ютуқлари “Ўқувчи ҳақида умумий маълумотлар”да қайд қилиб борилади;
  - гуруҳ журналининг юридик ҳужжат бўлиб уч йилга мўлжалланган;
  - таълим муассасасининг тугатган ўқувчиларнинг гуруҳ журналининг ўқув бўлимига топширилади;
  - ўқув йили давомида ўқувчининг таълим муассасасидан кетиб қолиш сабаблари ёзиб борилади;
  - гуруҳ раҳбарлари ишини назорат қилиш маънавий-маърифий тарбиявий ишлар бўйича директор муовинига юклатилади.

### **Гуруҳ раҳбарининг бурчи**

- гуруҳ раҳбари ўқувчиларни ўз фарзандидек кўрмоғи, уларга Ватанни севишга, дўстларига садоқатли ва таълим муассасаси ҳаётида фаолиққа, ўз касбининг моҳир мутахассиси бўлишга ўргатиши зарур;

- гуруҳ ўқувчисини ҳар томонлама ўрганиш ва уни ўз жамоасига содиқ этиб тарбиялаш;
- гуруҳ ўқувчиларининг фанлар бўйича ўзлаштиришини назорат қилиш ва паст ўзлаштириш сабабаини аниқлаш ҳамда бартараф етишга ёрдам бериш;
- ўқув жараёнида барча фанлар бўйича тўлиқ ўзлаштиришга гуруҳ ўқувчиларини диққатини жалб этиш;
- ўқувчиларни ўз касбига содиқ мутахассис, таълим муассасаси мулкани эъозлаш ва асраш, дўстларига нисбатан меҳр оқибатли бўлишга ўргатиш;
- ўқувчилар онгини ўстириш, мафкуравий дунёқарашини шакллантириш мақсадида маънавий-маърифий, тарбиявий соатлар ўтказиш;
- таълим муассасаси ички қонун-қоидаларини ва ритуалларини ўргатиш;
- ўқувчиларда келажакка, ўзига ва ўртоқларига ишонч, ўз қадрини билиш, меҳнат қувончи, қийин вазиятларда бир-бирига ёрдам кўрсатиш каби хислатларни тарбиялаш;
- маданий ҳордиҳни ташкил этиш;
- фан тўғаракларига, жисмоний тарбия секцияларига жалб этиш ва иштирокни назорат қилиш;
- ўқувчининг тартиб-интизоми ва ўзлаштириши ҳақида ота-онасига маълумот ётказиш;
- талабалар уйи ва ижарада яшовчи талабалар шароитини ўрганиш ва ёрдам бериш;
- ўқувчиларни таълим муассасасини, шаҳарни ободонлаштириш ишларига тўлиқ қатнашишини таъминлаш;
- оммавий байрамларга ўқувчилар иштирокини таъминлаш.

### **Гуруҳ раҳбарининг ҳуқуқлари**

Гуруҳ раҳбари этиб энг малакали ва намунали ўқитувчилар ўқитиш жараёнининг барча даврида тайёинланади. Гуруҳ раҳбари гуруҳ ўқувчиларининг ёши, қизиқиши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мунтазам қатъий жадвал асосида маънавий-маърифий ва тарбиявий машғулотларни ўтказиши лозим.

Ўз гуруҳининг назарий ва амалий дарслар таҳлилида иштирок этади, ўқиш жараёнида ўқувчининг ўқиши ва тарбияси ҳақида суҳбат учун ота-онасини чақиртиради.

Гуруҳ мажлисида ўқувчини одоблантириш, хайфсан эълон қилиш, зарур бўлганда директор ва директор ўринбосарларига ёзма ёки оғзаки ахборот бериш мумкин. Таълим муассасаси директорининг руҳсати билан саёҳатлар ва учрашувлар ташкил этиш умкин.

### **8.4. Гуруҳ тўғрисида маълумот**

1 курс

Гуруҳнинг номи ёки тартиб рақами \_\_\_\_\_

Мутахассислиги ёки йўналиши \_\_\_\_\_

Ўқувчилар сони \_\_\_\_\_

Шундан қизлар \_\_\_\_\_ уғиллар \_\_\_\_\_  
 Ётоқхонада яшовчилар \_\_\_\_\_  
 Уйдан қатнаб ўқиганлар \_\_\_\_\_  
 Ижарада яшовчилар \_\_\_\_\_  
 Тугаракларга қатнашувчилар сони \_\_\_\_\_  
 Гуруҳдаги иқтидорли ўқувчилар сони \_\_\_\_\_  
 Паст ўзлаштирувчи ўқувчилар сони \_\_\_\_\_  
 Оилавий шароити оғир уқувчилар сони \_\_\_\_\_  
 Боқувчи йўқотган ўқувчилар сони \_\_\_\_\_  
 Ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчилар сони \_\_\_\_\_  
 Гуруҳ сардори \_\_\_\_\_  
 Камолот ёшлар ташкилотининг етакчиси \_\_\_\_\_  
 Касаба уюшмаси сардори \_\_\_\_\_  
 Гуруҳ раҳбари \_\_\_\_\_

### ГУРУҲ ЎҚУВЧИЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

	Фамилияси, исми, шарифи	Тўғилган кун, ой ва йил	Тўғилган жойи

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Паспорт серияси ва рақам	Ота-онасининг яшаш жойи, телефон	Ўқувчининг яшаш жойи, телефон	Изоҳ

### ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ



№	Фамилияси, исми. Шарифи	Қайси фанидан

### ЖАМОАТЧИ ТАЛАБАЛАР

№	Фамилияси , исми, шарифи	Жамоат ишининг номи

### ОИЛАВИЙ ШАРОИТИ ОВИР ТАЛАБАЛАР


### ПАСТ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ТАЛАБАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

	Фамилияси, исми, шарифи	Қайси фанлардан

### БОҚУВЧИСИНИ ЁҚОТГАН ТАЛАБАЛАР

№	Фамилияси, исми, шарифи	Боқувчисидан кимни ёқотган	Ҳозир кимнинг қарамоғига


**ГУРУХ ТАЛАБАЛАРИНИНГ СОҒЛИГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

<b>№</b>	<b>Фамилияси, исми</b>	<b>Соғлиги ҳақида хулоса</b>

**ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ҚОЛДИРИЛГАН ДАРС СОАТЛАРИ**

<b>№</b>	<b>Фамилияси, исми</b>	<b>Жами соат</b>	<b>Сабабли</b>	<b>Сабасиз</b>	<b>Изоҳ</b>

Гуруҳ раҳбарининг 2006-2007 ўқув йили \_\_\_\_\_ семестрда ўқувчилар билан олиб борган ишлари ҳақида ҳисоботи

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Гуруҳ раҳбари \_\_\_\_\_

Директор \_\_\_\_\_

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ТУГАТГАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ**

## ИШГА ЁКИ ЎҚИШГА КИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

	Фамилияси, исми, шарифи	Ўқиш ёки иш жойининг номи, ким бўлиб ишлайди

### *Адабиётлар:*

1. Маҳкамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқат маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. Т., 2005.
2. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. Т.:ТДПУ.-2005.-149 б.
- 3.«Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Ми хенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004
4. Волжский А. Методика воспитательной работў с молодежьё. – М. 2003.
5. Котов В. Воспитательная работа в школе: опўт и проблемў. – СПб: Сев.сияние 2003.
6. Тарбиявий ишлар методикаси. П.И.Рувинский. – Т. 1991 й.  
Компьютерлаштиришни ривожлантириш буйича Вазирлар Маҳкамаси мувоффиқлаштирувчи Кенгашининг сайти.
- 9 . [www.talant.spb.ruFwald.html](http://www.talant.spb.ruFwald.html)
10. [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru).
11. [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru).

## IX БОБ. МАЪНАВИЯТ ДАРСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН

### УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР .

#### 9.1.«ЧЕКМАСДАН ЎЗИНГНИ ТИЙ, ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР»

##### *дастури асосида*

Республикамизда тажриба-синов тариқасида «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» тарбиявий дастури амалга татбиқ этила бошланди.

Ушбу тадбирнинг ташаббускори - «Ўзбекистан Бритиш — Америка Тобакко» кўшма корхонаси ҳисобланади. Халқ таълими вазирлиги мазкур тадбирни кўллаб-қувватлаб умумий таълим мактабларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўқувчиларнинг зарарли одатларга чалиниб қолишининг, бинобарин, улар ўртасида тамаки чекшннинг олдини олиш мақсадида юқоридаги кўшма корхона билан ҳамкорлик шартномаси тузди.

Ҳамкорлик асосида «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» тарбиявий дастур лойиҳаси яратилди.

Дастур лойиҳаси муаллифлари — педагогика фанлари доктори, проф, Д.Ж. Шарипова ва психология фанлари доктори, проф. В.А. Токарева.

Дастур ташкилотчилари ва иштирокчилари — Халқ таълими вазирлиги, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси, Республика «Оила» илмий-амалий Маркази ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси.

Халқ таълими вазирлиги ушбу мақсадлар учун тажриба базаси, лойиҳанинг методик асосини белгилаб бериб, ўқувчи-ёшлар билан бевосита машғулот олиб борадиган ўқитувчиларнинг махсус тайёрланишини ташкил этди.

Лойиҳани амалга татбиқ этиш бошланар экан, унинг қатнашчилари ўз оддиларига ҳар бир усмир-ешга ҳаётнинг барча қирралари қизиқарли эканлигини, бунинг учун саломатлик ва ижодий бойлик лозимлиги туғрисидаги асосий тушунчани етказишни бош тамойил қилиб кўйган. Ўқувчилар томонидан турли муаммоли ҳолатларда, жумладан чекиш ёки чекмаслик ҳақида ўз зиммасига жавобгарлик масъулиятини олиш, кадр-қимматини ҳамда муомала маданияти, дўстларни танлаш, низоли вазиятларни тўғри ҳал этиш, бой миллий анъаналаримизни сақлаш масалалари бош вазифа этиб белгиланди.

Дастурнинг мақсади — ўқувчиларнинг ижтимоий салоҳияти юксалишида мустақил фикр ва қарор қабул қилишларига муаммоли бўлган вазиятларда, шу жумладан тамаки чекишга қарши масъулиятли бир қарорга келишларига ёрдам бериш. Дастур ўқувчиларда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишда ва турли вазиятларда мустақил равишда масъулиятли бир қарорга келиш лозимлиги ва шахснинг фаоллик қобилиятини шакллантиришга қаратилган.

Дастурнинг моҳияти — шахс турилмади, шахс шаклланади.

Дастур — умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун тарбиявий машғулот ўтказиш ҳамда синф раҳбарлари учун андоза сифатида ишлаб чиқилган.

Дастурнинг амалиётга татбиқ этилишининг асосий хусусиятлари:

- дастурнинг босқичма-босқич амалга оширилиши;
- дастур бўйича умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг мазкур дастур муаллифлари томонидан қисқа, махсус тайёргарлик машғулотларидан «тренинг»лардан ўтказилиши;
- дастур ички имкониятларининг кенглиги, ҳаётийлиги, ривожланиб такомиллашиб бориши;
- дастурнинг халқаро андозаларига мос келиши, чет эл тажрибасидан унумли фойдаланганлиги;
- дастурда ҳамкорликнинг етакчилиги алоҳида ўрин тутиши, «Оила-Мактаб-Маҳалла-Жамоатчилик»;
- дастур бўйича — ўқитувчилар ва ўқувчилар учун зарур бўлган кўргазмалар қуроллар билан таъминланиши;
- мактабларда ўтаётган тажриба-синов жараёнининг мониторинги мавжудлиги;
- дастур моддий асосга эга.

Тарбиявий дастур босқичма-босқич тажриба синов тариқасида амалга оширилмоқда.

Тарбиявий дастурнинг «Лойиҳа-Тажриба-Синов-Таҳлил-Натижа» системаси шаклида амалга оширилиши, унинг ҳаётийлигини ва давомийлигини, мактабларда олиб бориладиган тарбия жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши учун замин булади.

Нима учун чекадиган болалар ўз дўстларининг ҳам чекишларини хоҳлайдилар?

Кўзланган мақад: чекишнинг инсон аъзоларига таъсири ҳақидаги билимлар билан таништириб, зарарли одатларга, жумладан, чекишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш, бу зарарли одатга қарши курашиш истагини уйғотиш, ўқувчиларга, нега ошна-оғайнилари уларни ҳам чекишга ундашга уринаётганларини тушуниб олишларида ёрдам бериш.

Машғулотни, ҳозирги кунда биз тез-тез дуч келаётган ва бизнинг орамизда ҳам учраб турган инсон аъзоларига ҳалокатли таъсир ўтказаяётган зарарли одатлар ва улардан фориг бўлиш хусусида бошлаган маъқул. Гап чекиш ҳақида боради. Кўпинча нималар бунга сабаб бўлади? Нега айрим ўқувчилар чекишни бошлайдилар? (Жавобларни тинглаб, тахтага ёзиб бориш керак).

Кўриб турганингиздек, чекишга ўрганишнинг асосий сабабчилари:

- қизиқувчанлик,
- олдин номаълум бўлган ҳиссиётга берилиш,
- катталарга тақлид қилиш,
- «ўз», «мен»ини кўрсатиш иштиёқи,
- умумий истак чекиш асосига қурилган даврага кириб олишга бўлган интилиш,
- дўстлар ва бошқалар томонидан ўтказилган тазйиқ Қизларнинг жавобларида акс этган куйидаги ҳолатлар алоҳида кўрсатилиши лозим:
  - ўзга жинс вакили диққатини ўзига жалб этишга интилиш,
  - анча каттароқ ва тажрибалироқ кўриниш учун,

— чет эл фильмларидаги қахрамон аёлларга тақлид қилиш (қўлда сигарета ёки бокал тўла майни тутиб тургандек «жумбоқли манзара»).

Европаликлар тамаки билан Колумб денгизчилари Америка қитъасидан келтирилган барглар шарофати билан танишишга муяссар бўлганларини бир эслаб кўрайлик. Чекишни бошлаган одамларнинг аксарият кўпчилиги ўлим хавфи рўбару бўлганда ҳам, хох у реал ҳаётда ёки шартли равишда бўлсин — кашандалик туфайли ўз ширин жонлари, умрларига зомин бўлсаларда, кашандаликдан воз кечолмаганлар. Бунинг ажабланидиган жойи йуқ негаки, тамакининг асосий таркибий қисми бўлган никотин аъзоларида тезда унга бўлган кўникиш ҳиссини пайдо қилиб, оқибатда енгиб бўлмас эҳтиёжни юзага келтиради. Чекишни ташлаш учун инсон жуда катта ирода ва матонатга эга бўлиши лозим. Шунинг учун, ўз саломатлигининг қадрига етган одам, сигаретага кул бўлиб қолмаслиги учун, яхшиси, чекишни бошламагани минг карра яхшироқ.

Чекишни бошламаслик ёки уни ташлаш учун сўғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаш керак, ҳар бир инсон, одамларни чекишга нима мажбур қилади ва нималар унинг муқобили бўла олади, каби масалаларни яхши тушуниб олмоғи зарур.

Ўқувчиларда, ихтиёрий равишда чекишга қарши кураш ҳиссини шакллантириш мақсадида уларга қуйидаги тестни таклиф этган маъқул. Ундан чекишга бўлган ҳар турли ҳавас, қизиқувчанлик омилларини англаб олиш мумкин. Тест билан ишлаш учун унга йўриқнома ҳам илова этилади; «Сиз қуйидаги таклиф этилган саволга жавоб беришингиз керак: «Сизнингча одамлар нега чекишади?» Таклиф этилаётган тестнинг имконий жавоблари варианти алифбонинг А дан Т гача булган бош ҳарфлари билан белгиланган. Ҳар бир вариант учун сиз маъқул топган қуйидаги жавобларнинг бирини ёзасиз, ҳар замонда «5», кўпинча «4», дуч келиб қолганда «3», камдан кам «2», «ҳеч қачон» - «1». Вақтни иқтисод қилиш мақсадида ўз жавобларингизни тегишли ҳарф рўпарасига сўз билан эмас, тегишли рақамлар билан ёзинг. Масалан, агар сиз «А» - 2. Барчаси тушунарлими? Демак, ўйланг ва саволларга жавоб беринг:

**Сизнинг назарингизда одамлар нега чекишади?**

- А. Қиёфани сақлаб туриш учун.
- Б. Қулда сигарета тутиб туриш одамга хузур бағишлайди.
- В, Одам сигарета билан ўз заифлигини енгиши осонлиги ва хумордан чиқишни ҳис қилганидан ўзини шодон сезади.
- Г. Одамлар нимадандир аччиқлансалар, чекишга ўтадилар.
- Д. Ёнида сигаретаси йўқ, одам, ўзини қўярга жой топа олмай қолади.
- Е. Сабаблари ҳақида ўйлаб ўтирмай, автоматик равишда чекаверишади.
- Ж. Фикрни бир жойга жамлаш, чалғимаслик учун ҳам чекишади.
- З. Сигаретани ёндириб олиш жараёнининг ўзи одамга завқ бағишлайди.
- И. Шунчаки, тамаки ҳидини ёқтираман.
- К. Ҳаяжонланган кезларда чекишни бошлайдилар.
- Л. Одам чекмаса, худди бир нарса етишмагандек туюлаверади.

М. Одамда шундай туйғу мавжудки, у бир дона сигарета чекайпман деб хаёл қилади; биттаси кулдонда ёниб тугамасдан, беихтиёр янгисини бошлайди.

Н. Чекаётган одам, ўзини бардам бўлиб бораётгандек ҳис этади.

О. Сигаретадан чиқаётган тутун одамга хузур бағишлайди.

П. Кўпинча, кайфият яхши бўлган чоғларда чекилади, улар тинч ва осойишталикни таъминлайди.

Р. Зериккан, ҳеч нарсани ўйлашни истамаётган пайтда чекишади.

С. Одам маълум вақт чекмай юрса, беихтиёр уни бошлаш истаги туғилиб қолади.

Т. Шундай ҳам бўладики ёқилган сигаретани оғизда ушлаб туриб, автоматик равишда яна бошқасини беихтиёр чека бошлаганини сезмай қолади.

Тестнинг ушбу қисми устидаги ишларни бажариб бўлган ўқувчиларга иккала гуруҳдаги одамнинг чекиш ҳиссини уйғотадиган омиллар бўйича жавобларнинг балларини ҳисоблаб чиқиш таклиф этилади:

I гуруҳ омиллар.

1. А Ж Н – рағбатлантириш омили.

2. Б З Р - чекиш жараёнининг ўзидан хузур қилиш омили.

3. В И П - заифлик, хузур қилиш, кўтаринкилик

II гуруҳ омиллар.

4. Г К Р - ҳаяжонни енгиш, бардамлик ҳис этиш.

5. Д Л С - назорат қилиб бўлмайдиган даражадаги чекиш истаги, руҳий қарамлик.

6. Е К Р - одат.

Баллар ҳисоблаб чиқилганда 3 дан 15 гача турланиши мумкин. Агар натижа II балл ва ундан юқори бўлса, бу ҳолда одамнинг чекишга қарам бўлиб қолгани унчалик юқори эмас.

Олинган натижаларнинг изоҳи:

Агар биринчи гуруҳ омиллар бўйича сиздаги баллар йиғиндиси юқори бўлса, унда сиз одамлардаги чекишга бўлган иштиёқ физиологикдан кўра, кўпроқ руҳий ҳарактер касб этишини тўғри тушунар экансиз. Бу вазиятда одамнинг чекишни ташлаши, бирмунча қийинроқ. Энг яхшиси, ҳеч қачон чекишни бошламаслик.

Агар баллар йиғиндиси иккинчи гуруҳдаги омиллар бўйича юқори бўлса, демак одамларнинг чекишдан воз кечишларига бир қатор мураккаб муаммолар мавжудлиги халақит беришини билдиради. Улар ўзларини қўлга олиб, катта ирода кучига эга бўлишлари, ўзларининг зарарли одатларидан қутулишлари учун ўзларини енгиб ўтишларига тўғри келади, Яхшиси, бу зарарли одатга кўникмаган маъқул, балки, унинг инсонда пайдо бўлаётганидан огоҳ бўлиб туриш керак. Бу эса, чекишни ташлашга аҳд қилган ва ўз соғлиги ҳақида қайрурмоқчи бўлган одамларни кўпгина қийинчиликлардан фориғ қилади. Ҳамиша шуни ёдда тутингки, чекишни бошлаш осон, аммо кейинчалик ундан қутулиш йўллари жуда қийин.

Бутун машғулот давомида ўқитувчи мазкур мавзу бўйича чекувчи ўқувчиларга тўғридан-тўғри таъсир ўтказишдан ихтиёрий равишда ўзини тутиб туриши лозим: ҳамиша шуни унутмаслик керакки, бу ёшда «пешонасига уриш»

кутилган тарбиявий самарани бермайди, яхшиси, ўсмир шахсига оддийгина, билвосита таъсир кўрсатиш усуллари кўллаган фойдалироқ. Шунинг учун, ўқитувчи чекадиган, ўқувчиларга ҳаммининг диққатини жалб этмай, машғулот охирида бутун синфга куйидаги таклиф билан мурожаат қилиши мумкин. Шубҳасиз ҳар бирингининг чекишни ташлашга қарор қилган, аммо ҳозирча буни амалга оширишга қийналиб турган танишларингиз, ўртоқларингиз ёки дўстларингиз бор. Уларга ушбу яхши ниятларни амалга оширишларида кўмаклашинг, уларга куйидаги эсдаликни таклиф этинг.

### **Чекишни ташламоқчи бўлганларга ёрдам**

Тамакининг зарарли эканлигини ҳамма ҳам билади. Шунга қарамай, кўпчилик ушбу қабих одатни енгиб ўтувчи кучни ўзида топа олмайди. Таклиф этилаётган машқлар чекувчининг руҳиятини йиғиб олишга, унда тамакига нисбатан жирканиш ҳиссиётини туғдиришга қаратилган.

- Менинг барча мушакларим ёқимли равишда бушашган...
- Бутун аъзои баданимда ёқимли илиқлик сезаяпман...
- Осойишталик ва дам олиш ҳиссиётим менга ёқмоқда...
- Кундан-кунга мен янада хотиржам ва дадилроқман...
- Мен ўзимга, ўз қудратимга ва имкониятларимга ишонаман...
- Мен ўз иродамни кундан-кунга ўстириб ва чиниқтириб бормоқдаман...
- Мен ёмон одатларимдан қутулишим мумкинлигига ишонаман...
- Мен астойдилман,..
- Чекишга бўлган эҳтиёжни бошқа сезмаяпман...
- Мен сигаретни чекмай бемалол юра оламан...
- Мен чекишга бефарқ қарайман...
- Тамаки керак булмай қолмоқда...
- Мен доимо тинч, тетикман, ишончим комилдир...
- Мен ёмон одатдан халос бўлмоқдаман...
- Чекишга бўлган нафратим кундан-кунга ошиб бор-моқда...
- Чекишда тоқатим йўқолиб бормоқда...
- Мен чекишни ташлайман...
- Оғиз бўшлиғидаги ва кўкрак қафасимдаги ҳиссиёт менга ёқади...
- Нафас олишим енгил ва эркин, чекишга эҳтиёжим йўқ.
- Чекиш мен учун жирканч...
- Зарарли одат устидан қилган ғалабам ҳиссиёти менга ёқади...
- Чекмасам мен ўзимни яхши ҳис қилмоқдаман,..
- Мен жуда ҳам хотиржамман.,.

### **АНКЕТА (сўров варақаси)**

1. Сиз ўзингизнинг (ўқишга) бўлган муносабатингизни қандай баҳолайсиз?

Ўқиш — бутун ҳаётимнинг мазмунидир.

Ўқ,ишдан кўнглим тўлмаяпти.

Ижодий равишда, қизиқиш билан ўқияпман.

Ўқишга нисбатан бефарқман. .



Қизиқишсиз, аммо виждонан ўқийман.

Жавоб беришга қийналаман.

2. Қизиқишларингиз ва машғулотларингиз доираси қанақа?

Музыка тинглашни яхши кўраман.

Музыка асбобларини чаламан.

Спорт билан шуғулланаман.

Китоблар ўқийман.

Бадиий ҳаваскорлик билан шуғулланаман.

Қизиқишимга дойр тўғаракларга қатнашаман.

Техникага қизиқаман.

Кинога боришни ёқтираман.

Театр, концертларга бориб тураман.

Музей, кўргазмаларга бориб тураман.

Дўстларим билан кўчада сайр қиламан.

Ресторан, қаҳвахона, барларда бўлишни ёқтираман.

Филателия, нумизматика (марка тўплаш ва тангалар йиғиш) билан шуғулланаман.

Бошқа қизиқиш ва машғулотлар.

Амалда ҳеч бир қизиқадиган нарсам йўқ.

3. Турар жойингизда дам олиш учун қандай шароитлар мавжуд?

Спорт клублари ва спорт тўғараклари.

Турли техникага оид тўғараклар.

Ёшлар дастаси ташкил этилган.

Тез-тез қизиқарли учрашувлар ўтказиб турилади.

Дискотека-дискотеклуб ташкил этилган.

ЖЭК (турар жойдан фойдаланиш идораси) қошида болалар клуби бор.

Амалда ҳеч қандай шароит яратилмаган.

Бошқалар.

4. Эслаб кўришга ҳаракат қилинг: қайси ёшингизда илк бор алкоғолли ичимликларни татиб кўрган эдингиз?

7 ёшимгача бўлган вақтда. 15 ёшда. 7—8 ёшимда. 16 ёшда. 9—10 ёшимда. 11—12 ёшимда. Татиб кўрмаганман. 13—14 ёшда.

5. Ким билан, қайси шароитда Сиз илк бор спиртли ичимлик ичгансиз?

Уйда, ота-онам билан, байрамларда. Уйда, ота-онамсиз, байрамларда. Дўстларимникидаги тантанада. Мактаб, техникумдаги тантаналарда. Кўчада, йўлакда, ертўлада, боғда ва ҳк. Дўстим, дугонаминг туғилган кунида. Ёшлар қаҳвахонаси, барда. Қачон ва яна ким билан?

Ҳеч ким билан ичмаганман.

6. Одатда, ичишга бўлган майл қандай бўлади?

Менда унақа одат йўқ.

Рад қилишга уяламан.

Кўрқоқ бўлиб куринишдан чучийман.

Сархушлик ҳолатини ёқтираман.

Катта бўлишни хоҳлайман.

"Дадиллик" учун ичаман.

Шароб ичиш маросими, байрамона вазият ўзига жалб этади.

Утакетган ҳасис деган ном чиқаришни истамайман.

Ҳаммага ўхшашни истайман.

Шунчаки, давранинг хурмати учун ичаман.

Бошқалар.

7. Спиртли ичимлик ичганингиздан сўнг (эртасига) ахволингиз қаннақа бўлади?

Бош оғриғи,

Кўнгил айнаши.

Иштаҳанинг йўклиги.

Кучли ташналик.

Қувватсизлик.

"Бош оғриғи" қилиб олиш истаги.

Ҳароблик ҳисси.

Асабийлашиш.

Таҳқирли ҳолат.

Тезда толиқиш

Ҳеч қаннақа асоратлари йўқ.

Кайфиятим тетик, ишчанлигим ҳам яхши.

Бошқалар.

8. Ўзингиз ичкиликбозлар ва майхўрликка қандай муносабатдасиз ?

Тушунмаган ва ғижинган ҳолда.

Афсус билан муносабатда бўламан.

Чидаса бўладиган.

Бефарқ.

Ҳайронлик билан.

Кулиб қарайман.

Бошқалар.

9. Эслашга уриниб кўринг:

Алкоголли ичимликларнинг зарари ҳақида биринчи бор кимдан эшитгансиз?

Ота-онамдан.

Яқинларимдан (тоғам, холам, бувим, бувам ва б.)

Муаллимлардан.

Дустларим(тенгқурлар)дан.

Шифокорлардан.

Суд, прокуратура, милиция ходимларидан.

Радио, телевидение кўрсатувлари орқали.

Газета ва журналлардаги мақолалардан.

Яна қаердан?

10. Спиртли ичимликлар ичиш ҳақида ўзингиз қандай фикрдасиз?

Яхшиси, умуман ичмаган маъқул.

Меъёрини билган ҳолда, "маданий" ичиш лозим.

Мунтазам ичиб туришнинг безарарлигига ишонаман.

Бошқалар.

11. Ёшлар орасидаги ичкиликбозлик сабабларини нималарда кўрасиз?

Спиртли ичимликларнинг арзонлигида.

Алкоголнинг зарари ҳақидаги билимларнинг етишмаслигида.

Катталарнинг салбий намунасида.

Қизиқишларнинг етишмаслиги, ўз ўрнини топа билмасликда.

Биринчи галдаги майхўрликнинг жазосиз қолганида.

Ёшлар учун дам олиш жойларининг етишмаслигида.

Пиво ва шаробнинг кенг реклама қилинишида.

Уйдаги ихтилофли вазиятда.

Дўстлар таъсирида.

Ичкиликбозлик анъана ва урф-одатларнинг туркунлиги.

Ирода кучининг етишмаслиги, таклиф этилган майни рад қила билмаслик.

Негаки, спиртли ичимликлар бемалол сотилмоқда.

Негаки, спиртли ичимликлар кун кечиринишда кўмаклашмоқда.

Ўқитувчилар ота-оналар орасида диққат билан хушёр турмуш тарзини таркиб қилиб боришлари лозим. Дам олиш кунларини оқилона ўтказиш, оилавий байрам ва тантаналарни ичкиликсиз ўтказишда бир-бирларига ибрат булишлари керак. Синф раҳбарлари спиртли ичимликларни истеъмол қилишга майли бор ўсмирлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари, ота-оналари ашаддий ичкиликбоз бўлган ўқувчиларнинг оилалари ҳақида яхшигина хабардор бўлиб туриши шарт. Вояга етмаган болалар билан иш олиб бориш комиссияси ва инспекцияси ота-оналар ишлайдиган меҳнат жамоалари билан ҳамкорликда уларга яқка тартибда таъсир кўрсатиши, оилада соғлом муҳитни яратиш шакллари аниқлаб олиши лозим. Мактаб кутубхоначилари билан ўқувчиларни мунтазам равишда ахлоқий-маънавий этика муаммоларини очиб берувчи янги бадий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан таништириши, китоблар тўпламига эга бўлиши, турли мавзуларда ўқувчилар — китобхонлар анжуманларини ташкил этиш, "Гўзаллик — ҳаётимиз кўрки", "Иззатингни ёшлиқдан сақла" ва бошқа мавзуларда баҳс-мунозаралар уюштириш, кунгили дам олишни ташкил этиш, ўқувчилар иштирокида алкогольга қарши тарбияга дойр мавзуларда ёзувчи шоирлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказиш.

### **Назорат учун саволлар.**

1. Методик тавсиялардан фойдалинишнинг ҳозирги кундаги амалий аҳамияти қандай?

2. Методика атамасининг моҳияти нимада?

11. Методик тавсияларнинг афзалликлари ва камчиликлари нимада?

12. Дарс жараёнида методик тавсияларни куллашнинг қандай афзалликлари мавжуд?

13. Таълимнинг гуруҳли шакли қандай педагогик мақсадларни амалга ошириш имконини беради?

14. Таълим олувчиларни гуруҳларга қай тарзда ажратиш керак?

15. Дарсни баҳс – мунозара кўринишида ташкил этишда қандай мавзуларни танлаш мафқсадга мувофиққбатга олиш керак?

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### **1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Т. 1997. 29 август.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т. 1997. 29 август.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари**

3. «2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли Қарори.
4. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.

### **3. Ўзбекистон Республикаси президентининг асарлари**

5. Каримов И.А. “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марраралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим”. 2006 йил 10 феврал
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. – Т., Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси – Т.: Шарқ, 1999.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.

### **4. Ўзбекистон Республикаси Вазирликларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари**

12. “Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи.
13. “Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруғи.

### **5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий ҳужжатлари**

#### **6. Дарсликлар**

14. Е.Н. Пронина, В.В. Лукашевич. “Психология и педагогика”. Учебник для студентов ВУЗов. – М.: Издательство «Элит», 2004.
15. Педагогика профессионального образования. /Под. ред.

В.А.Сластенина. – Москва: Академия, 2004.

16 В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. Педагогика. – Москва: Школьная пресса. 2004

17.Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. – Москва, 2003.

18.Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Михенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. Учебное пособие. – М.: Школьная Пресса, 2002.

19.Бордовская Н.В., Реан А.А. «Педагогика» Учебник для вузов. – Санкт – Петербург: Питер, 2000.

## **7.Ўқув қўлланмалар**

20.Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистонда бизнес кейслар: Ўзбекистон Республикасидаги бизнес таълимотида “Кейс - Стади” услубининг қўлланилиши. – Т.: Академия, 2006. – 645 б.

21.Тажиева Ш. Тарбиявий ишлар услубиёти. Маърузалар матни. 2005.

22.Очилова Г., МусахановаГ., Тожиева Ш. Педагогика. Маърузалар матни. 2005.

23.Очилова Г., МусахановаГ., ТожиеваШ. Тарбиявий ишлар услубиёти. Масалалар тўплами. 2005.

24.Очилова Г., МусахановаГ., ТожиеваШ. Педагогика. Масалалар тўплами. 2005.

25.И. Мамажонов. Янги педагогик технологиялар. Масалалар тўплами. – Т. 2005.

26.И. Мамажонов. Касбий таълим услубиёти. Масалалар тўплами. – Т. 2005.

27.Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. –Т.: Ўқитувчи 2004.

28.Волжский А. Методика воспитательной работы с молодежью. – М. 2003.

29.Котов В. Воспитательная работа в школе: опўт и проблемы. – СПб.: Сев.сияние 2003.

30.Н. Саидахмедов. Янги педагогик технологиялар. –Т.: Молия, 2003.

31.Д. Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т. 2003.

32.Н.Хўжаев ва бошқалар. Педагогика асослари. –Т., 2003.

33.Н.Хўжаев ва бошқалар. Таълим назарияси. – Т., 2003 йил.

34.Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. «Образование: опыт, проблемы, перспективы». – Т. 2002.

35.Бўри Зиёмухаммадов, Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма – Т., 2001.

36.Н. Хўжаев ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. – Т.: «Фан» 2002.

37.Щуркова Н. Е. Педагогическая технология. – М.: Педагогическое общество России. 2002.

38.Новый педагогические и информационные технологии в системе

образования. – М.: Академия, 2002.

39.Тожиев М., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. – Т., 2001.

40.Герман Сонневелд. Ўзбекистонда касб-хунар таълими ислохотига кўмак. ТАСИС лойиҳаси. – Т., 2001.

41.Замонавий таълим технологиялари: мазмуни, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспрес кўлланма. – Т., 2001. ТАСИС лойиҳаси.

42.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Ўқув кўлланма. – Навоий Насаф, 2000.

43.Юзвяичение П.А. Теория и практика модульного обучения. – М.: Каунас, 2000.

44.Решетников П. Е. Нетрадиционная технологическая система подготовки учителей: рождения мастера. – М.: Владос, 2000.

45.Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектированию пед. технологии, Педагогика. 2000.

46.Подласый И.П. «Педагогика» в 2 книгах – М.: Владос, 2001г

### **8.Монография ва илмий мақолалар**

47.Ў. Толипов, М. Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005.

48.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида.1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. –Т.: ТДИУ, 2005.

49.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 3-қисм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожидавр талаби. –Т.: ТДИУ, 2005.

50.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида.4-қисм. Молия ва банк тизимидаги ислохотлар самараси. –Т.: ТДИУ, 2005.

51.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида.5-қисм. Ташқи иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари. – Т.: ТДИУ, 2005.

52.Гулбоев Т, Янги педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш. Навоий 2001 й.

### **9.Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари**

53.Чориев Р. «Инженер-педагогларнинг касбий малакаларини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. – Т., 2005.

54.Маҳкамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. – Т., 2005.

55.Раҳимов Б «Бўлажак ўқитувчида касбий маданий муносабатларнинг шаклланиши» номзодлик диссертацияси. – Т., 2004.

56.Ражабова С. «Касб-хунар коллежи ўқитувчисининг касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий педагогик асослари» номзодлик диссертацияси. – Т., 2004.

57.Нуриддинов Б. «Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий педагогик асослари». номзодлик диссертацияси. – Т., 2002.

58.Абдиев А. «Касб-хунар коллежларида иқтисодий таълим ва тарбия жараёнларини такомиллаштириш йўллари».– Т., 2002. Магистрлик диссертацияси.

59.Салиев Ҳ. «Касб-хунар коллежлари учун иқтисодчи кадрлар тайёрлаш йўллари». – Т., 2002. Магистрлик диссертацияси.

60.И. Мамажонов «Бўлажак иқтисодчи ўқитувчи кадрлар тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» – Т., 2001. Магистрлик диссертацияси.

### **10.Илмий амалий анжуманлар маърузалар тўплами**

61.Фарберман Б. Л. Раздаточные материалы методического семинара по передовым педагогическим технологиям. – Т., 13-14-15 июня 2005.

62.Илғор педагогик технологиялар асрида дарс ўтиш йўллари. Ўқув услубий ишланмалар тўплами. – Т.: ТДИУ. 2005.

63.Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлари. – Т.: ЎзПФИТА. 2003.

64.«Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар тренинг материаллари. – Т., 2002.

65.Иқтисодий таълим: назария, тажриба, муаммолар ва истиқбол. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман. 19 апрел, 2001.

### **11.Газета ва журналлар**

66.Иқтисодиёт ва таълим. // Журнал. 2005 йил 1-2 сонлари.

67.Халқ таълими. // Журнал. 2005 йил 1-2 сонлари.

68.Таълим ва тарбия. // Журнал. 2005 йил 4-сонлари.

69.Иқтисодиёт ва таълим. // Журнал. 2004 йил 1-2 сонлари.

70.Халқ таълими. // Журнал. 2003 йил 3-6 сонлари.

71.Маърифат. // Газета. 2003 йил 18 апрел сони.

72.Маърифат. // Газета. 2002 йил 26 май сони.

### **12.Интернет сайтлари**

73.[www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz)

74.[www.de.uz](http://www.de.uz)

75.[www.plekhanov.ru](http://www.plekhanov.ru)

76.[www.tgeu.uz](http://www.tgeu.uz)

77.[www.tatu.uz](http://www.tatu.uz)

78.[www.pomorsu.ru](http://www.pomorsu.ru).

79.[www.MTU-NET.ru](http://www.MTU-NET.ru).

80.[www.bankreferatov.ru](http://www.bankreferatov.ru).

81.[www.elsu.ru](http://www.elsu.ru).

82.[www.mgopu.ru](http://www.mgopu.ru).

### **13.Электрон дарслик ва ўқув қўлланма**

84.Очилова Г. “Педагогика” дарслик. – Т., 2005.

### **14.Битирув малакавий ишлари**

85.Ахмедов Ш. «Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви». – Т., 2005. (БМИ).

86.Шамсиев Ғ. «Дарсларни замонавий ташкил этишнинг шакл ва услублари». – Т., 2005.(Б.М.И.)

87.Рахимжонов Н. Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли. БМИ. 2005.

88.Чориев Б. Илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш. БМИ. 2005.

89.Алимухаммедов А. “Иқтисодий фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш” – Т., 2004. (Б.М.И.)

90.Алимухаммедова Г. “Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари”. – Т, 2004. (Б. М. И.)